

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида
УДК: 331.874:33М(575.1)

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Уразалиев Бекзод Султанбаевич

**Халқаро лизинг операциялари ва уни
Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари**

5А230604 – “Халқаро молиялар” (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги
бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Э. Алимардонов.

Тошкент – 2013 й.

Магистрлик диссертация иши “Банк иши ва корпоратив молиялар” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

сонли баённома « » 2013 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н. Э.Алимардонов. _____

ИМЗО сана

Оппонент: _____

Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____ сана _____

Магистр: Уразалиев.Б.С _____

ИМЗО сана

Ҳимояга рухсат этилади _____

“Банк иши ва корпоратив молиялар” кафедраси мудири проф. Н.Каримов

“ ” июнь 2013 йил.

Химоя Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида
2013 йил “_____” июньда соат “_____” бўлади.

Мундарижа

Кириш	3-бет
I-боб. Халқаро лизинг муносабатларининг назарий услубий асослари	10-бет
1.1 Халқаро лизингнинг иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш босқичлари.....	10-бет
1.2 Лизинг операцияларининг жаҳонда кенг тарқалган турлари ва уларга хос хусусиятлар.....	20-бет
1.3 Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари...	25-бет
I.Боб бўйича хулоса	35-бет
II-боб. Жаҳон ва миллий лизинг хизматлари бозорининг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолати таҳлили	36-бет
2.1 Жаҳон ва миллий лизинг хизматлари бозорининг амалдаги ҳолати таҳлили.....	36-бет
2.2 Лизинг тўловларини амалга ошириш механизми, ҳисоблаш усулларининг жорий ҳолати таҳлили.....	59-бет
2.3 Лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили.....	72-бет
II.Боб бўйича хулоса	82-бет
III-боб. Ўзбекистонда халқаро лизингни ривожлантириш истиқболи	83-бет
3.1 Мамлакатнинг халқаро лизинг операцияларида илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш.....	83-бет
3.2 Ўзбекистонда халқаро лизинг операцияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари.....	91-бет
3.3 Халқаро лизинг лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш модели.....	98-бет
III.Боб бўйича хулоса	110-бет
Хулоса ва таклифлар	111-бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	114-бет
Иловалар	119-бет

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири бўлган инвестициялар бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи уни хорижий тажрибалар асосида чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи манбаларни ҳисобга олган ҳолда, хорижий инвестицияларни хусусан халқаро лизингга жалб қилиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан биридир.

Халқаро лизинг операциялари ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги инвестицияларни молиялаштиришда чет эл капиталини жалб қилиш зарурати ва бевосита хорижий инвестицияларни иқтисодиётни модернизациялашдаги ролининг юқорилиги, қўшма корхоналар фаолиятида айрим муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш зарурати билан белгиланади.

Бу борада сўз кетганда Президент И.А.Каримовнинг “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилаш ҳам бўлмайди”¹ деб таъкидлаган жумлаларини унитмаслик лозим.

2012 йилда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 22,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012 — 2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси \ Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь, 3-бет.

бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда².

Лизинг фаолиятининг ривожланишига қуйидагилар тўсқинлик қилувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилмоқда:

- маҳаллий лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар унинг моҳиятини, афзалликларини етарлича тушуниб олмаганлари;

- лизинг бозорига хизмат қиладиган инфратузилмалар, ривожланган лизинг компаниялари, консалтинг фирмалари тармоқларининг камлиги;

- халқаро ҳамкорлик муносабатларининг етарли даражада ўрнатилмаганлиги;

- лизинг инфратузилмасида ишлайдиган тажрибали ходимларнинг етишмаслиги;

- халқаро лизинг амалиётларидан миллий лизинг бозорини ривожлантиришда кенг қўлланилмаслиги;

- миллий лизинг ташкилотлари тағдим этаётган хизматлар турининг ривожланган давлатларга нисбатан сезиларли даражада камлиги.

Халқаро лизинг операциялари ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари мавзусидаги ушбу магистрлик диссертацияси юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш йўлларини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Мазкур диссертациянинг предмети бўлиб халқаро лизинг операциялари билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб эса мамлакатимиз ва халқаро лизинг бозорларида юз бераётган жараёнлар ҳисобланади. Шунга асосан, илмий ишда халқаро лизинг бозорларида олиб борилаётган лизинг операциялари, лизинг юзасидан амалга оширилган халқаро операциялар ва бу жараённинг

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14

иждобий тамонларини Ўзбекистон лизинг бозорларини истиқболларини белгилашда фойдаланишни тадқиқ этишга қаратилган.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Жаҳон иқтисодиётининг тобора глобаллашуви ҳамда мамлакатимизда оқилона олиб борилаётган ислохотлар ҳар бир бозор инфратузилмасини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Шу боис танланган ушбу мавзу бўйича изланиш ишининг асосий мақсади мамлакатимизда халқаро лизинг операцияларни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, мамлакатда амалга оширилаётган лизинг операцияларини янги босқичга олиб чиқишда халқаро амалиётнинг тутган ўрнини ёритиб беришдан иборат.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар диссертация мавзусининг асосини ташкил этади:

- жаҳон ва миллий лизинг хизматлари бозорининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш;
- лизинг тўловларини амалга оширишнинг мавжуд меҳонизмларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш;
- мамлакатнинг халқаро лизинг операцияларида илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш меҳонизмларини яратиш;
- Ўзбекистонда халқаро лизинг операцияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаш бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Халқаро лизинг операцияларини ривожланиши ва ривожланган давлатларнинг халқаро лизинг амалиётини ўрганиш, олинган илмий билимларнинг миллий иқтисодиёт ривожланиш моделига мос бўлган қисмини республикаимизда

халқаро лизингни ривожлантириш истиқболларини белгилаш амалиётида жорий қилиш тадқиқот ишининг асосий масалалари бўлиб ҳисобланади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Халқаро лизинг операциялари ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболларининг назарий-услубий муаммолари хорижий ва МДХ мамлакатларининг таниқли олимлари, жумладан Дж. Ван Хорн, П.Роуз, Р. Брейли, С. Майерс, Н. Адамов, А. Тилов, Ч. Кемпирбаева, Д. Трынин, В. Горемыкин, В.Газман, Л.Прилуцкий, С.Ковынин, В.Макеев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган³.

Ҳозирги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда халқаро лизинг муносабатлари ролини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари республикаимиз Президенти И.А. Каримовнинг бир қатор асарлари ва нутқларида баён этилган. Шунингдек, республикаимизда иқтисодиётни модернизация қилишнинг умумназарий, минтақавий, тармоқ муаммолари С.Ғуломов, А.Ваҳобов, Ё.Абдуллаев, И.Тухлиев, И.Иватов ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ўрганилган.

Республикаимизда бевосита лизинг хизматлари бозори истиқболлари ҳамда халқаро лизингнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари бўйича М.Ангелиди, Д.Ғозибеков, О.Сабилов, А.Мўминов, О.Қулжонов, Ғ.Қудратов, М.Пардаев, Д.Зайналов, Э.Набиев, М.Марпатов, М.Абдурахмонов, А.Мўминов, Р.Ҳамидова, Ш.Ҳайдаров, Х.Ортиқов,

³ Ван Хорн Дж. Основы управления финансами: Пер.с англ./Гл. ред.серии Я.В.Соколов.-М.:Финансы и статистика, 1996.-643с.: Л-557-582с.; Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер.с англ.,со 2-го изд.-М.: Дело Лтд,1995.-768 с.:Л -173с.;Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов. Пер.с англ.-М.: ЗАО "Олимп - Бизнес",1997.-1120с. Л 715-732с.;Н.Адамов, А.Тилов. Лизинг:правовая сущность, экономические основы, учет и налогообложение. СПб.:Питер, 2007;Кемпирбаева Ч.С. Использование лизинга в развитии сельскохозяйственного производства в переходной экономике (на примере агропромышленного комплекса Кыргызской Республики):Автореф. дис ...канд. экон. наук.– Бишкек, 2005.–27с.;Трынин Д.И. Особенности лизинга в промышленно-развитых странах.//М.: Ж. Финансовый менеджмент, 2004, №3.–С.28-30;Горемыкин В.А. Лизинг: Учебник.-М.:”Дашков и К”, 2003; Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг.–М.:Фонд «Правовая культура»,1999; Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии.–М.:Фонд «Правовая культура»,1997; Прилуцкий Л.Н. Финансовый лизинг. Правовые основы, экономика, практика.-М.:Изд-во "ОСЬ-89",1997.–278с.; Ковынин С.Л. Лизинговые сделки. Рекомендации по избежанию ошибок.–М.:Вершина, 2008. – 248с.;Макеев В.Г. Лизинг. Учебное пособие.–М.:ИНФРА-М, 2004.–192с.;

Х.Тухсанов, С.Салаев, А.Ахмедова М.А. Икрамов, О.Т.Ҳазратқулов каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган⁴.

Таъкидлаш жоизки, юқорида номлари тилга олинган олимларнинг илмий тадқиқотлари миллий иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнини, республикамиз лизинг бозорини ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини таҳлил қилиш, бу борада юз бераётган ислохотлар ва жараёнларни таҳлил қилишда муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Аммо иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш жараёнлари кечаётган бир шароитда республикамизда ҳар бир минтақанинг ёки иқтисодиёт тармоғининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бевосита халқаро лизинг операцияларининг афзалликларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Ушбу ҳолат халқаро лизинг операциялари ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболларини ўрганиш асосида республикамизда, хусусан Ўзбекистон Республикаси ТИФ “Миллий банк” Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасида соҳани ривожлантириш бўйича илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга бағишланган мазкур диссертация мавзусини танлашда асос бўлди.

⁴ Ангелиди М.С., Газибеков Д.Г. Лизинговый кредит на технический прогресс. - Т.: Узинформагпропром, 1991.; Газибеков Д.Г., Сабиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. - Т.: Молия, 2001.; Газибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия, 2003; Д.Г.Газибеков, О.Ш.Сабиров, А.Г.Мўминов, О.М.Қулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти.-Т.: Фан ва технология, 2004.-308б.; Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов. Сервис ривож-аҳолининг бандлигини таъминлаш, ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия.Т.:Фан ва texnologiya,2007.-28 бет.;Д.Р.Зайналов. Услуги и сервис как экономическая категория \ Ж.: Сервис. №1, 2009. – 70-77 бет.; Э.Набиев, М.Марпатов. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти.Т.:“ЎАЖБНТ” Маркази, 2004.; М.А.Абдурахмонов, А.Ғ.Мўминов, З.Р.Ҳамидова. Лизинг бу нима?Т.:“O'zbekiston”НМИУ,2006.- 45 б.; Ш.У.Ҳайдаров, Х.А.Ортиков, Х.А.Тухсанов. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби.Т.:Норма,2006.-247б.;Салаев.С.К.,Абдуллаев.Ф.О.Роль лизинговых операций в развитии агробизнеса Республики Узбекистан.Москва.Ж.:Экономика и финансы.\№2(141),2008г., стр.39-41;Салаев.С.К. и др.Особенности и преимущества лизинговых партнёрских отношений субъектов малого бизнеса на автотранспорте\Ж.:Журнал налогоплательщика.Апрель,№2,2008г., 24-25 стр.; А.Ахмедова. Лизинговое инвестирование\Ж.:Бозор, пул ва кредит.№3,2010й. 22-24 бет. М.А.Икрамов, А.К.Саакян, М.Я.Ходжаева,Т.И. Пугановская. Авиализинг: Учебное пособие.-СПб.: СЗТУ, 2006,-153 с. О.Т.Ҳазратқулов. Халқаро молиявий лизинг шартномаси /Ўқув қўлланма.-Тошкент.:ТДЮИ, 2010. 66-бет.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Илмий ишда эксперт баҳолаш, гуруҳлаш, таркибий, қиёсий ва статистик таҳлил методологияси қўлланилган. Шунингдек, диссертация ёзишда мустақил давлатчилик ва лизинг соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда уларни амалга ошириш йўналишлари бўйича илмий ишлар асос қилиб олинди, ахборот базаси қилиб эса Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Марказий банкнинг лизинг бўйича йўриқнома ҳамда меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсияларидан, халқаро лизинг операцияларини такомиллаштиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини келажакда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, олинган илмий натижалар халқаро лизинг операциялари амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мамлакатимизда лизинг лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини таъминловчи хориж моделни ўрганиш ва шу асосида миллий моделни яратиш бўйича тавсия этилаётган таклифлар давлатимиз миллий лизинг бозори иштирокчиларининг молиявий маблағларини мувофиқлаштириш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг лизинг бозоридаги фаолиятини янада кенгайтиришга ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашга амалий ёрдам бериши кўзда тутилмоқда.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1. хорижий инвестицияларни лизинг асосида молиялаштириш жараёнида инвестицион солиқ имтиёзини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;
2. лизингнинг миллий ва халқаро даражасида иқтисодий-ҳуқуқий моҳияти аниқлаштирилган;
3. лизинг фаолиятида учрайдиган рисклар ва уларни пасайтириш йўллари белгиланган;
4. лизинг тўловлари таркиби ва уни ҳисоблашнинг бир қатор усуллари келтирилган;
5. лизинг лойиҳаларини баҳолаш усуллари ва самарадорлигини таъминлаш модели кўрсатиб берилган;
6. Ўзбекистонда халқаро лизинг операцияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари хусусида таклиф ва хулосаларнинг келтирилишида намоён бўлади.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг асосий қисмининг ҳажми 94 бетдан иборат бўлиб унда халқаро лизинг муносабатларининг назарий услубий асослари, жаҳон ва миллий лизинг хизматлари бозорининг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолати таҳлили, Ўзбекистонда халқаро лизингни ривожлантириш истиқболи каби долзарб бўлган мавзулар ёритилган. Бундан ташқари диссертация ишида 10 та жадвал, 7 та диаграмма, 6 та расм, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 14 та илова келтирилган.

I-Боб. Халқаро лизинг муносабатларининг назарий услубий асослари.

1.1 Халқаро лизингнинг иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш босқичлари.

Лизинг муносабатларининг моҳияти унинг шаклланиши, бизгача етиб келиши ва ривожланиши, шунингдек ушбу ривожланиш давомида юзага келган ўзгаришлар тарихини чуқурроқ ўрганиш натижасида ёритилади.

Иқтисодий муносабатлар тарихини ўрганувчи олимлар фикрига кўра ижара муносабатлари бундан 4 минг йил аввал ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг бой ва рангбаранг тарихи билан ажралиб туради. Инсоният тарихидан дастлабки ижара келишувининг қачон амалга оширилганлигини ҳеч ким аниқ билмасида ушбу фаолият туридан гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар эрамиздан олдинги 2000 йилларга тўғри келади. Олимлар томонидан эрамиздан олдинги 450-400 йилларда Вавилон давлатининг жануби-шарқий томонида жойлашган қадимги шаҳар Ниппурда Мурашу оиласи асос солган дастлабки ижара компанияси аниқланган. Ушбу оила ўз даврида ижара хизматлари бозорида етакчилик қилиб, асосан ер, қорамол ва қишлоқ хўжалик техникасини ижарага берган⁵. Қадимда амалга оширилган ижара келишувларини ўзининг иқтисодий-ҳуқуқий моҳиятига кўра ҳозирги лизинг муносабатларига жуда ўхшаб кетади. Ўша пайтда лизингга олувчиларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун берилган кемаларнинг муддати уларнинг самарали фойдаланиш муддатига яқин бўлган.

Ўрта асрларда қишлоқ хўжалик қироллари ижараси машҳур бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, ўша пайтда рицарлик қурол-аслаҳалари жуда қиммат бўлганлиги туфайли уларни ижарага бериш оммалашган.

Буюк Британияда капитализмнинг жадал ривожланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини ижарага бериш

⁵ Газманов В.Д. «Рынок лизинговых услуг». – М.: Фонд «Правовая культура», 1999.17-18 бет.

жараёнини тезлаштириб юборди. Айниқса темир йўл транспорти ва тошқўмир казиб олишнинг гуркираб ўсиши ижара муносабатларини жонланишида катта роль ўйнади. Маълумки, казиб олинган тошқўмирни истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришда катта микдордаги темир йўл вагонларига зарурият туғилади. Лекин кон саноати корхоналари ҳамма вақт ҳам бундай молиявий имкониятга эга бўлишмаган. Ана шундай ҳолатларда молиявий жиҳатдан бақувват компаниялар фойда олиш учун темир йўл вагонларини сотиб олиб, уларни кончиларга ижарага беришган. Вақт ўтиб ижара муддати тугагач, кончиларга вагонларни сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара битими тузилган. Бундай шартномалар “ижара-сотиш” деб аталган. Юқоридаги фикрларни умумлаштирсак замонавий лизингнинг яна бир муҳим жиҳати бўлган – учунчи (воситачи) шахсининг, яъни лизинг компанияларининг вужудга келиши учун пойдевор қурилганлигини кузатишимиз мумкин. Лизинг тарихини ўрганар эканмиз, бу борада Аристотелнинг фалсафий фикрларига тўхталиб ўтиш лозимдир. У ўзининг асарида “Бойлик мулкка эгалик қилишда эмас, балки ундан оқилона фойдаланишдадир”, яъни хўжалик юритувчи субъект даромад олиши учун бирор бир мулкка эга бўлиши шарт эмас, фақатгина шу мулкдан фойдаланиш натижасида даромад олиш ҳуқуқига эга бўлиши етарли, деган фикрни илгари сурган эди. Олим ушбу фалсафий фикрлари билан лизинг ғоясини яратди, у бугунги кунда ҳам лизинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий жиҳатдан лизинг дастлаб эрамиздан олдинги V асрда Рим империясининг қонуний ҳужжатларида ўз аксини топган. Рим ҳуқуқномасини кодлаштирган Рим императори Юстиниан I (483-565) ижара муносабатларини ҳуқуқий ҳужжатларда қайд эттирган. Бундай ижара муносабатларни ривожлантириш нафақат фалсафий ғояларга эга бўлиш, балки у мулкӣ муносабатлар сифатида ўзининг ҳуқуқий мазмунига эга бўлишини тақоза этган.

Лизинг муносабатларида туб ўзгаришлар XX асрнинг 50-йилларида Америкада содир бўлди. Лизингга технологик воситалар, машиналар, механизмлар, кемалар, самолётлар ва бир қатор ишлаб чиқариш воситалари фаол равишда берилга бошланди. Ушбу ўзгаришларни АҚШ ҳукумати муносиб баҳолаб, лизинг фаолиятини рағбатлантирувчи давлат дастурини ишлаб чиқди, бунинг натижасида лизинг муносабатлари жадал ривожлана бошлади ва лизинг бизнесининг шаклланишига туртки берди. Маълум бир тўлов эвазига лизинг компаниялари ва фирмалари ташкил этилиб, лизинг операциялари тадбиркорлик фаолиятининг асосига айланди.

Халқаро молия корпорацияси мутахассислари томонидан лизинг қуйидагича талқин қилинган: “Лизинг бу мулкый муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига кўра учунчи тараф (мол етказиб берувчи) дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни тўлаш асосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтинчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчига беради”. Лизингга берилган бу таърифда лизингнинг мулкый муносабатлар мажмуи ва бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган фойда олиш истагининг маҳсули эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.


Бундан ташқари, Европа федерациясининг лизинг бўйича миллий ассоциацияси томонидан лизингга берилган таърифи ҳам эътиборга моликдир, яъни “Лизинг – бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақсадида завод, саноат товарлари, ускуналар ва кўчмас мулклардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда мазкур товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олиниб, у мулкка бўлган эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади”.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, лизингга қуйидагича таъриф бериб ўтамыз:

“Лизинг – бу вақтинчалик бўш турган ёки жалб қилинган молиявий воситаларни инвестициялашни ўзида акс эттириб, бунда лизингга берувчи маълум бир сотувчидан мулкый шартномада келишилган мол-мулкка эгалик қилиш ва ушбу мол-мулкни вақтинчалик фойдаланганлик учун тўлов асосида охирида харид қилиш ҳуқуқи бўйича лизингга олувчига тақдим этиш мажбуриятини олади”.

Шу ўринда 1988 йил 28 майда Оттавада қабул қилинган Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенциясида (УНИДРУА) шакллантирилган “лизинг” атамасига тўхталиб ўтсак. Фикримизча у лизингнинг энг тўлиқ таърифи бўлиб, қуйидагича ифодаланган. Лизинг - бунда бир тараф (ижарага берувчи), бошқа тараф (ижарага олувчи)нинг кўрсатмасига биноан ижарага берувчи учунчи тараф (мол етказиб берувчи) билан ижарага олувчи томонидан тасдиқланган шартларга мувофиқ ускуналар, мол-мулк ёки асбоблар сотиб олиш тўғрисида шартнома (мол етказиб бериш тўғрисида контракт) тузади. Ижарага олувчи билан эса контракт (ижара шартномаси, лизинг келишуви) тузади ва ижра ҳақини тўлаш шарти билан унга ускунадан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этади. Бундан ташқари, Конвенцияда лизингнинг қуйидаги шартлари ҳам кўрсатиб ўтилган:

- фойдаланувчи мустақил равишда ускунани аниқлайди ва мол етказиб берувчини танлайди;
- ускуна уни келгусида албатта лизингга топшириш мақсадини назарда тутган ҳолда, лизингга берувчи томонидан тузилган ёки тузилиши лозим бўлган лизинг шартномасига мувофиқ сотиб олинади.
- лизинг шартномаси бўлган тўланиши лозим бўлга даврий тўловлар, хусусан, ускунанинг бутун ёки муҳим қисми қийматининг амортизациясини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.



1-расм. Операциялар амалга ошириладиган бозор доираси (сектори)га кўра лизинг тури⁶.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида лизинг муносабатларининг кўпдан-кўп турлари ва шакллари қўлланилмоқда. Лизингнинг ҳар бир тури ва шакли тўғрисида фикр юритишдан олдин уларнинг мазмуни ва бир-биридан фарқларига аниқлик киритиш лозим.

Лизинг турлари бир-биридан мазмунан фаркланди, унинг шакллари эса лизинг битимларининг ташкилий белгилари билан таснифланади (1-расмга қаранг).

Лизинг операцияларини турли хусусиятларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Иштирок этувчиларнинг таркибига кўра:

- Воситачисиз лизинг- бунда мулк эгаси лизинг объектини мустақил равишда топширади (икки томонлама келишув);
- Воситачили лизинг- бунда мулк воситачи орқали лизинг олувчига топширилади (уч томонлама ёки кўп томонлама келишув);
- Сублизинг- лизинг олувчи лизинг объектини учунчи шахсга лизингга беради.

Лизинг объектига кўра:

⁶ Набиев Э.Ғ., Марпатов М.Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. Т.: <<ЎАЖБНТ>> Маркази, 2004, 28-29 бет маълумотлари асосида муаллиф чизмаси.

– кўзгалувчи мулк лизинги- ишлаб чиқариш билан боғлиқ машина, асбоб-ускуна ва бошқа анжомларни лизингга бериш;

– кўчмас мулк лизинги- бино ва иншоотларни лизингга бериш;

– фойдаланиш жараёнида бўлган мулк лизинги- лизинг берувчи ўз ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган мол-мулкни ижарага беради.

Харажати қоплаш даражасига кўра:

– харажати тўлиқ қопланадиган лизинг ёки молиявий лизинг- бир шартноманинг амалдаги муддати давомида мулк қийматининг тўлиқ қопланиши таъминланади;

– харажати қисман қопланадиган лизинг ёки операцион лизинг- бир шартноманинг амалдаги муддати давомида мулкнинг қиймати фақат қисман қопланади.

Амортизация ажратиш шартларига кўра:

– тўлиқ амортизацияланган лизинг- лизинг объектининг қиймати фойдаланиш давомида тўлиқ тўланадиган лизинг

– қисман амортизацияланган лизинг- лизинг объектининг қиймати фойдаланиш давомида қисман тўланадиган лизинг.

Хизмат кўрсатишига кўра:

– соф лизинг- ижарага топширилаётган мулкка доир барча хизматларни лизинг олувчи ўз зиммасига олади;

– тўла хизмат кўрсатиш- лизинг объектига доир барча хизматлар тўлиқ равишда лизинг берувчига юкланади;

– қисман хизматлар кўрсатиладиган лизинг- лизинг объектига доир хизматларнинг фақат айрим қисми лизинг берувчига юкланади.

Операциялар амалга ошириладиган бозор доираси (сектори)га кўра:

– ички лизинг- битимнинг барча қатнашувчилари бир мамлакатнинг вакили бўлишади;

– халқаро ёки ташқи лизинг- томонларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси ёки барча томонлар турли мамлакатларга тегишли, шунингдек, агар томонлардан биттаси қўшма корхона бўлган ҳолда;

– экспорт лизинг- лизинг олувчи чет эл мамлакати бўлса;

– импорт лизинг- лизинг берувчи чет эл мамлакати бўлса.

Солиқ ва амортизация имтиёзларига кўра:

– сохта лизинг - чайқов хусусиятига эга бўлиб, солиқ имтиёзлари ҳисобига ва амортизация келишувларидан катта миқдорда асоссиз даромад олиш мақсадида тузилади;

– ҳақиқий лизинг- лизинг берувчи инвестиция чегирмаси ва тезлаштирилган амортизация каби солиқ имтиёзларига эга бўлиши, лизинг олувчи эса даромад солиғини тўлашда лизинг тўловларини солиқ тўлаш базасидан чегириши мумкин.

Лизинг тўловларига кўра:

– пул билан тўлаш- лизинннинг барча тўловлари пул шаклида амалга оширилади;

– қоплаш (компенсация) тўлови лизинги- тўловлар лизинг объекти бўлган ускуналардан ясалган маҳсулотларни етказиб бериш орқали ёки қарши хизмат кўрсатиш йўли билан амалга оширилади;

– турли тўловли лизинг- ҳар иккала тўлов турлари қўлланиладиган лизинг.

Мол-мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш, шунингдек тасарруф этиш соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндиси бўлган лизингнинг мазмунини ўрганаётганда унинг пул ва товар шаклида рўёбга чиқадиган кредит муносабатларига асосланган мулкӣ муносабатлар йиғиндиси эканлигига ҳам алоҳида урғу беришимиз керак.

Шу ўринда Д.Ғ.Ғозибеков бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассисларнинг куйидаги фикрига эътибор берамиз. “Лизинг муносабатларининг асосини молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит

ва ижара муносабатлари йиғиндиси ташкил этади, шулар ёрдамида замон ва маконда капиталнинг ҳақиқий қийматини сақлаш ёки кўпайтириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлади»⁷.

Гарчи лизинг муносабатларининг асосини кредит муносабатлари ташкил этсада. улар ўртасида муайян тафовутлар ҳам мавжуд (1-жадвалга қarang). Шундай қилиб, тадқиқотларнинг кўрсатишича, лизинг муносабатлари кредит муносабатлари ҳамда ижара билан маълум бир умумийликка эга бўлса ҳам кўпгина кўрсаткичлар жиҳатидан улардан мутлақо фарқ қилади. Лизинг, аввало ўзининг мазмуни, шакли, субъектлар доираси, иқтисодий самарадорлиги ва солиққа тортиш тизими каби кўрсаткичлари билан оддий кредит муносабатларидан фарқ қилади.

1-жадвал.

Кредит ва лизинг муносабатларининг энг муҳим фарқлари⁸.

Кўрсаткичлар	Кредит	Лизинг
Субъектлар	Кредит берувчи ва олувчи	Сотувчи (ишлаб чиқарувчи), лизинг берувчи ва лизинг олувчи
Молиялаштириш	Пул воситалари кредит шартномаси бўйича бевосита кредит олувчининг ҳисоб рақамига келиб тушади.	Расмана молиялаштириш юз бермайди (лизинг берувчи лизинг объектини сотиб олади ва уни лизинг олувчига беради)
Гаров таъминоти	Гаров таъминоти қиймати банк томонидан белгиланади (одатда кредит қийматининг 125% ҳисобида)	Гаров таъминоти катталигини ҳар бир лизинг компанияси мустақил равишда ўрнатади.
Назорат	Таъсир воситаларининг йўқлиги сабабли воситаларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиб бўлмайди.	Лизингга аниқ келишилган мулк (қурилма, ускуна, машина ва ҳ.) берилиши сабабли воситалар устидан назорат қафолатланган
Йўналтирилиши	Инвестициялар исталган тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилади	Инвестициялар ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга, ишлаб чиқариш қувватини

⁷ Ғозибеков Д. Ғ., Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: «Fan va tehnologiya», 2004.87-бет.

⁸Ш.М.Латипова. «Тижорат банкларининг лизинг хизматлари, уларни корхоналар молиявий салоҳиятини оширишда тутган урни (РАТБ «Галлабанки» Самарқанд минтақавий филиали маълумотлари бўйича)» мавзусидаги магистрлик диссертацияси. Самарқанд-2009. 17-18 бет.

		модеризациялаш ва ривожлантиришга йўналтирилади.
Объектга эгалик ҳуқуқи	Кредитга сотиб олинган мулкка эгалик қилиш. фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи кредит олувчига тегишли	Лизинг шартномаси амал қилиш давомида. лизинг объекти лизинг берувчининг мулки ҳисобланади, лизинг олувчи эса ушбу объектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Лизинг шартномасининг муддати тугагач ва барча тўловлар тулангандан кейин, лизинг объекти тўлиқ лизинг олувчининг мулкига айланади.
Фоизларнинг тўланиши	Одатда, ҳар ойда маълум бир ставкада амалга оширилади.	Ҳар ой ёки ҳар чоракда амалга оширилади. Ҳар бир лизинг объекти учун алоҳида ёндашилади. Лизинг тўловлари лизинг олувчининг даромадига қараб бир-биридан фарк қилиши мумкин.
Молиялаштириш катталиги	Одатда, харид қилинаётган объектнинг тўлиқ қиймати камраб олинмайди. Кредит олувчи қисман ўз маблағини ҳам қўллаши талаб қилинади.	Лизинг объекти нархининг лизинг берувчи томонидан тўлиқ қўлланилиши кўзда тутилган.
Солиқ соҳасидаги афзалликлар	Ўрта ва узоқ муддатли кредитларда даромаднинг солиқ солинadиган базасини белгилашда фоизлар айириб ташланмайди.	Лизинг шартномаси амал қилиш муддатида лизингга олинган мулк солиқдан озод қилинади. Даромаднинг солиққа тортиладиган базасини аниқлашда лизинг олувчи конунчиликка мувофиқ қуйидагилардан озод бўлади: А) лизингга олинган асосий воситаларнинг амортизация тўловлари суммаси. Б) лизинг шартномаси амал қилиш муддатида катъий назар лизинг бўйича фоизлар.

Лизингнинг бошқа молиявий инструментларга нисбатан афзаллиги
қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

1. *Молиявий жиҳатдан:* бир вақтнинг ўзида ҳам ускуна харид
қилинади, ҳам молиявий қийинчиликлар юзага келмайди. Лизинг

тўловлари баҳолар индексига боғлиқ бўлмайди, шунинг учун ижарадан фарқли ўлароқ, шартнома амал қилиш муддатида ўзгартирилмайди. Лизинг берувчи ўз фаолияти давомида бир қатор имтиёзларга эга бўлади ва шунинг учун лизинг тўловларини амалга оширишда лизинг олувчига бир қатор қулайликларни яратиб бериши мумкин.

2. *Инвестицион жиҳатдан*: корхона мол-мулкни лизингга олишда, уни лизинг ҳисобига харид қилишда бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, лизинг объекти гаров сифатида иштирок этгани учун унга қўшимча таъминот тури талаб этилмайди. Талаб этилган тақдирда ҳам бу кредитга қараганда бирмунча кам суммани ташкил этади.

3. *Ташкилий ва эксплуатация қилиш жиҳатидан*: лизинг асбоб-ускуна, техника, машина ва механизмлар нархининг тўлиқ суммасини тўламасдан туриб, улардан фойдаланиш имконини беради.

4. *Сервис хизматлар*: лизингга олувчи суғурта, транспортировка, ускунани ўрнатиш, кафолатли хизмат, профилактика ва бошқа хизмат турларидан фойдаланиши мумкин.

5. *Бухгалтерия ҳисоби*: лизинг бўйича харажатлар жорий харажатлар таркибига ва маҳсулот таннаригига киритилади, бу солиққа тортиладиган фойда миқдорининг камайишига олиб келади. Лизинг объекти лизинг компаниясининг балансида акс эттирилади. Лизинг юқорида қайд этилган афзалликлари унда бир қатор муҳим функциялар мужассамлашганлигини англатади.

Лизингнинг энг асосий функцияси молиявий функция ҳисобланиб, у тадбиркор (лизингга олувчи)ни лизинг объектига унинг қийматини бир йўла тўлашдан озод этишда ва унга молиявий воситачи (лизинг компанияси) маблағи ҳисобидан лизинг кредити беришда намаён бўлади. Лизингнинг ушбу функцияси лизингга олувчига ҳеч қандай сарфларсиз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш функцияси лизингнинг иккинчи муҳим жиҳати ҳисобланади, у корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини

тезкорлик билан ҳал этишда лизинг объектини сотиб олиш йўли билан эмас, балки ижара шартлари асосида вақтинчалик олиб, янги ускунани фаол ҳаракатга тушуришда намаён бўлади.

Лизингнинг юқоридаги икки функцияси билан бир қаторда яна сотиш функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин. У истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва мазкур вақтда шундай лизинг мулкани олишга имкон бўлмаганларни ишлаб чиқариш соҳасига сотиш учун янги бозорни эгаллаш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда лизинг фаолиятининг ривожланиши узок тарихга эга бўлмасада чуқур тарихга эгалигини кўришимиз мумкин. Унинг ривожланиши турли даврларда турлича шакил ва номларда баён қилинганлиги бу турдаги иқтисодий муносабатларнинг аҳамияти инсоният тарихининг ажралмас бир қисми бўлиб шакилланиб улгирганлигидан далолат беради.

1.2 Лизинг операцияларининг жаҳонда кенг тарқалган турлари ва уларга хос хусусиятлар.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида лизинг муносабатларининг кўпдан - кўп турлари ва шакллари қўлланилмоқда. Лизингнинг ҳар бир тури ва шакли тўғрисида фикр юритишдан олдин уларнинг мазмуни ва бир - биридан фарқларига аниқлик киритиш лозим.

Барча мамлакатларнинг амалиётда кенг тарқалган лизинг турлари бу - молиявий ва операцион (жорий) ижара турларидир. Биз юқорида молиявий ижара - бу лизинг, оддий, яъни молиявий бўлмаган ижара эса операцион лизинг дейилишини айтиб ўтган эдик. Бугунги кунда ҳам амалиётда лизинг битимлари лизинг (молиявий ижара), ёки операцион лизинг шаклида тузилмоқда, шу сабабли лизингдан операцион лизинг фарқини ажратиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлакатларда лизингнинг бу турларини фарқлаш бўйича ўз ички қонунчилик ҳужжатларига тегишли меъёрлар киритилган ва шу

меъёрлар бўйича лизинг шартномаларини молиявий ёки операцион лизингга таснифлаша бошлашди.

Айрим иктисодчилар томонидан бу икки лизинг тури лизинг шартномаларининг муддатларига караб, яъни узок, муддатли лизинг шартномалари молиявий, киска муддатлилари эса операцион лизинг, деб кабул килинади. Шунга мувофиқ, операцион, лизингда лизинг объекти фойдаланиш муддати давомида кўп марта қўлланилади ва улар муддатларига караб рейтинг (бир йилгача) ва хайринг (бир йилдан уч йилгача) битимлари деб номланади.

Лизинг (молиявий ижара) шартномаси эса узок, муддатларга тузилиб, аксарият ҳолларда унинг муддати лизинг объектининг фойдаланиш муддатига яқин бўлади, бинобарин, ушбу лизинг объекти фақат бир марта қўлланилади. Бундан ташқари, лизинг муддати тугагандан сўнг лизинг олувчи шартномада келишилган нархларда лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам лизингнинг бу икки турини ажратишда юқоридаги қоидалар асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Лизинг ўз ўрнида “сублизинг” шаклида амалга оширилиши мумкин. Сублизингда лизинг олувчи лизинг объектини учунчи шахсга шартнома асосида лизингга бериши мумкин. Бунда дастлабки лизинг берувчи (лизинг компанияси ёки банк) “сотувчи”, лизинг олувчи - “лизинг берувчи” ва сўнгги учунчи шахс эса - “лизинг олувчи” сифатида фаолият кўрсатишади.

Адабиётларда лизингнинг “қайтарма” тури ҳам қўлланилади. Лизингнинг ушбу турида мол етказиб берувчи ва лизинг олувчи бир субъект сифатида иштирок этади. Айрим ишлаб чиқарувчилар ўзларининг молиявий ҳолатларини яхшилаш мақсадида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини лизинг берувчи лизинг компаниялари ёки банкларга сотишади ва уни лизинг шартномасига асосан қайтадан ижарага олишади.

Ушбу битам тадбиркорлик мақсадларида эмас, балки вақтинчалик молиявий тангликдан чиқиш учун тузилади. Бундай битимлар купгина мамлакатларнинг қонунчилик ҳужжатларида лизингнинг алоҳида тури сифатида белгиланиб, халқаро амалиётларда қўлланилаётганлигини кўриш мумкин.

Халқаро амалиётда энг кўп тарқалган лизинг операцияларининг шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

- *Тўғридан-тўғри халқаро лизинглар*. Бунда битим бўйича барча операциялар турли мамлакатларнинг юридик шахслари бўлган тижорат ташкилотлари ўртасида амалга оширилади;

- *Транзит (билвосита) лизинг*. Бунда бир мамлакатдаги лизинг берувчи бошқа мамлакатдан кредит олади ёки зарур бўлган ускуналарни сотиб олади ва учунчи бир мамлакатдаги ижарачига етказиб беради;

- *Тўғри бўлмаган лизинг*. Бунда лизинг фирмаси ва истеъмолчи бир мамлакатга тегишли бўлган ҳолда лизинг фирмаси бошқа мамлакатда жойлашган бўлади;

- *қайта янгиланадиган лизинг*. Бунда лизинг олувчи талабига биноан лизинг объекти ҳисобланган ускуналарни мукаммаллаштирилган янги турларига мунтазам равишда алмаштирилиб турилиши назарда тутилади;

- *маблағ жалб этиш ҳисобига тузиладиган лизинг*. Бунда лизинг берувчи томонидан лизинг объектининг 80% гача булган миқдори узоқ муддатли қарз ҳисобига сотиб олиниши назарда тутилади. Бундай битимларда катта миқдорда узоқ муддатли маблағларга эга бўлган йирик тижорат ва инвестицион банклар кредитор бўлиб ҳисобланади.

Халқаро лизинг бизнеси ички лизингга нисбатан кеч ривожлана бошлади. Халқаро лизинг операцияларининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этган:

- кўпчилик мамлакатларда кредит олиш шартларининг оғирлиги;
- банклар томонидан фоиз ставкаларининг оширилиши;
- минтақавий молиявий инкирозлар;

- баъзи мамлакатлар солиқ тизимининг беқарорлиги ва бошқалар.

Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишдаги қийинчиликлар нафақат миллий мамлакат, балки ҳамкор мамлакат ҳукуматининг валюта, божхона ва бошқаларни тартибга солиш қоидалари таъсири остида бўлишидан иборат.

Таҳлиллар кўрсатишича, лизинг операциялари ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

АҚШда лизингга тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралиб, унда буюртмачи эҳтиёжи учун вақтинча мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкдордан ижарачига берилади ва унинг натижасида лизинг фирмаси маълум миқдорда даромад олади. Лизинг операцияси жараёнида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи вақтинча бир юридик шахсдан иккинчи юридик шахсга ўтказилади.

АҚШда лизингнинг барқарор суръатларда ривожланишининг муҳим сабабларидан бири инвестицияларга бериладиган солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, инвестициялар йиғиндисининг 10% гача қисми солиқ йиғиндисидан чиқариб ташланади.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти сингари лизинг шартномалари ишончли ҳуқуқий асосга эга бўлиши керак. Яқин вақтларгача кўпгина ривожланган мамлакатларда мавжуд қонунчиликка кўра машина ва ускуналар ижараси умумий нормалар асосида бошқарилар, томонлар муносабатини билдирувчи технологик аниқликлар мавжуд эмас эди. ХХІ аср бўсағасида бир қатор хорижий мамлакатлардаги фуқаролик ҳуқуқларида лизинг ва унинг турларига ҳуқуқий аниқлик берилган, улардан бир қанчаси бўйича эса тегишли қонуний ҳужжатлар қабул қилинган.

Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминланганлик даражаси бўйича мамлакатлар икки гуруҳга бўлинади:

- Лизинг шартномаларини бошқарувчи махсус қонунлар мавжуд мамлакатлар гуруҳи;

– Амалда махсус қонунчилиги мавжуд бўлмаган мамлакатлар: Биринчи гуруҳ мамлакатларидаги мавжуд қонунчилик учун характерли хусусият, лизинг муносабатлари нафақат асосий ҳамкорлар (лизинг олувчи ва лизинг берувчи) ўртасида бошқарилади, балки лизинг компанияси билан етказиб берувчи ўртасида ҳам бошқарилади.

Ўтиш иқтисодиёти ҳисобланган МДХ мамлакатларида лизинг бозорининг шаклланиши ва ривожланиши қатор хусусиятларга эга. Ушбу мамлакатларда дастлабки лизинг компаниялари банклар томонидан таъсис этилган. Лизинг компаниялари ривожланиш даврида асосан банкнинг корпоратив миқдорларига хизмат кўрсатишган.

Бугунги кунга келиб жадал ривожланаётган лизинг бозорларидан бири бу Россия лизинг бозори бўлиб 2012 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра Россия лизинг бозорида техника воситалари, шу жумладан автомобиллар лизингги 22,8%га ошганлигини кузатиш мумкин. Россия лизинг бозори Европа лизинг бозори билан таққослаганда тўртинчи ўринни эгаллаган ундан олдин Германия, Англия ва Франция давлатлари турганлигини кўришимиз мумкин (1-иловага қаранг).

Қозоғистонда лизинг муносабатларининг шаклланиши кўп жиҳатдан Россияга ўхшаш. Ҳозирда Қозоғистонда кўплаб лизинг компаниялари фаолият юритмоқда, уларнинг аксарияти банклар ҳузурида фаолият юритса, яна бир қисми эса давлат лизинг компаниясидир.

Қозоғистон лизинг компаниялари россиялик мол етказиб берувчилар билан асосан сублизинг схемаси бўйича иш олиб борадилар. Яъни Қозоғистон лизинг компанияси Россия лизинг компаниясидан ускуналарни олади ва Қозоғистондаги охириги фойдаланувчига ускуналарни етказиб беради. Ҳозирги кунда Қозоғистонда лизинг компаниялари таъсис этилишига қизиқишнинг ошиб бориши лизинг бозорининг демонополизация қилинишига ҳамда лизинг асосий молиявий восита бўлишига асос яратади. Қозоғистонда лизинг муносабатларини тартибга солиб турувчи дастлабки меъёрий ҳужжат 1995 йил 25 декабрда

Қозоғистон ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор ҳисобланиб, у асосан агросаноат соҳасидаги лизинг муносабатларини белгилаш мақсадида жорий этилган эди.

Ўзбекистон, Россия ва бошқа МДХ давлатларидан фарқли равишда Қозоғистон Фуқаролик кодексида (ФК) ер участкалари лизинг объекти бўлиши мумкин. Чунки Қозоғистонда ер, хўжалик субъектлари тасарруфида бўлиб, олдисотди объекти саналади. Ушбу меъёр Қозоғистонда кўчмас мулк муносабатларининг жадал ривожланишига тўртки бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодиётида лизинг тадбиркорлик фаолиятини ва инвестицияларни жалб қилувчи асосий механизм сифатида шаклланимда бу эса лизингга бўлган этибор ва талабнинг ортишига замин яратмоқда. Лизинг фаолияти учун оптимал шароитларнинг яратилиши эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш ва лизинг ёрдамида инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келади.

1.3 Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари.

Юксак тараққиётга эга бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида лизинг шартномаси муҳим ўрин тутган бўлиб, ҳозирда ҳам мазкур шартномавий муносабат бир неча давлатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатишида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўзбекистон Республикасида йирик саноат корхоналарини барпо этиш, хусусан оғир ва енгил саноат соҳасини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, қишлоқ жойларида янги мини завод ва корхоналар қуриш ва уларни жихозлаш, иш ўринларини ташкил этиш ва миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бутун жаҳонда қўлланилиб келинган ва ўзининг ижобий хусусиятлари билан тадбиркорлик субъектларига имкониятлар тақдим этган – лизинг

юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Лизинг муносабатларини тарихий ривожланиш босқичларини таҳлил этиш орқали шунга амин бўлдики, иқтисодиёти ривожланган давлатларни тараққий этиши ва юксалишида лизинг бозори ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Лизинг субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишида шартноманинг тушунчаси, бошқа шартномалардан фарқловчи жиҳатлари ва юридик табиатини аниқлаш лизинг муносабатларининг ҳар бир даврида долзарблик касб этган.

Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминланганлик даражасига кўра мамлакатларни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин: яъни, лизинг шартномаларини мувофиқлаштирувчи махсус қонунларга эга бўлган мамлакатлар (Ғарбий Европанинг қитъа қисми давлатлари – Бельгия, Италия); махсус қонунчиликка эга бўлмаган давлатлар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси лизинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунга эга бўлган мамлакатлар гуруҳига киради. Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари 1996 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг 587-599-моддалари ҳамда 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонун нормалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-моддасида лизинг шартномасининг тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра “Лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг оловчи (ижарага оловчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учунчи тараф билан ундан лизинг оловчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг оловчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади” деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида ҳам лизинг тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра “Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учунчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга берилиши” белгиланган.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамизда лизинг муносабатларини ривожлантириш ва кенг йўлга қўйиш учун хўжалик субъектларининг тўлов қобилиятини кучайтириш, турли тахликаларни олдини олиш, қайта молиялаш ставкаларини пасайтириш каби муаммоларни қўяди. Ҳозирги босқичда лизинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида лизинг компаниялари учун солиқ имтиёзларини яратиш, тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш имкониятларини лизинг инфраструктурасига йўналтириш лозим.

Лизинг моҳиятини қуйидаги ибора орқали ифода этса бўлади: “Бойлик, мол-мулкка эгалик қилишдан эмас, балки ундан фойдаланишдан иборат бўлади”. Мазкур жумла лизингнинг асосий ғоясини тўлиқ намоён этади. Корхона ёки тадбиркорга ишлаш ва даромад топиш учун мол-мулкка эгалик қилиш шарт эмас, балки муаян муддат давомида ундан фойдаланишнинг ўзи кифоядир. Бу айниқса асбоб-ускунани сотиб олиш, молиявий имкониятлар чекланган корхоналар учун муҳимдир. Лизинг механизми бундай корхоналарга асбоб-ускунадан муайян муддат давомида мақбул миқдордаги лизинг тўловлари эвазига фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш имкониятини беради. Шунингдек, ушбу асбоб-ускунадан фойдаланиш муддати тугагандан сўнг уни корхонанинг мулкига ўтказиш имконияти ҳам мавжуд.

Инглиз тилида тезкор ва молиявий лизинг тушунчалари мавжуд. Бизнинг қонунчиликка кўра оператив лизинг “ижара” деган маънони англатади, молиявий лизинг эса молиявий ижара ёки лизинг маъносини англатади. Шунинг учун “лизинг” атамаси бизнинг шароитларда молиявий лизингни англатади.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, лизинг — муайян товарга бўлган мулкчилик ҳуқуқини учунчи шахс учун сотиб олиб, уни қисқа, ўрта ёки узоқ муддатли даврга ижарага берадиган ихтисослашган лизинг компанияси воситачилигида асосий фондларга капитал қўйилишини молиялаштиришнинг ўзига хос шаклидир. Лизингнинг бу таърифида, биринчидан, лизинг молиялаштиришнинг ўзига хос шакли деб таъкидланади. Иккинчидан воситачи учунчи шахс учун мулкчилик ҳуқуқини қўлга киритади деб, ва учунчидан ижара муносабатлари мавжуд, деб даъво қилинади. Бу таърифда лизинг катнашчиларининг функцияларини кўрсатишга ҳаракат қилинган, яъни мулкни қўлга киритишни молиялаштириш, мулкчилик ҳуқуқий аснода ижарага топширилиши кўрсатилади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан олганда бу таъриф бирмунча даражада мантиқий бўлса ҳам, аммо учунчи шахс учун ижарага топшириш билан бирга мулкчилик ҳуқуқи ҳамisha ҳам қўлга киритилавермайди. Ижара муносабатлари вужудга келиши ва ижарачининг мулкчилик ҳуқуқининг қўлга киритиш вақти ҳар доим ҳам мос келмайди, фақат ижара муносабатлари, эгалик қилиш муносабатлари ва лизинг молмулкидан фойдаланиш муносабатларигина вақт жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши мумкин. Моҳияти жиҳатидан қарз олиш (кредит) муносабатлари ижара муносабатларидан олдин содир бўлади.

Бошқа манбаларда қайд этилишича лизинг - вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағларни инвестицияга йўналтиришга қаратилган алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолиятидан иборат бўлиб, бунда молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан бир шахс шартномада белгиланган мулкни муайян сотувчидан сотиб олиб уни ҳақ эвазига бошқа шахсга

тадбиркорлик мақсадларида вақтинча фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини олади.

Афсуски, юқорида келтирилган барча таърифларда лизинг муносабатларининг у ёки бу жихатигина таъкидланади, аммо уларнинг биронтасида лизингнинг иқтисодий моҳиятини асл маънода ифодаладиган белгилар ва функциялар ифодааб берилмайди. Лизингнинг моҳиятига чуқур кириб бориб, унинг тўғри таърифини бериш учун лизингнинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қилиш, лизинг муносабатлари келиб чиқишидаги молиявий-иқтисодий муҳитни ҳисобга олиш, шунингдек лизинг пайдо бўлган ва ривожланган мамлакатлардаги макроиқтисодий вазиятни этиборга олиш лозим. Лизингни таърифловчи муаллифларнинг билим доираси ва профессионал мақомини ҳам эътиборга олиш зарур. Жумладан ҳуқуқшуносларнинг ўз ёндашуви бор, иқтисодчилар бошқача ёндашишлари мумкин.

Лизинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатимиз учун нисбатан янги молиявий дастакни ўзида мужассам этади.

Мамлакатимизда 1995 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисми, 1996 йил 29 августда эса ушбу кодекснинг иккинчи қисми тасдиқланди.

Фуқаролик кодексининг 34-бобидаги олтинчи банд лизингга, яъни молия ижарасига бағишланган бўлиб, унда лизингга таърифи берилган, жами 13 моддадан иборат бўлган бу бандда лизинг шартномаси, объекти, субъекти, лизинг тўловлари, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарликлари, ҳуқуқлари ва қатор бошқа масалаларни қамраб олган.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси эса лизинг компаниялари томонидан мавжуд ускуналарни техник қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш борасидаги кўплаб мисолларга бой.

Бу тажрибадан самарали фойдаланиш ҳамда эндигина шаклланаётган лизинг хизматлари бозорининг тўлақонли амал қилишини ташкиллаштириш мақсадида лизинг фаолиятига ихтисослашган меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш зарурияти туғилди.

1997 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзкейсагролизинг” “Ўзбек-америка компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 111 қарорига биноан Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва унинг шўъба корхонаси “Барака” УЛК ОАЖга бир ой муддатда “Лизинг тўғрисида”ги вақтинчалик низом ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилган.

Тайёрланган ҳужжат, лизинг асосида молиялаштиришнинг шартнома муносабатларини қулай шароитлари ва принципиал асосларини қамраб олган эди. Бироқ мамлакат ҳукумати лизинг бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада мужассамлаштириш, ҳамда у лизинг муносабатларининг барча жихатларини қамраб олиши лозимлигидан, келиб чиқиб вақтинчалик низом ўрнига “Лизинг тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида ҳулосага келади.

1998 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасида қатор вазирликлар, банк, молия ва лизинг тузилмалари мутахассисларидан иборат гуруҳ иш бошлаб, у “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқди. Сўнгра бу қонун лойиҳасини янада мукаммалроқ қилиш, ҳамда уни тайёрлашга кенг доирада мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлисининг “Бюджет, банк ва молия масалалари” қўмитаси қошида “Лизинг тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрловчи ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унинг таркибига Олий Мажлис депутатлари, қўмита аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Президент девони, Молия ва Адлия вазирликлари, Солиқ қўмитаси, Марказий банк ва “Ўзбеклизинг интернэшнл” ва “Барака” лизинг компанияларининг мутахассислари кирдилар.

1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг қарори билан Ўзбекистон республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни кучга кирди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лизинг бўйича Олий Мажлис томонидан қабул қилинган биринчи махсус давлат ҳужжати бўлиб, унда лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби ва шартлари, иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг объектининг таърифи ва лизинг фаолиятини белгиловчи меъёрлар ўзининг аниқ аксини топди.

Мамлакатда лизинг муносабатларининг ривожланиши, ҳамда республика тижорат банкларини молиявий ҳизмат турини кўплаб кўрсатишга жалб қилиш мақсадида, Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқаруви томонидан 1997 йил 29 мартда тасдиқланган “Ўзбекистон республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қоидалари муҳим роль ўйнади. Хусусан, бу ҳужжат тижорат банкларининг лизинг бозорида фаолият юритиш меъёрларини аниқлаб, банк миқозлари бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига банklar томонидан лизинг хизматларини бажариш учун ҳуқуқий асосларни яратди. Уларнинг лизинг хизматлари қатор хусусиятларга эга бўлиб, аввало, деярли барча банklar лизинг лойиҳаларини ўзлари учун паст рентабеллик билан амалга оширдилар. Бу ҳол мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитлари учун мавжуд, аммо лизинг операцияларига нисбатан қўлланилмайдиган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ эди. Тижорат банклари миқозларни лизинг лойиҳаларини кредитлаш ставкаси бўйича молиялаганлар ва уларнинг фойдаси ҚҚС ҳисобига камайган. 2002 йил 28 августдаги “Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ҳамда Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг молиявий лизинг операцияларини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги иизомга киритилган тузатиш ва қўшимчалар банklar учун лизинг операцияларини фаол амалга оширишга шарт-шароит яратиб берди. Лизинг берувчиларни лизинг операцияларини ўтказиш

чоғида қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши, лизинг хизматлари бозорида банкларнинг фаол иштироки учун ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни янада мустаҳкамлади ва ривожлантирди.

Республикамизда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлидаги вазифалардан бири бўлиб “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги қонунларни халқаро лизинг қонунчилиги ва давлат иқтисодиётига оид бошқа қонунлар билан тартибга келтирилиши ҳисобланади. Бунда Оттавада қабул қилинган (1988 йил) ва 1995 йил 1 майдан кучга кирган БМТ Конвенцияси қоидалари ва ушбу Конвенцияга аъзо бўлган ва бўлмаган давлатлар қонунчилигини инобатга олиш асосий муаммолардан бири эди.

Лизинг бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатда ҳуқуқий ислохотлар давом эттирилди. Юқорида кайд этилган Президент Фармони, ҳамда “Ўзбекистон Республикаси айрим қонуний ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги ва “Божхона тарифлари тўғрисида”ги қонунларига 38та ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Лизинг тўловларини қўшилган қиймат солиғидан озод этиш, лизингга бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технологик ускуналарни ҚҚС ва божлардан озод этиш, хўжалик субъектларини лизинг олувчиларни лизингга берилган мулкни мулк солиғидан озод этиш ва бошқалар каби жиддий солиқ имтиёзлари берилиши ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинишининг натижаси бўлди.

2003 йил 16 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 260-рақамли “Истиқболда валюта курсларини унификациялаш ва валюта бозорини либераллаштириш тадбирлари тўғрисида”ги қарори лизинг операцияларини амалга оширишда валюта

ҳисобига лизинг объектларини импорт қилиш шарт-шароитларини енгиллаштирди, ҳамда халқаро лизинг операцияларини ривожланишига кенг имкониятлар яратди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда лизингни тартибга солувчи қонунчилиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

Фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар:

- Ўзбекистон республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон республикаси хўжалик процессуал кодекси;
- Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА конвенцияси.

Солиқ солиш меъёрлари:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 28 августдаги Фармони;

Ўзбекистон республикаси солиқ кодекси. Божхона меъёрлари:

- Ўзбекистон республикаси Президентининг “Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;
- Ўзбекистон республикаси “Божхона тарифлари тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон республикаси Божхона Кодекси. Лизинг операцияларининг бухгалтерлик ҳисоботи;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий бухгалтерлик ҳисоботи стандарти (МБҲС).

Қисқа муддатли, яъни операцион лизинг жуда ҳам қулай бўлиб кўп жиҳатдан ўз афзалликлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, лизинг битими қисқа муддатга тузилиши муносабати билан, операцион лизинг жуда ҳам қулай, муддат тугагач лизинг мулкани (ускуналарни) ижарага берувчига қайтириш имконияти қисқа вақт ичида

бўлганлиги туфайли молиявий қарорлар бўйича ҳисоб-китоблар аниқ бўлади ва истиқбол натижаларига мос тушади.

Иккинчидан, кичик, ўрта тадбиркорлар, бозор талабидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини ўзгартиришида яхши натижалар беради.

Учунчидан, қисқа муддатга керак бўлган ускунани сотиб олишдан кўра уни ижарага олиб ишлатиш, ижарага олувчининг фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб беради.

Тўртинчидан, лизинг шартномаси билан боғлиқ бўлган рисклар кредит рискларига нисбатан кам.

Бешинчидан, ривожланиб бораётган ва ўзгарувчан бўлмиш иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда операцион лизинг молиялаштириш манбаси сифатида кўмак беради.

Олтинчидан, маънавий жиҳатдан тез эскирувчан ва кадирсизланувчи ускуналар бўйича қисқа муддатли лизинг шартномалари муддатидан илгари маънавий эскириш рискларини, фойдаланувчи ўрнига, ижарага берувчи зиммасига юклатиш имкониятини беради.

Еттинчидан, лизинг контрактини рад этиш имкониятини яратувчи қисқа муддатли лизинг шартномаси лизинг шартномасини рад этиш опционини тўлашни талаб этса ҳам, ижарадан воз кечиш имкониятини берувчи ушбу шартнома аслида адолатли баҳога эгадир.

Давлатимиз иқтисодиётини кўтаришнинг асосий йўлларида бири бу иқтисодий ривожланган давлатларнинг лизинг амалиётини ўрганиш, улардаги қўлланиладиган ижобий усуллардан фойдаланиш, республикада лизинг муносабатларига кенг йўл очиб берувчи қонун ва қонуности ҳужжатларни таҳлил этишдир.

Хусусан, дунёнинг барча мамлакатларида, ҳозирда лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилиниб, ушбу шартномавий муносабатни янада ривожлантириш йўлида бир неча давлатларда етарли имтиёзлар яратилган.

I.Боб бўйича хулоса

Жахон иқтисодиётида лизинг тадбиркорлик фаолиятини ва инвестицияларни жалб қилувчи асосий механизм сифатида шаклланишда бу эса лизингга бўлган эътибор ва талабнинг ортишига замин яратмоқда.

Халқаро лизинг муносабатларининг назарий услубий асосларини ўрганган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки:

1. Халқаро лизинг бизнеси ички лизингга нисбатан кеч ривожлана бошлади. Халқаро лизинг операцияларининг ривожланишига: кўпчилик мамлакатларда кредит олиш шартларининг оғирлиги; банклар томонидан фоиз ставкаларининг оширилиши; минтақавий молиявий инкирозлар; баъзи мамлакатлар солиқ тизимининг беқарорлиги ва бошқа омиллар таъсир этган.
2. Лизинг муносабатларида туб ўзгаришлар XX асрнинг 50-йилларида Америкада содир бўлди. Лизингга технологик воситалар, машиналар, механизмлар, кемалар, самолётлар ва бир қатор ишлаб чиқариш воситалари фаол равишда берилга бошланди. Ушбу ўзгаришларни АҚШ ҳукумати муносиб баҳолаб, лизинг фаолиятини рағбатлантирувчи давлат дастурини ишлаб чиқди.
3. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси лизинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунга эга бўлган мамлакатлар гуруҳига киради. Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари 1996 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг 587-599-моддалари ҳамда 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонун нормалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Давлатимиз иқтисодиётини кўтаришнинг асосий йўлларида бири бу иқтисодий ривожланган давлатларнинг лизинг амалиётини ўрганиш, улардаги қўлланиладиган ижобий усуллардан фойдаланиш, республикада лизинг муносабатларига кенг йўл очиб берувчи қонун ва қонуности ҳужжатларни таҳлил этишдир.

II-Боб. Жахон ва миллий лизинг хизматлари бозорининг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолати таҳлили.

2.1 Жахон ва миллий лизинг хизматлари бозорининг амалдаги ҳолати таҳлили.

Халқаро лизинг бизнеси ички лизингга нисбатан анча кеч ривожлана бошлаган. Халқаро лизинг операцияларини ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этган: кўпчилик мамлакатларда кредит олиш шартларининг оғирлиги, банклар томонидан фоиз ставкаларининг оширилиши, молиявий инқирозлар, баъзи мамлакатлар солиқ тизимининг беқарорлиги ва бошқалар.

Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишдаги қийинчиликлар шундан иборатки, улар ҳамкор мамлакат ҳукуматининг валюта, божхона ва бошқа тартибга солиш қоидалари таъсири остида бўлади. Халқаро лизинг тараққиёти олдидаги тўсиқларни йўқ қилиш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида турли мамлакат ва халқаро ташкилотлар мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган Халқаро молиявий лизинг бўйича (УНИДРУА) Оттава Конвенцияси 1988 йилнинг май ойида қабул қилинган.

Жахон амалиётида лизингнинг тараққиёти кўп жиҳатдан давлатларнинг қонунчилигида мавжуд тўсиқлар ва шарт шароитлар асосида шаклланиб келмоқда. Бугунги кунда йирик халқаро лизинг ташкилотларидан “Халқаро молия ва лизинг ассоциацияси” ва миллий лизинг ассоциацияларининг Европа федерацияси (Leaseurope)ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Халқаро лизинг ташкилотларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) аъзо мамлакатлар миллий қонунчилигини ўрганиш ва таққослаш;
- б) барча ҳуқуқий, солиқ ва молиявий масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш;

с) лизинг битимларининг шартлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;

д) лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш.

80-йиллар охирларига келиб жаҳоннинг 60 та мамлакатига тегишли лизинг компаниялар 150 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритган.

1965 йилда “Халқаро молия ва лизинг ассоциацияси” (IFLA) ташкил топган бўлиб кейинчалик унинг таркибига кўплаб молия ва лизинг ташкилотлари бирикишни бошлашган. Бугунги кунда унинг аъзолари сони 25та⁹ лизинг ташкилотларидан иборат бўлиб, ҳар бир давлат фақат битта лизинг ташкилоти билан аъзоликка қабул қилиниши мумкин. IFLA аъзолари муҳим бўлган халқаро кредит институтлари билан узвий алоқаларга ҳам эга бўлишади.

“Халқаро молия ва лизинг ассоциацияси” (IFLA)га аъзо бўлиш учун қуйидаги талабларни бажариш лозим:

- лизинг ташкилоти кредит ва лизинг асосида молиялаштиришга йўналтирилган бўлишлари лозим;
- барқарор молиявий тизимга эга бўлиши;
- лизинг ташкилотлари ўз фаолияти, куч ғайрати билан ассоциация фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши талаб қилинади.

“Халқаро молия ва лизинг ассоциацияси” (IFLA) ўзининг асосий мақсади сифатида, аъзолари ўртасида форумлар ташкил этиш ва бу билан улар ўртасида ўзаро ғоялар, билимлар, малака ва маълумотлар

⁹Immorent Aktiengesellschaft, Австрия. KBC Lease Group, Бельгия. Китай Лизинг Бизнес Ассоциации Китайской ассоциации предприятий с иностранными инвестициями Предприятия, Китай. CSOB Лизинг как, Чешская Республика. Nordania лизинга, Дания. Piraeus Египет лизинговая компания, Египет. Nordea Finance Финляндии Limited, Финляндия. Ergo, Исландия. Сундарам Finance Limited, Индия. Промышленность и шахты лизинговая компания, Иран. Iscrea Bancalmpresa, Италия. ABN AMRO NV аренды, Нидерланды. DNB Bank ASA, Финанс, Норвегия. Europejski Fundusz Leasingowy SA, Польша. Саіха Лизинг электронной факторинг, Португалия. Лизинговая компания УРАЛСИБ, Россия. BCR Лизинг IFN SA, Румыния. Swedbank Финанс АВ, Швеция. Tunisie лизинга, Тунис. Турецкие Финансовая Лизинговая Ассоциация, Турция. УФНА Американская ассоциация финансовых услуг, Соединенные Штаты Америки. HSBC Bank, Великобритания. Лизинг оборудования и финансам ассоциации (ELFA), Соединенные Штаты Америки.


алмашинувига замин яратишга қаратган. Бундай ўзаро алмашинувлар томонлар манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилган.

Ассоциация ўз фаолияти доирасида аъзолари фаолият доираси, уларнинг молиявий натижалари ва шу каби бошқа маълумотларни ўрганиб боради ва ўз аъзолари фаолиятини қиёсий баҳолайди.

1-диаграмма.

Европа иттифоқи худудида фаолият юритаётган кичик ва ўрта корхоналарни четдан молиялаштириш таркиби¹⁰.

(фоиз бирлигида).



Бугунги кунда йирик лизинг марказларидан яна бири бу Европа лизинг бозори бўлиб унинг 78%и 8та (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Нидерландия, Полша ва Шветсия) мамлакат улишига тўғри келади, бундан ташқари бу мамлакатлар Европа иттифоқи худудида ишлаб чиқариш соҳасининг 78% лик улишига эга ҳисобланадилар.

Европа иттифоқи (ЕИ) худудида фаолият юритаётган фирмаларни доимий кузатув таҳлил жараёни билан Европа марказий банки (ЕМБ) шуғулланиб боради.


¹⁰ www.Leaseurope.org Leaseurope расмий сайти.

Европа марказий банки (ЕМБ) томонидан 2012 йилнинг 2-чорагида амалга оширилган кузатув таҳлил натижаларига кўра Европа иттифоқи (ЕИ) ҳудудида фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 32%и лизинглардан фойдаланишни афзал билишганлигини кўрсатган (1-диаграмма).

2-диаграмма.

ЕИ ҳудудида фаолият юритаётган йирик фирмаларни четдан молиялаштириш таркиби¹¹.

(фоиз бирлигида).



Бундан ташқари Европа марказий банки (ЕМБ) томонидан йирик фирмалар фаолияти ҳам доимий кузатув таҳлил остига олинган бўлиб, уларнинг 59% кисми тўлалигича лизинг фаолиятини маъқул топишган. (2-диаграмма).

2012 йилнинг 1-чорак якунларига кўра Европа лизинг бозорининг етакчи лизинг компанияларининг техника воситаларига йўналтирган

¹¹ www.Leaseurope.org Leaseurope расмий сайти.

лизинг ҳажми 37,2 млрд.еврога тенг бўлган, жами лизинг ҳажми 1200 млрд.еврога тенг бўлган (1-иловага қаранг).¹²

Бугунги кунда Европа лизинг бозорининг йирик иштирокчиси бу “Leaseurope” бўлиб унга 1972 йилда асос солинган.

“Leaseurope” ҳозирги кунда Европа давлатларининг 44 та ассоциацияларини ўзида бирлаштирган федерация ҳисобланади ва Европа лизинг бозорини 93%ини эгаллаган¹³(2-расмга қаранг). Бугунги кунда “Leaseurope” Европа давлатларидан ташқари АҚШ, Канада, Австралия ва Япония каби давлатларининг лизинг ассоциациялари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган.



2-расм. 2011-йилда Европанинг йирик лизинг берувчилар гуруҳи¹⁴.

“Leaseurope” тамонидан “Leaseurope Index” сўровномаси олиб борилади, бу сўровномада Европа давлатлари ихтиёрий равишда иштирок

¹² www.Leaseurope.org Leaseurope расмий сайти.

¹³ Австрия, Бельгия, Болгария, Кипр, Чехия Республикаси, Дания, Эстония, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Италия, Латвия, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Россия, Сербия, Словакия, Словения, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Украина, Буюк Британия, Марокко, Тунис, давлатларининг лизинг ассоциациялари киради.

¹⁴ www.Leaseurope.org “Leaseurope” федерациясининг расмий сайти.

етишади, шунга кўра 2011 йилда Европада техника ва транспорт соҳасига киритилган лизинг ҳажми мос равишда 8,4% ва 11,7%га ошганлиги кузатилган. Италия ва Франциянинг кўчмас мулк лизинг бозорларининг қисқарганлиги сабабли Европа кўчмас мулк соҳасида лизинг ҳажми 13%га пасайган. Германия, Франция ва Австрия иқтисодиётнинг кўчмас мулк соҳасидан ташқари барча жавҳаларда ўсиш кузатилган. 2012 йилнинг 3-чорагида амалга оширилган сўровнома натижаларига кўра имзоланган лизинг шартномаларининг ҳажми 16,6 млрд. еврони ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг 3-чорагига нисбатан 17,5 %га пасайганлигини кўриш мумкин¹⁵.

АҚШ лизинг бозорида кўплаб лизинг берувчиларнинг турлари мавжуд бўлиб, улар изчил тизим асосида фаолият юритишади. Бугунги кунда АҚШнинг энг йирик ассоциациялардан бири бу “Equipment leasing and finance association” (ELFA) бўлиб, у ўз таркибида 575 дан зиёд компанияни бирлаштирган. “ELFA” мунтазам равишда “Monthly Leasing and Finance Index” (MLFI-25) номини олган ҳар ойлик лизинг ва молия бозорлари якунига бағишланган маълумотларни эълон қилиб боради. Шунга кўра кузатув таҳлили остидаги компанияларнинг лизинг бозоридаги улуши 2012 йилнинг ноябрь ҳолатига кўра 6,4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлиб бу борада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3%га ўсиш кузатилган. “ELFA”нинг аъзолари томонидан бугунги кунда компьютер, тиббиёт, қишлоқ хўжалик, қурилиш, тоғ кон саноат техникалари, шахсий ва йўловчи ташувчи самолётлар, вагонлар, юк ташувчи ва енгил автомобиллар, йирик кемалар ва контейнерлар лизингга тақдим этилади¹⁶.

АҚШда лизингнинг жадал ривожланишидаги муҳим сабаблардан бири инвестицияларга нисбатан бериладиган солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Жумладан, янги инвестициялар йиғиндисининг 10 фоизгача

¹⁵www.Leaseurope.org “Leaseurope” федерациясининг расмий сайти. Leaseurope Index Q3 2012/Table 1: Aggregate Data, Q1 2012 – Q3 2012. Page 3.

¹⁶www.elfaonline.org/Monthly Leasing and Finance Index November 2012 (MLFI-25). Washington, DC , December 21, 2012. “Equipment leasing and finance association”нинг расмий сайти.

бўлган қисми солиқ йиғиндисидан чиқариб ташланади¹⁷. Масалан, асбоб-ускуналар сотиб олиш харажатлари 100 минг доллар дейлик, солиқ имтиёзи 10%, солиқ йиғиндисидан 10 минг доллар чиқариб ташланади. Лизинг шартномасида солиқ имтиёзи Молия вазирлигининг ички даромадлари бошқармаси томонидан ижара учун ўрнатган қоидаларга мос келган ҳолдагина қўлланилади.

2-жадвал.

Германия лизинг бозорида амалга оширилган лизинг ҳажми¹⁸.

(млрд.евро)

йиллар	Йил давомида амалга оширилган жами лизинг ҳажмида техника воситаларининг улиши.	Йил давомида амалга оширилган жами лизинг ҳажмида кўчмас мулкнинг улиши.	Йил давомида амалга оширилган жами лизинг ҳажми.
2001	-	-	47,23
2002	38,26	9,01	47,27
2003	38,45	7,52	45,97
2004	41,83	4,97	46,80
2005	44,25	5,74	49,99
2006	44,88	7,50	52,38
2007	49,48	5,41	54,89
2008	51,08	3,52	54,60
2009	40,69	1,91	42,60
2010	41,43	4,17	45,60
2011	46,93	2,12	49,05
2012	47,15	2,15	49,30

Бугунги кунда Германияда кўплаб лизинг компанияларини кўриш мумкин. Шулардан тахминан 200 таси “Bundesverband Deutscher Leasing-Unternehmen” (BDL) немис лизинг ассоциацияси таркибига киради. Лизинг Германияда инвестиция механизimini ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб йиллик инвеститсияларнинг бешдан бир қисми лизинг асосида амалга оширилади. 2011 йил Германияда амалга

¹⁷ Лазиз Заиров. Bozor pul kredit / 03(154) 2010. 58-бет.

¹⁸ www.leasingverband.de Press Conference of the Bundesverband Deutscher “Leasing-Market 2012” Page 5-6 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

оширилган лизинг ҳажми 49,1 млрд. еврини ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилда 49,3 млрд. Еврога тенг бўлган (2-жадвалга қаранг).

Техника воситаларига киритилаётган маҳаллий инвестицияларнинг 22,7%и, хорижий инвестицияларнинг 53% қисми лизинг асосида амалга оширилган. Бугунги кунда Германия лизинг бозорининг 90% қисми тўлалигича “Bundesverband Deutscher Leasing-Unternehmen” (BDL) иштирокида кечади¹⁹.

3-жадвал.

Германия лизинг бозорида амалга оширилган лизинг таркиби²⁰.

(жамига нисбатан % бирлигида)

	2009	2010	2011	2012
Жами лизинг ҳажми (млрд.евро)	42,60	42,60	42,60	42,60
Офис бинолари	2,5	6,1	2,1	2,1
Ишлаб чиқариш иншоотлари	1,9	3	2,2	2,3
машинасозлик	10,6	9,5	10,4	10,1
Офис техникалари	11,8	10,1	9,7	9,1
Енгил ва тижорат офтамабиллари	64,4	63,7	67,6	68,6
Хаво, сув ва темир йўл транспортлари	1,8	1,8	1,6	1,3
Нао ҳао, медитсина техника-технологиялари	7	5,8	6,4	6,5

Германия лизинг бозорида амалга оширилган лизинг операцияларнинг таркибига этибор қаратадиган бўлса у ерда йирик хаво кемаларидан тортиб оддий офтамабилларгача кўриш мумкин. Германия лизинг операциялари таркибида эни йирик улишга эга бўлган маҳсулот бу енгил ва тижорат офтамабиллари бўлиб улар жами лизинг портфелининг 68,6 %ини ташкил этади (3-жадвалга қаранг).

Буюк Британияда лизинг нисбатан кеч, яъни 1970 йилдан кейингина кенг кўламда ривожланди. 1981 йилдан 1986 йилгача ҳукумат корпорациялардан олинадиган солиқ миқдори 52%дан 35%га пасайган. Шу вақтгача қўллаб келинган 100%ли солиқ имтиёзи (бу имтиёз биринчи

¹⁹ www.leasingverband.de/ “Bundesverband Deutscher Leasing-Unternehmen” (BDL)нинг расмий сайт маълумотлари.

²⁰ [www.leasingverband.de/Press Conference of the Bundesverband Deutscher “Leasing-Market 2012”](http://www.leasingverband.de/Press_Conference_of_the_Bundesverband_Deutscher_Leasing-Market_2012) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

йилга нисбатан қўлланиларди) 25%ли имтиёз билан алмаштирилди. Корпорациялардан олинадиган солиқ ставкаси пасайтирилиши билан лизингга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзининг ҳам аҳамияти пасайди. Бу эса лизинг ва ускуналар сотиб олиш қийматининг пасайишига олиб келади. Ҳозирги кунда ҳам солиқ имтиёзларининг маълум қисми сақланиб қолган. Масалан, биринчи йили ижара тўловлари солиққа тортилмайди.

Бугунги кунда Буюк Британияда етакчи лизинг уюшмаси бу “Finance & Leasing Association” (FLA) бўлиб, 2012 йил ҳолатига кўра унинг асосий аъзолари сони 112 тани ташкил қилган бўлса уларга хизмат кўрсатувчи аъзоларнинг сони 83 тага етган. 2011 йилда FLA аъзолари томонидан 72,1 млрд. фунт стерлингга тенг миқдорда лизинг ажратилган. FLA аъзолари таркибига банклар, қурилиш уюшмалари, лизинг компаниялари, молия уйлари киради, улар молиявий лизинг, оператив лизинг, кўчмас мулк ижараси ва савдоси, турли кредитлар ажратиш каби хизматларни таъқдим этишади. FLA аъзолари томонидан 2011 йил октябрдан 2012 йил октябргача бўлган муддат ичида амалга оширилган лизинг ҳажми 20 млн. фунт стерлингдан ошган²¹.

Жадал ривожланаётган лизинг бозорларидан бири бу Россия лизинг бозори бўлиб 2011 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра Россия ва Европа лизинг бозорларида тузилган лизинг шартномалари ҳажми ўсиши мос равишда 65% ва 7,7%ни ташкил қилган. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра тузилган янги лизинг шартномалари ҳажми 20,2%га ошган бўлиб 384,5 млрд.руб қийматга тенг бўлган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча пасайган бўлсада умумий ҳолатда унинг ривожланиши халигача Европа лизинг бозоридан олдинда эканлигини кўриш мумкин (4-жадвалга қаранг).

2012 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра Россия лизинг бозорида амалга оширилган кўчмас мулк билан боғлиқ оператсиялари

²¹www.fla.org/Media Centre / Facts & Figures. “Finance & Leasing Association”нинг расмий сайти.

ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сал кам уч бараварга пасайган бўлса, техника воситалари, шу жумладан автомобиллар лизингги 22,8%га ошганлигини кузатиш мумкин. 2011 йилда Европа кўчмас мулк лизингги ўтган йилга нисбатан 18,6% га пасайган. Техника воситалари лизингги 11,5% га ошганлигини кўриш ва шу орқали бу икки лизинг бозорларининг ривожланиш тенденцияларига атрофлича баҳо бериш мумкин²².

2011 йил якунларига кўра Россия лизинг бозорининг ривожланиш даражаси тузилган лизинг шартномалар сонига кўра Европа лизинг бозоридан саккиз бараварга юқори бўлган.

4-жадвал.

Россия лизинг бозорининг таркиби²³.

(млн.руб бирлигида).

	2011 йилининг биринчи ярим йиллигида янги лизинг ҳажми.	Улиш % бирли гида.	2012 йилининг биринчи ярим йиллигида янги лизинг ҳажми.	Улиш % бирли гида.	30.06.2012 санада жами лизинг портфели
Техника воситалари	253 600	79,2	318 634	82,9	1 843 800
Транспорт	6 500	17,7	62 290	16,2	212 100
Кўчмас мулк	9 900	3,1	3 576	0,9	44 100
Жами	320 000	100	384500	100	2 100 000

2012 йил якунларига кўра Россия лизинг бозори Европа лизинг бозори билан таққосланганда тўртинчи ўринни эгаллаган, ундан олдин Германия, Англия ва Франция давлатлари турганлигини кўришимиз мумкин (1-иловага қаранг).

Европа давлатлари қаторида Россия лизинг бозорида, 2011 йил якунига кўра тузилган лизинг шартномаларнинг ҳажми жиҳатдан бешинчи

²² www.All-leasing.ru/аналитика/статья: Российский рынок лизинга растет быстрее европейского. 12 ноябрь 2012

²³ www.All-leasing.ru/аналитика/статья: Российский рынок лизинга растет быстрее европейского. Таблица 1П. 12 ноябрь 2012

ўринни эгаллаган бўлиб Европа худудида тузилган лизинг шартномаларида Россиянинг улиши 2,4% даражага ошган ва 7,1%га тенг бўлган (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал.

Энг йирик лизинг операциялар ҳажмига эга бўлган Европа мамлакатларининг 2010-2011 йиллардаги якунлари²⁴.

(млн.евро бирлигида)

№	Давладлар	2011 йил.	2010 йил.	Фарқ % бирлигида.
1	Германия	47 636	43 800	8,76%
2	Франция	39 623	36 415	8,81%
3	Буюк Британия	38 143	35 933	6,15%
4	Италия	27 409	29 801	-8,03%
5	Россия	18 124	11 177	62,16%
6	Швеция	10 266	9 711	5,71%
7	Испания	8 797	10 996	-20,00%
8	Нидерланды	8 499	7 130	19,2%
9	Швейцария	8 361	7 126	17,32%
10	Польша	7 558	6 832	10,62%

Бугинги кунда Россия лизинг бозорида 100 дан ортиқ лизинг ташкилотларини кўриш мумкин (2-иловага қаранг) улар турли лизинг йўналишларида ўз хизматларини тақдим этиб келишмоқда. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра Россия лизинг бозорининг етакчи лизинг ташкилоти бу “ВЭБ-лизинг” бўлиб унинг лизинг операциялари ҳажми 29 млрд.руб га тенг бўлган (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал.

2012 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра Россия лизинг бозорининг етакчи лизинг ташкилотлари²⁵.

(млрд.руб бирлигида)

№	Ташкилотларнинг номи	Янги лизинг ҳажми.
1	ВЭБ-лизинг	116,25
2	ВТБ Лизинг	28,94

²⁴ www.All-leasing.ru/аналитика/статья: Российский рынок лизинга растет быстрее европейского. Таблица 4П. 12 ноября 2012

²⁵ www.All-leasing.ru/аналитика/статья: Российский рынок лизинга растет быстрее европейского. Приложение 1. 12 ноября 2012

3	Сбербанк Лизинг (ГК)	18,927
4	Газпромбанк Лизинг (ГК)	17,087
5	Давлат транспорт лизинг компанияси	15,489

Йирик халқаро лизинг ташкилотларнинг яна бири Япониянинг “Century Tokyo Leasing Corporation” (TC-Lease)ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. “TC-Lease” Хитой, Сингапур, Индонезия, Малайзия, АҚШ, Украина каби давлатларда қатор филиалларига эга бўлиб лизинг, тижорат, энергетика, кўчмас мулк, инвестициялар киритиш ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз фаолиятини олиб боради, табиат муҳофазасига асосланган бундай фаолият доирасида “TC-Lease Group” ISO 14001 (Экологик менежмент тизими) сертификатига эга.

“TC-Lease” томонидан 2011 йил якунларига (йил якунлари 31 март санасида сарҳисоб қилинади) кўра умумий ҳажми 1072,7 млрд. иенага тенг бўлган турли шартномалар тузилган бўлиб, шундан 507,5 млрд. иена лизинг шартномалари улишига тўғри келган. Лизинг шартномаларини тузишда ўтган йилга нисбатан 6,6% ўсиш кузатилган²⁶.

Халқаро лизинг ташкилотларининг асосий вазифалари аъзо мамлакатлар миллий қонунчилигини ўрганиш ва таққослаш, барча ҳуқуқий, солиқ ва молиявий масалаларни ҳал этиш, лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганишдан иборатдир.

Ўзбекистон лизинг бозорида “UzbekLeasing International” А.О. (1995 й.), “ZAMIN-INVEST” МЧЖ, “Барака” Универсал Лизинг Компанияси (1996й), СП ООО “Sifco International”, ОАО “Qurilish Lizing”, ОАО “ЎзМедЛизинг”, ООО ЛК “Ўзавтосаноатлизинг” каби лизинг бозорида самарали фаолият юритаётган миллий ва қўшма корхоналар ташкил этилди. Бу лизинг тузилмаларни шакллантиришда хориж тажрибасидан самарали фойдаланилди.

“UzbekLeasing International” А.О. Ўзбекистон лизинг бозоридаги дастлабки лизинг компанияларидан бири бўлиб, компания 1995 йил 5

²⁶www.ctl.co.jp/“CenturyTokyoLeasingCorporation”нинг 2012 йил 31 март санасида якунланган 2011 йил якунлари 23бет.

январь куни Ўзбекистан ҳукуматининг Қарорига мувофиқ ташкил этилган ва низом жамғармаси 4 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Компания таъсисчилари ЎзР ТИФ Миллий банки (35%), Малайзиянинг “Малаян бэнкинг Берхард” банки (35%), Халқаро Молия Корпорацияси (15%) ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банк (15%) ларидан иборат.

Ушбу компаниянинг мақсади, Ўзбекистоннинг устувор иқтисодий тармоқларига унинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида замонавий технологияларни жалб этиш ҳамда мамлакатдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларга кенг кўламли хизматларни кўрсатишдан иборат. Компанияда лизинг сўмда амалга ошириладиган лойиҳалар учун лизинг муддати 3 йилгача, валютадаги лойиҳалар учун эса 5 йилгача деб белгиланган.

Юртимизга халқаро лизингни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторлар маблағларини миллий иқтисодиёт учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталининг сақланиши учун кафолатлар;
- қўрилган зарарларнинг қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.


Мамлакатимиз лизинг бозорида йилдан йилга унинг иштирокчилари ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда улар томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг турлари ҳам кенгаймоқда. 2011 йил якунларига кўра Ўзбекистон лизинг бозорида 84 та лизинг берувчилар фаолият юритган шулардан 44 таси лизинг компаниялари, 21 таси тижорат банклари ва 19

таси шу турдаги бошқа ташкилотлар бўлган. Жами лизинг ҳажмининг 67,1%и лизинг компаниялари ва 32,9%и тижорат банклари зиммасига тўғри келган²⁷.

3-диаграмма.

Ўзбекистонда лизинг портфелининг ривожланиш динамикаси²⁸.

(млрд.сўм бирлигида)




2012 йил якунлари бўйича республикада лизинг хизмати бозорида умумий қиймати 590 млрд. сўмни ташкил этган 7мингдан ортиқ битим имзоланди. Ўтган йил билан таққослаганда бу кўрсаткич 22%га ошган. 2012 йил якунлари бўйича лизинг операцияларининг умумий портфели 1 трлн 297 млрд сўмдан ошиб кетди (3-диаграмма).

²⁷ www.ula.uz/ Новости/ Ассоциация лизингодателей Узбекистана подвела итоги за 2011 год и определила перспективы развития сектора. 16.02.2012. Ўзбекистон Лизинг берувчилар Ассоциациясининг расмий сайти. Рус тилидан муаллиф таржимаси.

²⁸ www.ula.uz/ Лизинговый сектор Узбекистана: итоги 2012 года, Динамика роста объема новых лизинговых сделок. ст.8 Ўзбекистон Лизинг берувчилар Ассоциациясининг расмий сайти.

2011-2012 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган асосий
воситалар лизингги²⁹.

(фоиз бирлигида)



Лизингга берилаётган объектлар орасида асосий улушни (33,1%) қишлоқ хўжалиги техникаси эгаллайди. Шунингдек, битимларнинг салмоқли қисмини автотранспорт (29,4%), технологик воситалар (24,4%) ва мулкый комплекслар кўринишидаги кўчмас мулк (13,1%) ташкил этади (4-диаграмма).

Бундан ташқари, банклар ва лизинг компаниялари миқдорининг йилдан йилга ўсишини алоҳида таъкидлаш мумкин. 2005 йилда Ўзбекистон лизинг бозорида лизинг берувчилар сони атига 28 тани ташкил қилган бўлса, 2012 йилда лизинг бозорида 99 лизинг берувчи ўз фаолиятини амалга оширган, улардан 73 таси лизинг компаниялари ва 26 таси тижорат банклари бўлишган. Кўриниб турибдики республикаимиз лизинг бозори йилдан йилга ривожланиш сари юз тутган. 2005 йилда лизинг берувчилар сони атига 28 тани ташкил қилган бўлса, бугинги кунда

²⁹ www.ula.uz/ Лизинговый сектор Узбекистана: итоги 2012 года, Динамика роста объема новых лизинговых сделок. ст.10 Ўзбекистон Лизинг берувчилар Ассоциациясининг расмий сайти.

биргина лизинг компанияларининг сони бундан 2.5 мартадан кўп ортганлигини кўриш мумкин (7-жадвал).

7-жадвал.

Ўзбекистон лизинг бозорида лизинг берувчиларнинг миқдори³⁰.


(бир бирликда)

	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Жами лизинг берувчилар сони	28	33	49	64	86	83	84	99
Шундан:								
Лизинг компаниялари	-	-	-	-	-	-	44	73
Тижорат банклари	-	-	-	-	-	-	21	26
Шу турдаги бошқа ташкилотлар	-	-	-	-	-	-	19	0

5-диаграмма.

2012 йилда жами янги лизинг операциялар ҳажмида вилоятларнинг улиши³¹.

(фоиз бирлигида)



³⁰ www.ula.uz/ Лизинговый сектор Узбекистана: итоги 2012 года, Динамика роста объема новых лизинговых сделок. ст.13 Ўзбекистон Лизинг берувчилар Ассоциациясининг расмий сайти.

³¹ www.ula.uz/ Лизинговый сектор Узбекистана: итоги 2012 года, Динамика роста объема новых лизинговых сделок. ст.12 Ўзбекистон Лизинг берувчилар Ассоциациясининг расмий сайти.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда лизинг бозорида барча битимларнинг чорак қисмидан кўпроғи (26,4%) Тошкент шаҳрида тузилган. Бу соҳада фаоллик, шунингдек, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳам кузатилади бутун лизинг операциясининг умумий миқдорида бу минтақалар улуши мас равишда 11,4% ва 9,9% ни ташкил этган. Мамлакатимизда лизинг бозорининг таркибий қисми бўлган вилоятларда лизинг тизимининг тобора ривожланиб бораётганлигини 5-диограммада кўришимиз мумкин, кўриниб турибдики ҳарбир вилоятда лизинг ҳажми турли нисбатларга эга.

Мамлакатимизда етакчи лизинг ташкилоти бу “Ўзбекистон лизинг берувчилар асоциацияси” бўлиб бугинги кунда у Ўзбекистон лизинг бозори иштирокчиларини бирлаштирувчи энг йирик ташкилот ҳисобланади.

Лизинг берувчилар уюшмасида аъзолик ихтиёрий ҳисобланиб, ўз ичига қуйидаги категорияларни олади:

- *Таъсисчилар* — Уюшмани ташкил қилган, Уюшма Аъзоларининг Умумий Мажлиси томонидан ўрнатилган тегишли миқдорда ҳамда тартибда таъсис бадалларини киритган юридик шахслар. Таъсисчилар таъсис бадаллари киритилган пайтдан бошлаб, улар давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин Уюшма аъзоларига айланадилар. Айти пайтда Уюшма аъзолари СП ЗАО “Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.” ва “ZAMIN-INVEST” МЧЖ ҳисобланади.

- *Ассоциацияланган аъзолар* — булар Уюшма уставини тан олган, Уюшманинг устав ҳужжатлари талаблари ҳамда кириш пайтида тасдиқланган Уюшма Аъзоларининг Умумий Мажлиси қарорларига мувофиқ кириш бадалини тўлаган исталган юридик шахслар бўлиши мумкин.

- *Фахрий аъзолар* — булар Уюшма Уставини тан олган, Уюшмага Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан кирган маҳаллий ҳамда халқаро тижорат ва нотижорат ташкилотлари бўлиши мумкин. Уюшманинг фахрий аъзолари мажбурий тартибда бадал киритмайдилар,

бирок бунга ҳуқуқлари бор. Фахрий аъзолар Уюшма Аъзоларининг Умумий Мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан ташқари Уюшма аъзоларининг барча ҳуқуқларига эга.



3-расм. Ўзбекистон лизинг берувчилар ассоциациясининг бошқариш элементлари³².

Ўзбекистон лизинг берувчилар ассоциациясининг бошқариш элементлари бошида ассоциация аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб ундан кейин координацион кенгаш ва бош директор туради. Бош директор ассоциация аъзоларининг умумий йиғилишида мавжуд ҳолатлар юзасидан йиғилиш иштирокчиларига ҳисобот бериб боради (3-расм).

Фикримизча Республикада кўп уқладли иқтисодиётни шакллантириш шароитида халқаро лизинг фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда асосий вазифалар ижтимоий ва хусусий манфаатларни, айрим мамлакатлар, корпорациялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш, уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш, уларни руёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

³² www.ula.uz Ўзбекистон Лизинг берувчилар Ассоциациясининг расмий сайти.

*Гуруҳлар лизинг берувчилар вакилларида шакллантирилади.

2012 йилда Ўзбекистон лизинг бозорининг етакчи лизинг ташкилотлари³³.

(млрд.сўм бирликда)

	Лизинг компаниялари		Тижорат банклари	
	Ташкилот номи	Лизинг ҳажми	Ташкилот номи	Лизинг ҳажми
1	Ўзқишлоқхужаликмашлизинг	167,7	Асака банк	104,6
2	Ўзавтосаноатлизинг	55,3	Ипотека банк	27,4
3	Ўзмелиомашлизинг	39,1	Микрокредитбанк	21,2
4	Ўзбек Лизинг Интернешнл	19,1	Турон банк	8,1
5	Қурилишлизинг	12,7	Траст банк	7,5

Ўзбекистон лизинг бозорининг етакчи лизинг ташкилотларининг тўлиқ рўйхати 3-иловада кўрсатилган.

Ўзбекистон лизинг бозорининг етакчи лизинг ташкилотлари тобора миллий лизинг бозорларини эгалаш учун мунтазам курашлар олиб боришмоқда, 2012 йил якунларига кўра лизинг компанияларидан “Ўзқишлоқхужаликмашлизинг” ўзининг 167,7 млрд сўмлик лизинг операциялари ҳажми билан миллий лизинг бозорида пешқадамлик қилмоқда. Лизинг хизматларини тақдим этувчи тижорат банкларидан Асака банк ўзининг 167,7 млрд сўмлик лизинг операциялари ҳажми билан банклар ичида пешқадамлик қилмоқда (8-жадвал).

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятининг барча соҳаларида етакчилик қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўз олдида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти ривожланишида кўмаклашиш, маблағларни жойлаштиришдан келадиган даромадларни йўл қўйиш мумкин бўлган хатар даражасидан четга чиқмаган ҳолда ошириб бориш ва мақбуллаштириш, Банкнинг активлари ва пассивлари муддатлар бўйича мувозанатда бўлишига


³³www.ula.uz/ТОП – лист по итогам 2012г. 14бет. Маълумотлари асосида муаллиф чизмаси. Ўзбекистон Лизинг берувчилар Ассоциациясининг расмий сайти.

эришиш, барқарор молиявий натижага эришишни мақсад қилиб белгилаган.

6-диаграмма.

2011 йил натижалари бўйича Миллий банк активларининг тузилиши³⁴.

(фоиз бирлигида)



Активлар тузилишида кредит операцияларининг қиёсий салмоғи ғоят катта (Банк жами нетто активларининг 54%). Банк аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларига мансуб корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини кредитлар билан атрофлича қўллаб-қувватламоқда: кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини рағбатлантираяпти; хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқлари, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари кредитлар билан қувватланишини таъминламоқда.

Банк балансининг ликвид ҳолатини таъминловчи пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига тўғри келадиган қиёсий салмоқ 29%ни ташкил этган (6- диаграмма).

³⁴ http://nbu.uz/userfiles/files/godovoy_otchet_uz_2011.pdf. 12-13бет.

Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ва банк маҳсулотлари учун белгиланган хатар лимитлари доирасида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар ва қимматли қоғозларга қўйилмалар 8%ни ташкил этди.

Активлар умумий тузилишидаги Банкнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки улуши 2%ни ташкил қилди (6-диаграммага қаранг).

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун жаъми 116,2 млрд. сўм, шу жумладан 2011 йилда 52,5 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар инвестицияланди.

Олиб борилган ишлар натижасида 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, тикланган 47та корхонада (тикланган ва сотилган 11та корхонани ҳисобга олганда) 276,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 69,45 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинди. Шундан тегишлича 139,4 млрд. сўм ва 27,5 млн. АҚШ доллари 2011 йилга тўғри келди. Корхоналарда 5722та иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, Банк банкрот корхоналар мулки негизида ташкил этилган шуъба корхоналарнинг активларини ўзининг “NBU Invest Group” ОАЖ ва “NBU Investment” ОАЖ инвестиция компаниялари орқали самарали бошқариш тизимини йўлга қўйди. Банкрот корхоналар негизида ташкил этилган 40та шуъба корхона мана шу компанияларга ишонч асосида бошқариш учун топширилган.

Банк ушбу инвестиция компанияларининг устав сармоясини шакллантириш учун 106,2 млрд. сўм, жумладан 2011 йилда 34,2 млрд. сўм миқдоридаги пул маблағларини ажратди.

Банк қўйилмалари шуъба корхоналар ҳисобига ўсганлиги инвестициялар портфели тузилиши ўзгаришига олиб келди. У 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра қуйидаги кўринишга эга бўлди.


Банк портфелининг катта қисми асосан банкрот корхоналар негизида ташкил этилган шуъба корхоналардан иборат (71,68%).

Шунингдек, банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Хусусан, инвестицияларнинг катта қисми банк секторига (4,59%), молия бозори инфратузилмасига (16,73%), лизинг компанияларига (1,17%), шунингдек суғурта компанияларига (0,85%) йўналтирилган (7-диаграммага қаранг).

7-диаграмма.

2011 йил якунларига кўра қимматли қоғозлар портфелининг тармоқ тузилиши³⁵.

(фоиз бирлигида)



Юртимизда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ва корхоналар учун самарали бўлишига, иқтисодий инфратузилманинг марказий бўғини молиявий механизмнинг таркибий қисми бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки, солиқлар ҳам ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда асосий ўринни эгаллайди.

³⁵ http://nbu.uz/userfiles/files/godovoy_otchet_uz_2011.pdf. 34-35бет.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимизда, айти пайтда лизинг соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- хорижий ва маҳаллий ускуна ва минитехнологияларни топиш, харид қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш, мавжуд бозор конъюктурасини чуқур ўрганиш;
- сармоявий таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни тайёрлашга кўмаклашиш;
- ташқи ва ички бозор аҳволи, унинг кўрсаткичлари тўғрисида ахборот хизматини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;
- халқаро Савдо-иқтисодий учрашувлар ташкил этиш;
- хорижий ҳамкорларга виза олишда кўмаклашувчи марказларни шакиллантириш;
- халқаро ва миллий тадбиркорларни ўзаро учрашувларини кўпайтириш;
- божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмаклашувчи субъектлар фаолиятини такомиллаштириш;
- миллий бухгалтерия ҳисобини Халқаро Молиявий Ҳисоб ва ҳисобот Стандартларига янада муофиқлаштириш;
- инвестицияларнинг ҳудудий бир ёқламалик хусусиятини олдини олиш мақсадида, вилоятларни ривожланганлик даражаси бўйича 3 гуруҳга бўлиб, сушт ривожланган минтақаларга инвесторлар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик яратиш;
- хорижий эркин индустриал зоналарда таварлар экспорти амалиётини ўрганиш ва уларнинг ижобий тамонларини юртимизда қўллаш.

Республикаимизда лизинг фаолияти ривожланишининг ҳозирги босқичида лизинг муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиб, уларда лизинг фаолиятини ривожланишини рағбатлантирувчи бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Бироқ республикаимиз лизинг амалиёти лизингни истикболдаги ривожланиши

доимий мониторинг асосида амал қилувчи мазъерий ҳужжатлар тизимини мунтазам такомиллаштириш, лизингнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф қилишни талаб қилади.

Континентал ва англо-америка ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатларнинг лизинг қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, молиявий лизинг шартномасининг объектига эгалик қилиш тартиби турлича белгиланган. Хусусан, кўчар ва кўчмас мулкларнинг молиявий лизингига нисбатан қўйилган талаблар, мулкдан фақат тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш тартиби ёки ундан шахсий эҳтиёж йўлида ҳам фойдаланиш мумкинлиги бунга мисол бўлади.

Ривожланган мамлакатларнинг лизинг амалиёти миллий иқтисодиётнинг ривожланиш моделига мувофиқ тарзда тараққий этган. Мамлакатимизда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун ижобий самарадорликка эга бўлган жаҳон амалиётининг бой тажрибасини миллий иқтисодиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

2.2 Лизинг тўловларини амалга ошириш механизми, ҳисоблаш усуллари ва жорий ҳолати таҳлили.

Лизинг тўлови лизинг амалиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, у ўзида лизинг субъектларининг тўб манфаатларини ифодалайди. Лизинг муносабатларининг самарали кечиши ва унинг ижобий яқун топиши лизинг тўлонларининг қанчалик тўғри йўлга қўйилиши билан боғлиқдир. Шу сабабли лизинг тўловлари суммасини тўғри аниқлаш ва уни ўз вақтида амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда лизинг тўловлари билан боғлиқ амалиётларни бажариш бўйича катта тажриба тўпланган. Лекин лизинг тўловлари ҳар бир мамлакатнинг ички қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилганлиги боис, лизинг тўловлари таркибини аниқлаш, унинг суммасини ҳисоблаш ва тўлов


даврини тўғри белгилашда қайси усулни қўллаш масаласи ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Лизинг тўловларига оид таъриф Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг 590-моддасида ва “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида баён қилинган. Шуларга асосан, лизинг тўловларининг умумий йиғиндиси қуйидагилардан иборат:

- лизинг шартномасига асосан берилаётган мулкнинг умумий баҳоси ёки шунга яқин қиймат ўрнини тўлдирувчи сумма;
- лизинг берувчининг маълум лойиҳага асосан лизинг объектини харид қилиш учун фойдаланилаётган кредит захиралари бадалига тўланадиган сумма;
- лизинг берувчининг воситачилик ҳақи, лизинг берувчининг шартномада кўзда тутилган бошқа сарф харажатлари (бундай харажатларга лизинг асосида ижарага берилаётган мулкка техник хизмат кўрсатиш, ходимларни ўқитиш каби харажатлар киради).

Лизинг тўловларининг умумий суммаси бутун лизинг келишуви давомида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Лизинг мулки амортизацияси;
2. Лизинг битимини амалга ошириш учун лизингга олувчи жалб этадиган кредит ресурслари учун тўлов;
3. Комиссион мукофот;
4. Лизингга берувчи лизинг олувчига қўшимча хизмат кўрсатганлиги учун тўлов;
5. Агар лизингга берувчи суғурталанган бўлса, лизинг мулкни суғурталагани учун тўлов.



4-расм. Лизинг тўловлари турларининг туркумланиш чизмаси³⁶.

Лизинг тўловлари суммаси — лизинг объекти қийматининг ҳаммаси ёки кўп қисми (амортизация ажратмаларидан), лизинг объектини сотиб олиш учун қилинган жами воситачилик харажатлари, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа қўшимча харажаглар ҳамда лизинг берувчининг даромади бўлмиш лизинг ставкаси (кредит учун фоиз)дан иборат бўлади. Лизинг тўловлари таркибига лизинг берувчи томонидан лизинг шартномаси шартларига мувофиқ, лизинг объектини суғурталашга тўланган суғурта тўловлари ҳам киритилиши ёки уни қуйидаги формула билан изохлаш мумкин:

$$ЛТ = АА + КФ + ВХ + ҚХ + СТ, \quad (1)$$

бу ерда:

ЛТ - жами лизинг тўловлари;

АА - лизинг берувчига тўлаш учун ҳисобланадиган амортизация ажратмалари;

³⁶Ш.М.Латинова «Тижорат банкларининг лизинг хизматлари, уларни корхоналар молиявий салоҳиятини оширишда тутган урни (РАТБ «Галлабанки» Самарканд минтакавий филиали маълумотлари бўйича)» мавзусидаги магистрлик диссертацияси.Самарканд-2009. 78 бет.

КФ - кредит маблағлари учун тўланадиган фоизлар ёки лизинг ставкаси;

ВХ - лизинг берувчига лизинг объектини сотиш билан боғлиқ воситачилик харажатлари;

ҚХ - лизинг берувчига лизинг объектини етказиб бериш бўйича қилинган, қўшимча харажатлар;

СТ - суғурта тўловлари.

Энди лизинг тўловларини ташкил этувчи ҳар бир элементни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз.

Лизинг тўловларида қўлланилаётган ҳисоблаш усулига қараб қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- лизингга бериладиган ускуна қийматидан амортизация ажратмалари, лизинг учун фоиз, қўшимча такдим этилган хизматлар учун тўловлар ва лизинг берувчига ҳар бир даврнинг охирида тўланиши лозим бўлган комисион ҳақдан иборат бўлган тўловлар;

- бунд тўловлари юқорида келтирилган тўловларига ўхшаш таркибий қисмларга эга, лекин ҳар бир даврнинг бошида киритилади;

- келишув имзоланган пайтда мол-мулкни лизингга олувчи даставвал лизингга берувчига белгиланган миқдорда бўнак (депозит) такдим этган ҳолатларда, ускуна ишлатилиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида далолатнома имзолангандан кейин, лизинг тўловларининг умумий суммасини (бўнак чегирилади) мунтазам бадаллар орқали тўлаб борганда кузатилади;

- ҳисоб-китоб келишувида қандайдир сабабларга кўра қандайдир белгиланган фоизга асосланган аниқ бўлмаган тўловлар. Ўзаро келишув бўйича лизингга олинган ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулот сотувининг ҳажми, сотувдан олинган фойданинг суммаси ёки лизинг шартномасининг амал қилиш муддатида ўзгартирилиши мумкин бўлган бошқа параметрлар асос қилиб оlinиши мумкин.

Даврийлик бўйича тўловларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

– лизинг келишувига илова қилинган, келишув тарафлари томонидан келишилган жадвал бўйича тўланадиган даврий (ҳар йилги, ҳар чоракдаги, ҳар ойдаги) тўловлар;

– агар келишувда лизингга берувчига бўнак тўланиши назарда тутилган бўлса, бир вақтда тўланиши қўлланиладиган тўловлар;

– агар лизинг келишувда бўнак тўлови назарда тутилган тақдирда, у даврий тўловлар билан мураккаблаштирилган бўлиши мумкин.

Лизингга олувчининг молиявий ҳолати ва тўлов қобилиятини инобатга олиб, келишувда лизинг тўловларининг турли усуллари белгиланиши мумкин ва уларга мувофиқ қуйидаги тўловларни ажратиш мумкин:

– тенг улушлар билан;

– ошиб борадиган миқдорлар билан. Бу асосан лизингни бошланғич босқичида фойдаланувчи томонидан лизинг тўловини камроқ улушлар билан киритиш, кейинчалик эса, ускуна ўзлаштирилиб бориши ва унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот суръати ўсиб боришига қараб ушбу улушларни ошириб бориш қулайроқ ҳисобланган барқарор молиявий ҳолатга эга бўлмаган лизингга олувчилар томонидан қўлланилади;

– камайиб борадиган миқдорлар билан (тезлаштирилган тўловлар). Барқарор молиявий ҳолатга эга бўлган лизингга олувчилар томонидан қўлланилади, бунда фойдаланувчи лизингнинг бошланиш даврида лизингга берувчига ўз қарзининг асосий қисмини киритишни афзалроқ кўради (1-чизмага қаранг).

Лизинг тўловининг асосий қисмини амортизация ажратмалари ташкил этади. Амортизация ажратмалари фойдаланилаётган лизинг объектининг жисмонан ва маънавий эскириши натижасида йўқотилган қийматни қопловчи асосий манба ҳисобланади. Амалиётда амортизация ажратмалари суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$AA = \frac{BK * H}{100} T, \quad (2)$$

бу ерда:

БК - лизинг объектининг баланс қиймати;

Н - амортизация ажратмалари нормаси (эскириш коэффициенти);

Т - лизинг шартномаси муддати.

Мисол учун, 2012 йилда ТИФ “Миллий банк” Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан «Авто юк ташиш сервис» ХК корхонасига баланс қиймати 10000 минг сўмлик автомашина 4 йил муддатга лизингга берилган бўлсин. Агар автомашиналарнинг йиллик эскириш коэффициенти 20% эканлиги инобатга олинса, амортизация ажратмалари суммаси тўрт йил 8000 минг сўмга тенг бўлади ($10000 \times 0,20 \times 4 = 8000$).

Лизинг ставкаси лизинг берувчи томонидан ижарага олинган мулкдан фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ бўлиб, у лизинг берувчининг даромади ҳисобланади. Лизинг ставкасининг мазмуни қарзга олинган маблағлар (судалар) учун тўланадиган фоизлар билан бир хилдир. Шу сабабли унинг суммаси фойдаланилган кредит учун фоиз ҳисоблаш тартибига монанд равишда аниқланади:

$$КФ = \frac{КМ * ФС}{100}, \quad (3)$$

бу ерда:

КМ - кредит ҳажми;

ФС - фоиз ставкаси даражаси.

Юқоридаги мисол бўйича КМ - кредит ҳажми лизингга берилган автомашинанинг баланс қийматига, яъни 10000 минг сўмга тенг бўлади. Агар банк кредитлари бўйича қарор топган ўртача фоиз ставкаси даражаси (ФС) 8% га тенг бўлса, лизинг ставкаси суммаси тўрт йилга 3200 минг сўмга тенг бўлади ($10000 \times 0,08 = 800 \times 4 = 3200$).

Маълумки, лизинг берувчи - лизинг компаниялари ёки банклар лизинг объектини сотиб олиш билан боғлиқ маркетинг, транспорт ва ходимларга иш ҳақи тўлаш каби харажатларни амалга оширади. Ушбу харажатлар

воситачилик харажатлари бўлиб, у лизинг тўловларининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу харажатлар лизинг берувчига лизинг олувчи томонидан тўланадиган хизмат кўрсатиш мукофоти ҳам дейилади. Воситачилик харажатларининг миқдори қуйидагича аниқланади:

$$BX = \frac{KM \cdot BC}{100}, \quad (4)$$

бу ерда:

КМ - кредит ҳажми;

BC - воситачилик харажатлари ставкаси. У умумий воситачилик харажатлари суммасини тўлов даврига бўлиб топилади ($BX:T$).

Юқоридаги мисол бўйича воситачилик ставкаси даражаси (BC) йиллик 0,2% га тенг бўлса, воситачилик харажатлари суммаси 80 минг сўмга тенг бўлади ($10000 \times 0,002 = 20 \times 4 = 80$).

Бундан ташқари, лизинг берувчи лизинг объектини сақлаш, уни лизинг олувчига етказиб бериш, ўрнатиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ходимларни ўргатиш ва турли маслаҳатлар бериш каби қўшимча харажатлар килади. Қўшимча харажатлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

$$QX = CX + KX + PX + BX, \quad (5)$$

бу ерда:

CX - хизмат сафари харажатлари;

KX - кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар;

P - реклама харажатлари;

BX - бошқа харажатлар.

Агар ҚХ - қўшимча харажатлар суммаси 60 минг сўмни ташкил этган бўлса, юқоридаги мисол бўйича жами лизинг тўловлари суммаси 11340 минг сўмга тенг бўлади ($8000+3200+80+60 = 11340$).

Лизинг тўловларининг муддати томонларнинг келишувига мувофиқ маълум даврларга бўлиниши, одатда, ҳар ойга, ҳар чоракка ва йилга бўлиб

ўрнатилиши мумкин. Лизинг тўловлари суммаси шартномада белгиланган хар бир айрим давр учун қуйидагича топилади:

- йиллик тўловлар учун — $ЛТ : Г$;
- чораклик тўловлар учун — $ЛТ : Т : 4$;
- ойлик тўловлар учун — $ЛТ : Т : 12$.

юқоридаги мисолда топилган жами лизинг тўлови суммаси даврлар бўйича қуйидагича топилади:

- йиллик тўловлар учун — $11140 : 4 = 2785$ минг сўм;
- чораклик тўловлар учун — $11140 : 4 : 4 = 696,2$ минг сўм;
- ойлик тўловлар учун — $11140 : 4 : 12 = 232$ минг сўм.

Бугинги кун амалдаги меъёрий хужжатларга асосан, лизинг олувчи лизинг тўловларини амалга ошираётганида, унинг амортизация ажратмаларига, фоизларга, воситачилик ва қўшимча тўловларга алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолдаги ёйилмасини илова қилиши шарт.

Лизинг тўловлари келиб тушганидан кейин, банк унинг ёйилмасига мос равишда бухгалтерлик ўтказмаларини амалга оширади: амортизация ажратмалари лизинг ҳисоби юритиладиган суда ҳисобварағининг кредитига ўтказиш оркали кредитни тўлашга йўналтирилади, лизинг учун фоиз, воситачилик ҳақи ва бошқа тўловлар банк даромадига қўшилади. Юқоридаги мисолда биринчи йил учун “Авто юк ташиш сервис” ХК корхонаси ТИФ “Миллий банк” Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси жами 2785 минг сўм лизинг тўловлари ўтказади, ушбу сумманинг 2000000 сўми амортизация ажратмаси бўлиб, 785 минг сўми эса банк даромадига олиб борилади, яъни:

Д-т 2785 минг сўм, лизинг олувчи - “Авто юк ташиш сервис” ХК корхонаси ҳисобварағи ёки банк вакиллик ҳисобварағи (лизинг туловларининг умумий суммасига).

К-т 2000000 сўм, суда ҳисобварағи (амортизация ажратмаси суммасига);

К-т 785 минг сўм, банкнинг даромадлар ҳисобварағи (фоиз суммаси, воситачилик ва бошқа харажатлар суммасига);

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, лизинг тўловлари лизинг шартномаларидаги келишувларга мувофиқ, ҳар бир айрим ҳолатлар бўйича турлича ҳисобланиши мумкин. Масалан, айрим ҳолларда лизинг олувчига имтиёзли давр белгиланиши, баъзи ҳолларда лизинг тўловини кечиктириб тўлашга келишилади.

Ривожланган мамлакатларда эса лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан томонлар келишувига мувофиқ тузилган ва лизинг шартномасининг ажралмас қисми бўлган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

Лизинг тўловларининг шакли лизингга олинган ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилишидан келиб тушган пул маблағларидан амалга оширилиши ва такомиллаштирилиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда лизинг тўловлари жадвалларининг турларини кўриб чиқамиз:

- Лизинг объекти қийматини бир текис тўлаш жадвали.
- Лизинг тўловларини ўсиб бориш тартибида тўлаш жадвали.
- Аннуитет ҳисоби услубига асосланган тўлов жадвали.
- Тўловларнинг камайиш услубидаги тўлов жадвали.
- Тенг бўлмаган қисмлар билан тўлаш жадвали (ўсиш ёки камайиб бориш).

Аксарият ҳолларда лизинг тўловлари унинг барча элементларини қамраб олган ягона аннуитет формуласи³⁷ орқали топилади. Ушбу формула куйидаги кўринишга эга:

$$ЛТС = АС \frac{КФ : Т}{1 - 1 : (1 + КФ : Т)^{Т * М}}, \quad (6)$$

³⁷ Аннуитет бир хил миқдордаги тўловлар тенг оралик, даирларда мунтазам равишда амалга ошириладиган тўлов усулидир. Бунда маълум суммадаги тўловлар ҳар ой ёки ҳар чорақда ҳисоблаб, тўлаб борилади. Ривожланган мамлакатларда аннуитет усулида тўловларни амалга ошириш бўйича махсус жадваллар ишлаб чиқилган.

бу ерда:

ЛТС -лизинг тўловлари суммаси;

АС - амортизация ажратмалари суммаси;

КФ - лизинг ставкаси;

Т - тўлов даври;

М - лизинг шартномаси муддати.

Ушбу формула ўзида чизиqli график хусусиятини ифодалаб, у лизинг тўловлари суммаси шартнома муддати тугагунга қадар ўзгармас катталиқда сақданишини талаб этади.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида мазкур доимий миқдорни белгиловчи айрим элементлар ўзгариши мумкин. Масалан, Лизинг объектининг қиймати ва фоиз ставкалари ана шундай ўзгарувчан миқдорлар сарасига киради. Лизинг шартномаси шартларида мазкур ўзгаришлар ҳисобга олиниши кўзда тутилган тақдирда, лизинг тўловлари суммасини ҳисоблашда иккита тузатувчи коэффициент қўлланилади.

Биринчи тузатувчи коэффициент (K_1), бу дисконтли кўпаювчи формула бўлиб, ундан лизинг объектининг ўзгарган қолдиқ суммасига нисбатан лизинг тўловлари суммасини аниқлашда фойдаанилади:

$$K_1 = \frac{1}{1 + K\text{К} * 1 : (1 + K\Phi : T)^{T * M}}, \quad (7)$$

бу ерда:

КК - лизинг объектининг қолдиқ қиймати.

Иккинчи тузатувчи коэффициент (K_2) эса лизинг тўловларининг шартномада кўрсатилган қисми олдиндан бўнак тўлови асосида амалга оширилган ҳолатларда қўлланилади:

$$K_2 = \frac{1}{1 + K\Phi : T}, \quad (8)$$

Башарти, лизинг тўловлари суммасини ҳисоблашда ҳар иккала тузатувчи коэффициент қўлланилган тақдирда, лизинг тўловларининг якуний суммаси дастлабки ҳисобланган лизинг тўловлари суммасини иккала коэффициента кўпайтириш натижасида ҳосил қилинади, яъни:

$$ЯС = ЛТС * K_1 * K_2 , (9)$$

бу ерда:

ЯС - якуний сумма.

Бугинги кунда аннуитетнинг анча соддалашган формулари қўлланилмоқда.

Масалан, оддий аннуитетнинг бўлғуси қиймати қуйидаги формула билан ҳисобланмоқда:

$$FV = R * \{ [1 - 1/(1 + i)^n] / i \}, (10)$$

бу ерда:

i - фоиз ставкаси;

n - даврлар сони;

R - даврлараро тўлов суммаси;

FV - бўлғуси қиймат.

Лизинг тўловларини халқаро андозалар асосида амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли лизинг тўловларининг халқаро андозалар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бу жараёнда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда халқаро лизинг амалиётида лизинг тўловларини ҳисоблаш усуллари бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда лизингга олувчига лизингнинг барча хусусийятлари қараб ҳам тавсифланади. Шунга асосан, пул маблағларининг оқимида кўра:

- лизинг олувчи лизинг операцияларини олиб бориш тажрибасига эга эмас ёки тажрибаси жуда кам;
- лизинг олувчи барқарор молиявий ҳолатга эга;

- лизинг объектини ўрнатиш ва ишга тушириш лизинг олувчининг ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмайди;
- лизинг компанияси параллел равишда бир қанча лизинг шартномасини амалга ошира олади;
- лизинг шартномасининг муддати банк томонидан лизинг берувчини молиялаштириш учун ажратиладиган кредит муддатига мос келади.

Ташкил этиувчилар усулида:

- лизинг олувчи лизинг операцияларини олиб бориш тажрибасига умуман эга эмас;
- лизинг олувчи янги ташкил этилган корхона;
- лизинг объекти пул маблағлари оқимларини шакллантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.
- лизинг олувчида солиқларни режалаштиришнинг бошқа йўллари мавжуд бўлмайди.

Коэффициентлар усулида:

- лизинг олувчи лизинг операцияларини олиб бориш бўйича етарли тажрибага ва юқори даражада иқтисодик тайёргарликк эга;
- лизинг тўловлари лизинг схемасини амалда қўллаш самарадорлигининг дастлабки баҳолашини таъминлаш мақсадида амалга оширилади;
- лизинг объекти пул маблағлари оқимларини шакллантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади;
- лизинг олувчи кучли бухгалтерия ҳисобига ва солиқларни режалаштиришнинг ривожланган тизимига эга бўлади.

Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уни молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалалари алоҳида илмий изланишни талаб қилади ёки мустақил мавзу ҳисобланади.

Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш республика тадбиркорлари учун муҳим аҳамиятга эга, бухгалтерия ҳисоби халқаро

андозалари талаблари асосида юритиш тартиби кўп жиҳатдан мамлакатимизда жорий этилган.

Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини халқаро андозалар бўйича юритишда қуйидаги иборалар қўлланилади:

- минимал лизинг (ижара) тўловлари - лизинг олувчи томонидан ижара муддати давомида амалга ошириладиган тўловлар суммаси (хизмат кўрсатиш харажатлари ва солиқ тўловларидан ташқари);

- ялпи ижара инвестицияси - минимал лизинг (ижара) тўловлари суммаси билан кафолатланмаган қолдиқ суммаси йиғиндиси;

- соф ижара инвестицияси - ялпи ижара инвестицияси суммаси билан тўланмаган молиявий даромадлар суммаси ўртасидаги фарқ (айирмаси);

- шартли лизинг тўловлари - лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасидаги келишувга биноан, лизинг тўловлари суммаси аниқ белгиланмасдан, шартнома муддати давомида бозор конъюнктураси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиб бориладиган тўловлар суммаси;

- кафолатланган қолдиқ сумма - лизинг тўловларига киритилган ва шартнома муддати тугагандан кейин лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўлаб бериши кафолатланган сумма;

- кафолатланмаган қолдиқ сумма - лизинг тўловларига киритилмаган ва шартнома муддати тугагандан сўнг лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг объектининг қолдиқ қийматини тўлаб бериши кафолатланмаган сумма;

- ҳақиқий қиймати - лизинг объектининг бозор қиймати бўлиб, уни яхши биладиган шахслар томонидан келишилган нархда сотиб олиш мумкин бўлган баҳоси;

- минимал лизинг (ижара) тўловларининг жорий қиймати - бўлғуси лизинг (ижара) тўловлари суммасининг дисконтлаштирилган миқдори;

– тўланмаган молиявий даромадлар - ялпи ижара инвестицияси суммаси билан соф ижара инвестицияси суммаси ўртасидаги фарк (айирмаси).

Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби Молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларининг 17 - шаклига мувофиқ амалга оширилади.

Балансда лизинг объектининг қиймати, унинг ҳаққоний (бозор) қиймати ва шартномада белгиланган жорий лизинг тўловлари миқдорининг қайси бири паст бўлса, ўша суммада акс эттирилиши лозим. Шу билан биргаликда, лизинг объекти қийматига лизинг берувчи томонидан уни балансга қабул қилгунча амалга оширган бевосита харажатлари ҳам қўшилади.

Лизингга олувчининг энг муҳим мажбурияти бўлиб ҳисобланган лизинг тўловлари шартнома объектидан тадбиркорлик мақсадида одатий равишда фойдаланганлик учун амалга оширилган тўловлар миқдорини ўзида акс эттиради.

2.3 Лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили.

Европа мамлакатларида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий табиати тўғрисида бир қанча назариялар яратилган, халқаро лизинг берувчилар уюшмаси томонидан халқаро лизингнинг асосий белгилари ва қоидалари ишлаб чиқилган шунга қарамаздан, лизинг муносабатларига оид ҳуқуқий адабиётларда турлича қарашлар илгари сурилади.

Айрим олимлар лизинг шартномаси ўзида топшириқ шартномаси белгиларини мужассамлаштирган шартнома деб ҳисоблайдилар. Франция Фуқаролик кодексининг 1984-моддасида топшириқ шартномасига таъриф берилган бўлиб унга кўра “бир тараф иккинчи тарафга нисбатан ҳуқуқий ҳаракатлар олиб бориш ёки унинг номидан иш кўриш ваколатини беради”. Бу қарашлар Франция ва Германияда

кенг тарқалган бўлиб уларнинг фикрича, фойдаланувчи махсус компания зиммасига бирор-бир мулкни қўлга киритиш мақсадида топшириқ беради ва бу мулк улар орасидаги шартнома предмети бўлиб хизмат қилади.

Россия Федерациясида лизинг Гражданлик кодекси ва “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида”ги қонун билан тартибга солади. Мазкур давлатда “Лизинг тўғрисида”ги қонун 1998 йилда қабул қилинган. Лизинг муносабатларини амалда ривожлантириш мақсадида 2002 йил 29 январда қўшимча ва ўзгартиришлар билан бойитилган “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида”ги қонунини қабул қилинган. Россия Федерацияси гражданлик кодексида мувофиқ лизинг шартномаси – ижара шартномасининг бир тури сифатида тан олинади.

АҚШда лизинг шартномаси ва унга шартли равишда олди-сотди шартномасини жалб қилиш, улар ўртасидаги чегараларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этган. АҚШ қонунчилигида шартли олди-сотди шартномаси таъминот битимлари тоифасига киритилган ва ушбу шартномалар Ягона Савдо кодекси асосида бошқарилади. АҚШ қонунчилигига мувофиқ, тижорат банкларига айрим молиявий операциялар турларини амалга ошириш таъқиқланганлиги сабабли, бевосита банklar томонидан лизинг хизматлари кўрсатилмайди. Лизинг компаниялар банklarдан алоҳида ажралган ҳолда фаолият олиб боради. АҚШ солиқ қонунчилигида шундай моддалар мавжудки, унда жисмоний шахслар ҳам ўзи топган даромадларига асбоб-ускуна сотиб олиш ҳамда уни лизингга бериш ҳуқуқига эга³⁸.

Франция кассацион судининг 1990 йил олди-сотди шартномасининг лизинг предмети бўйича бекор бўлиши, унинг оқибатларини бартараф қилиш имконияти бўлса лизинг шартномасини ҳам бекор қилинишига олиб келиши тўғрисидаги қарори мантиқан муҳим аҳамият касб этган.

³⁸ Ғозибеков Д., Собиров О.Ш., Мўминов А.Г., Кулжонов О.М. Лизинг муносабатлар назарияси ва амалиёти. – Т.: Fan va tehnologiya, 2004. 13-б.

Бундай лизинг муносабатларда шартномалар тузишнинг аниқ механизмида Франция лизинг компаниялари лизинг олувчиларга ускуналарнинг тавсифи ва баҳосини сотувчи билан келишиш учун ишончнома беради, кейин сотувчидан лизинг предмети талаб қилиб қилувчига ижарага топширади.

Белгия давлатида лизингни “молиявий ижара (location financement)” деб аталади ва ушбу муносабат французлар каби ҳуқуқий тартибга солинади. Яъни 1967 йил 10 ноябрдаги “Молиявий лизинг амалиётини юритувчи корхоналар тўғрисида”ги қироллик қонунида молиявий лизинг, ижара каби атамалар ва унга яқин категориялар ўз аксини топган. Бундан ташқари, бу ҳуқуқий нормалар лизинг муддати ва ускуналарни эксплуатация қилиш, амортизация муддати, лизинг предмети бўлажак ижарачининг кўрсатмаларига биноан сотиб олиш ўртасида муҳим фарқлар ҳақида кўрсатмалар мавжуд. Европанинг бир қатор мамлакатларида, хусусан Франция, Германия ва Италияда қонун лизинг мулкни опцион орқали сотиш мажбурийлиги сифатида эътироф этилади.

Италияда молиявий ижара шартномаси (operazione di locazione finanziaria) ўзгача аҳамият касб этиб, унда лизинг предмети бўлган саноат ускуналари ва жиҳозлари кўчмас мулкка нисбатан ўрнатилган қоидалар асосида тартибга солинади. Бу ҳолатда лизинг берувчи лизинг предмети кўчмас мулкдан ажратган ҳолда лизинг шартномаси орқали бериши мумкин. Бундай қоидалар Франция ва Белгия қонунчилигида мавжуд эмас. Шунингдек, бу қоидаларни амалиётда қўллаш қийинчиликлар туғдириши мумкин. Чунки бу қонуннинг салбий оқибати лизинг олувчининг банкрот бўлганида билинади, яъни лизинг олувчи ускуналарни лизингга олиб уни кўчмас мулкка жойлаштиради ва шартнома предмети бўлган ускуна тегишли ашё сифатида унга қўшилади. Натижада лизинг олувчи банкрот бўлганида лизинг мулкни лизинг берувчига қайтариб бериш борасида муаммолар вужудга келиши

мумкин. Англо-саксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатлар лизинг қонунчилигида эса ускуналарни ёки лизингга олинган мулкларни кўчмас мулкка айланишининг олдини олади, лизинг мулки мулкдор ҳисобланган лизинг берувчига қайтарилиши таъминланади.

Англия давлатининг “Товарларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги 1982 йилдаги қонунида ижара шартномасининг таркибига кирувчи тахминий шартлар санаб ўтилган³⁹. Англия ҳуқуқида лизинг ва мулкый ижара шартномаларида лизинг шартномаси ҳеч қачон олди-сотди шартномасига айланмаслиги, унга опцион орқали сотиб олиш кирмаслиги лизинг шартномаси, ижара ва сотиш шартномалари ўртасидаги фарқни сақлаш учун белгилаб қўйилган. Англияда лизинг шартномаси кўпинча “махсус ижара” сифатида баҳоланади ва мазкур давлатда лизинг шартномасини оддий ижара шартномасини алоҳида бир тури сифатида ўрганилмайди.

АҚШ лизинг компаниялари йирик ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар томондан ташкил қилинган, бошқа лизинг компаниялар йирик назорат банкларга тегишли. Бу компанияларнинг фаолият соҳаси минтақавий банкларнинг таъсир доирасидаги ҳудудларга тўғри келади. Америка қонунларининг муҳим томони шундан иборатки, унда тижорат банклари томонидан муайян молиявий хизмат турларини бажариш тақиқланади ва лизинг компаниялари банклардан ажратилган. Бундан ташқари, ҳатто йирик суғурта компаниялари ҳам лизинг соҳасига алоҳида эътибор қаратади, яъни улар лизинг фаолиятини суғурталаш билан шуғулланади. АҚШ солиқ қонунчилиги бўйича юридик шахсларга ўз даромадлари ҳисобидан лизинг орқали ускуналар сотиб олиш кўпроқ фойда келтиради ва уларга солиққа оид имтиёзлар яратиб берилган⁴⁰.

Ҳозирда Германия давлатида ҳам лизинг бозори жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Германияда кўплаб лизинг

³⁹ Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998. – С.65.

⁴⁰ US Department of Commerce, Economics and Statistics Administration. – Bureau of Economic Analysis and Equipment Leasing Association of American. – New York.: – 2000. – P.345.

компанияларини кўриш мумкин. Шулардан тахминан 200 таси “Bundesverband Deutscher Leasing-Unternehmen” (BDL) немис лизинг ассоциацияси таркибига киради. Лизинг битимларини солиққа тортиш тартиби Германия Федерал Молия вазирлиги томонидан белгиланган ва солиқ қонунчилигига мувофиқ тузилган лизинг шартномалари бўйича қатор солиқ имтиёзлардан фойдаланиш мумкин. Лекин профессор М.Мойбнинг такидлашича, Германиянинг Фуқаролик Тузуги яратилганлигига юз йил бўлган бўлса ҳам, бу мамлакатда лизинг муносабатларини тартибга солувчи махсус ҳуқуқ меъёрлари мавжуд эмас⁴¹. Бу давлатда лизинг икки вариантда намоён бўлади, лизинг хариди ва лизинг ижараси. Лизинг муносабатларини тартибга солишда ёки савдо муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқдан ёхуд ижара муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқдан фойдаланади.

Австрия давлатида эса лизинг предметининг хизмат муддати иқтисодий жиҳатдан ўртача 2 йилдан 15 йилгача муддатни ташкил этади. Шартнома муддати тугагандан кейин лизинг олувчининг лизинг предметига нисбатан эксплуатация муддатининг қолган қисмига нисбатан янги шартнома тузиш ёки шартнома предметини сотиб олиши мумкин. Австрияда лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда “Ижара тўғрисида”ги қонун асос бўлиб хизмат қилади. Бу давлатда бугунги кунда лизинг шартномаси орқали ҳатто мактаблар, болалар боғчалари шахсларга фойдаланишга берилмоқда. Ушбу давлат ҳудудида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун лизинг шартномасининг муддати ускуналардан фойдаланиш даврининг 40-90 фоиздан ошмаслиги лозим.

Хитой Халқ Республикасида 1979 йилда халқаро лизинг фаолиятини амалга оширувчи қўшма корхоналар очиш ва фаолият олиб бориш учун рухсат берувчи қонун қабул қилинди. Молиявий лизинг

⁴¹ М.Мойбнинг 1996 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида "Ижара" мавзусида илмий-амалий семинарда билдирган фикрлари // Журнал. Хўжалик ва ҳуқуқ. –1996. №10-11. - 41 б.

шартномаларининг асосий қисми 1 йилдан 5 йилгача, ўртача лизинг муддати 2-3 йилга тўғри келади ва лизингдан фойдаланувчилар фоизлар тўлаш бўйича кам харажат талаб қилувчи ускуналарни қисқа муддатга олишни афзал кўришади. Шартнома муддати тугагандан сўнг фойдаланувчи ускуналарни унинг қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиши мумкин ва шартномалар банк кафолатлари билан мустаҳкамланади.

Мазкур давлатда лизинг берувчи лизинг олувчининг жойига яъни офисига бориб, текшириш ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга. Лекин бу ҳақда лизинг берувчи олдиндан хабардор қилиши шарт. Умуман, лизинг фаолиятида лизинг берувчининг лизинг сифатида сарфлаган капиталини талаб қилиб олиши ёки ундириб олиш масалаларига эътибор берсак, маскур масалада ҳам бир неча муаммолар келиб чиқиши мумкин. Лекин Хитой Халқ Республикасида бу масалага ойдинлик киритилган, яъни агар лизинг шартномасининг муддати маълум сабаблар асосида тўхтатилса, унда лизинг олувчи лизинг объектини яхши ҳолатда лизинг берувчига қайтариши шарт. Агар лизинг олувчи харажатларни тўлашдан бош тортса, унда лизинг берувчи бу суммани депозитидан олиб ишлатиш ҳуқуқига эга. Агарда у сумма етарли бўлмаса, лизинг берувчи лизинг олувчидан қолган суммани талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Жанубий Корея Республикасида 1989 йилдаги “Лизинг бозори ривожланишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинганидан кейин тарафлар ўртасида тузиладиган шартномалар ҳажми икки баробар ошди. Бу мамлакатнинг лизинг қонунчилиги лизинг компаниялари ташкил этиш, уларга шароит яратиш, унинг фаолият соҳасини мукаммаллаштириш, лизингга бериладиган объектлар турларини белгилайди ва тартибга солади. Уларнинг қонунчилигида белгиланишича, агар ускуналарнинг эксплуатация муддати беш йилдан кам бўлса, у ҳолда лизинг шартномасининг муддати ускуналар эксплуатация муддатининг 70 фоизидан кам бўлиши лозим.

Агар ускуна эксплуатация муддати беш йилдан кўп бўлса, лизинг

муддати ускунанинг эксплуатация муддатининг 60 фоиздан кам бўлиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, лизингга берилган ускуналарни сотиб олиш мажбурий эмас, лекин фойдаланувчига ён берган ҳолда лизинг берувчи томонидан таклиф қилиниши мумкин. Жанубий Корея ҳукумати мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган майда ва ўрта корхоналар фаолиятини рағбатлантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шу сабабли ҳукумат томонидан махсус Директива ишлаб чиқилиб, унга кўра лизинг компаниялари лизинг операциялари ҳажмининг 35 фоиздан кам бўлмаган қисмини майда ва ўрта корхоналарга ажратиш тўғрисида топшириқлар берилган ва бу амалда қўлланилади.

МДХ давлатларида халқаро молиявий лизинг фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро низо келиб чиққан тақдирда 1992 йил 20 мартда қабул қилган “Низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги битимнинг умумий қоидаларга асосланган ҳолда ҳал этилади. Ушбу битимнинг 11-моддаси “е” бандига асосан, агар тарафлар ўртасида тузилган шартномада бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битим тузилган давлат қонунчилиги билан белгиланади. Молиявий лизингни ҳуқуқий тартибга солиш МДХ давлатларининг барчасининг Фуқаролик кодексларида ва махсус қонунларида белгиланган. Бу давлатлар қонунчилигида лизинг ижара шартномасининг бир тури сифатида қаралади ва уларнинг барчаси Оттава конвенциясига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 594-595-моддалари Оттава конвенциясининг 12-моддаси билан бирхиллаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 597-моддаси ўзида конвенциянинг 9, 13-моддаси қоидаларини унификациялаган ва ўзида лизинг мулкани лизинг олувчига сифатли ва талаб даражасида етказиб бериш тартиби, лизинг олувчининг мажбуриятларини атрофлича ҳуқуқий асослантирилган.

Халқаро-ҳуқуқий механизмлар таъсирида ҳамда миллий ҳуқуқ ижодкорлигининг шаклланган нормалари воситасида лизинг амалиёти МДХ давлатларида ҳам етарли даражада ҳуқуқий ечимини топди. МДХ мамлакатларида лизинг муносабатларини тартибга солувчи махсус қонунлар мавжуд бўлиб, Озарбайжон Республикасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилган 16 моддадан иборат бўлган “Лизинг тўғрисида”ги қонуни, Молдова Республикасининг 1996 йил 15 февралда қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”ги қонуни, Украина Республикасининг 1997 йил 16 декабрда қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 25 моддадан иборат бўлган “Лизинг тўғрисида”ги қонуни, Қозоғистон Республикасининг 2000 йил 5 июлда қабул қилинган 26 моддадан иборат “Молиявий лизинг тўғрисида”ги қонунларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Туркменистон ва Грузия давлатларининг фуқаролик қонунчилигида эса молиявий лизинг шартномаси шартноманинг алоҳида бир тури сифатида қаралади.

Қозоғистон Республикасида ҳам лизинг муносабатлари махсус қонун билан тартибга солинади. Ушбу мамлакат “Молиявий лизинг тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида лизинг шартномасини асосий тушунчалари берилган. Унга кўра молиявий лизингни - инвестиция фаолиятининг бири тури сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи, лизинг битимлари, сублизинг, лизинг фаолияти, лизинг муносабатларида фойдаланиб бўлмайдиган ашёларга нисбатан алоҳида тавсиф бериб ўтилган.

Белоруссия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг берувчи зарур бўлган мулкни ўз эгалигига олишга бевосита аҳамият қаратилади. Бу эса лизинг шартномалари учун лизинг операцияси бошлангунга қадар лизинг берувчининг объектга нисбатан эгалик ҳуқуқи бўлмаслиги билан тавсифланади. Фақат лизинг

олувчи билан лизинг берувчи шартнома ҳақида тегишли маълумотлар олади ва топшириққа биноан ускуналарни ёки бошқа мулкни лизинг олувчига лизингга топшириш учун сотиб олади.

МДХ давлатлари лизинг муносабатларини тартибга солувчи махсус қонунчилигида бирхиллик мавжуд. Баъзи давлатлар (Белоруссия, Озарбайжон, Қирғизистон) бир шахс томонидан бошқа ҳуқуқ субъекти буюртмасига муайян объектларни ижарага топшириши учун лизинг предметини сотиб олиш деб қаралса, Украина Республикасида лизинг предметидан фойдаланиш учун шартнома тарафига топширишга эътибор берилади. Озарбайжон, Украина, Қирғизистон лизинг қонунчилигида эса шартнома узоқ муддатга тузилишига эътибор берилади. Қозғистон Республикаси амалда бўлган лизинг қонунчилиги ўзида 1994 йил амалда бўлган 633-сонли “Лизинг тўғрисида”ги қонунда берилган лизинг тушунчаси қоидаларини ўзида акс этирган.

Кўриб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатларлар лизинг муносабатларига ҳозирги даврда жиддий эътибор берилётганлигидан ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш ишларини фаоллаштириш лозимлигидан гувоҳлик беради. Лизинг шартномаси тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш билан бирга, Ўзбекистон резидентлари иштирокида халқаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бир неча халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинмоқда⁴². Албатта бу миллий ва хорижий субъектлар ўртасида лизинг шартномаси орқали маълум бир мулкларга эга бўлишга имкон

⁴² Қаранг: ИПС NORMA – Законодательство РУз [Конвенция о международной гражданской авиации Чикаго, 7 декабря 1944 г., с изменениями от 27 мая 1947 г., от 14 июня 1954 г.], Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 26.05.2000 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш бўйича БМТ халқаро институтининг (UNIDROIT) конвенцияга қўшилиши ҳақида”ги 84-II-сонли қарори, Тошкент шаҳрида 1993 йил 10 сентябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Чехия Республикаси ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим, Тошкент шаҳрида 1995 йил 16 майда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Словакия Республикаси ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим., КОНВЕНЦИЯ о международном признании прав на воздушные суда Женева, 19 июня 1948 г. Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса РУз от 27 декабря 1996 года № 364-I, Вступление в силу для Республики Узбекистан 6 августа 1997 года.

яратиб беради.

Халқаро конвенциялар ва бир неча давлатларнинг лизинг қонунчилиги таҳлили натижалари миллий лизинг қонунчилиқни янада такомиллаштириш лозимлиги тўғрисидаги хулосага олиб келди. Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида лизинг субъектлари тўғрисида тушунтиришлар белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур моддада лизинг шартномаси субъектларнинг мақоми тўлиқ очиқ берилмаган ва шу пайтгача мазкур масала мавҳумлигича қолган. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида лизинг шартномаси субъектларининг “резидентлик” ва “норезидентлик” категориясига аниқлик киритилиши лозим. Резидент ва норезидент тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ сиёсати алоҳида тартибда олиб борилиши Солиқ кодексида белгилаб қўйилган. Лекин лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликда бу ҳолат ўз аксини топмаган. Жумладан, лизинг тўғрисидаги қонунда миллий лизинг берувчи ва лизинг олувчи қайси меъёрлар асосида, хориж лизинг субъектлари ҳисобланмиш лизинг берувчи ва лизинг олувчи қайси меъёрлар асосида фаолият олиб бориш тартиби ҳуқуқий нормалар билан белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, юқоридаги нормаларни лизинг қонунчилигига киритилиши биринчи навбатда давлат томонидан субъектларга бериладиган имтиёзлар доирасини аниқлаш ва фаолиятини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Лизинг қонунчилигида хориж субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйилса, улар томонидан шартнома тузиш тартиби ва фаолият олиб бориш шартлари белгиланса, шунда шартнома субъектларининг ҳуқуқларини қонун билан ҳимоя қилинган бўлади ва халқаро нормаларни бирхиллаштириш амалга оширилган бўлади ва бу Ўзбекистон ҳудудида халқаро лизинг операцияларни амалга оширишга енгиллик киритади ва тарафлар ўртасида келиб чиқадиган муаммоли масалаларга чек қўяди.

II.Боб бўйича хулоса.

Жаҳон ва миллий лизинг хизматлари бозорининг иктисодий ва ҳуқуқий ҳолати таҳлилидан олинган хулосага кўра:

1. Бугинги кунда халқаро лизинг бозорида Европа, хусусан “Leaseurope”, АҚШ ва Хитой кабий давлатлар етакчилик қилишмоқда. Хусусан Европа лизинг бозорининг 93%ини “Leaseurope” эгаллаган.
2. Лизинг фаолияти учун энг мақбул шароитлар Германия, Буюк Британия, Ирландия, Норвегия ва АҚШ давлатларида яратилган. Ирландияда лизингни рағбатлантириш мақсадида лизинг ташкилотларига давлат субсидиялари, тезлаштирилган амортизациялардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқа кўплаб қулайликлар тақдим этилган. Шулар натижасида Ирландия бугунги кунда самолётлар лизинг бозорининг етакчисига айланган.
3. Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида лизинг субъектлари тўғрисида тушунтиришлар белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур моддада лизинг шартномаси субъектларнинг мақоми тўлиқ очиқ берилмаган. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида лизинг шартномаси субъектларининг “резидентлик” ва “норезидентлик” категориясига аниқлик киритилиши лозим. Резидент ва норезидент тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ сиёсати алоҳида тартибда олиб борилиши Солиқ кодексида белгилаб қўйилган. Лекин лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонучиликда бу ҳолат ўз аксини топмаганлиги аниқланди.

Фикримизча миллий лизинг бозорларини ривожлантиришда жаҳоннинг етакчи мамлакатларини лизинг амалиётини чуқур ўрганиш лозим. Миллий лизинг қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

III-Боб. Ўзбекистонда халқаро лизингни ривожлантириш истикболи.

3.1 Мамлакатнинг халқаро лизинг операцияларида илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш.

Лизинг муносабатларини янада ривожлантириш йўлида тадбиркорлар учун қулай бўлган лизинг хизматларини яратиш ҳамда уларга шу йўл орқали янги замон талабларига жавоб берадиган техника ва технологияларни етказиб бериш лозим.

Халқаро амалиётда лизинг ўзининг бошқа турдаги инвестициялардан қулайлиги билан бирмунча ажралиб туради. Шундай қулайликка эга бўлган лизинг турларидан бири бу “дабл дин” бўлиб унинг афзаллиги икки ва ундан ортиқ давлатларнинг солиқ имтиёзларидан яхлит фойдалана олиш имконияти билан изоҳланади. Масалан, 80-йилларда халқаро лизинг амалиётида қатор самолётлар айнан “дабл дин” асносида лизингга берилган. Бу жараён АҚШ ва Буюк Британия ўртасида амалга оширилган. Агарда лизинг берувчи мулк ҳуқуқида бўлган ҳолатда Буюк Британия солиқ тизимига кўра бирмунча қулайликлари мавжуд бўлган, АҚШ солиқ тизимига кўра лизинг берувчи бундай ҳолатда зарар кўрган, уларда лизинг берувчи кўп жиҳатдан мулкни бошқариш ҳуқуқида бўлиши иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланган. Шундай қилиб лизинг компанияси Буюк Британиядан самолётларни сотиб олишган ва уларни АҚШ лизинг компанияларига лизинг ва ижарага беришган, улар ўз навбатида маҳаллий ҳаво йўлларига бу самолётларни лизингга беришган. Кузатув таҳлиллар асосида шуни такидлаш мумкинки, бугинги кунда бу турдаги лизингдан Франция ва Германия, АҚШ ва Франция, Япония ва АҚШ каби давлатлар ва бошқа кўплаб мамлакатлар фойдаланишлари мумкин.

Кейинги йилларда ишлаб чиқарувчи ва лизинг компаниялари ўртасида битимлар тузиш кенг кўламли тус олиб улгирмоқда. Бундай келишувларга таянган ҳолда ишлаб чиқарувчи ўз махсулотини сотиш билан бирга

лизингга тақдим этмоқда. Бу ўз навбатида унинг савдо доирасини янада кенгайтишига сабаб бўлаётган бўлса, лизинг ташкилоти бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг савдо тармоқлари орқали лизингни йўлга қўйган бўлиб бу турдаги лизинг йўналиши “савдога кўмак” (sales-aid) номини олган.

Маълум ҳудудларда лизинг операцияларининг тармоқ таркиби шаклланиши кўп жиҳатдан ўзига хосликка эга бўлади. Мисол учун Европада афтомобил лизингги кенг қўлланилади, хусусан шахсий афтомобиллар билан бир қаторда саноат ишлаб чиқариш учун махсус бўлган афтомобиллар шулар таркибидандир. Бугинги кунда Европа лизинг бозорининг 50%гача бўлган ҳажми айнан афтомобилларга тўғри келмоқда. Бозорнинг қолган қисми ишлаб чиқариш техника-технологиялари, денгиз кемалар лизинги, самолёт, компьютерлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Европанинг шарқий қисмида афтомобил лизингининг етакчи лизинг тармоғига айланишининг асосий сабаби Европанинг бу қисмида жойлашган афтомобил ишлаб чиқарувчи фирмалар ўз махсулотини сотиш учун янги-янги стратегияларни қўллашга мажбур бўлишади ва айтиш бу муоммони ечишда лизинг оптимал вариант вазифасини бажаради.

Бироқ лизинг тушунчаси таркибига Европада молиявий ижара ва оператив ижара тушунчалари киритилган. Оператив ижара бу ижаранинг оддий кўриниши эканлигини ҳам инобатга олиш лозим. Хусусан Россияда фақат молиявий ижарага лизинг сифатида қаралади.

Шарқий Европада ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 20%идан ортиқ қисми лизинг асосида амалга оширилмоқда. Шу ўринда такидлаш жоизки Шарқий Европада амалга оширилаётган лизинг операцияларининг 78%и Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Нидерландия, Полша ва Шветсия каби мамлакатларга тўғри келади, ғарбий Европа мамлакатлари бўлмиш Венгрия, Чехия, Словакия ва қатор бошқа давлатлар, шу жумладан МДХ

мамлакатларининг бозор иқтисодиёти тизимига ўтиши лизингнинг халқаро даражада янги поғонага кўтарилиши учун замин яратмоқда.

АҚШ лизинг бозорлари ҳажми, Шарқий Европа мамлакатларининг жами лизинг операцияларидан бирмунча юқорилиги ва нисбатан ривожланганлиги билан характерли ҳисобланади. Шарқий Европа ва АҚШ мамлакатларида лизингнинг кучли ривож топиши бу ҳудудларда (шарқий Европада 1960-йиллардан бошлаб, АҚШда 1950-йиллардан) тадбиркорлик фаолиятларининг кўп жиҳатдан қўллаб қувватланганлиги ва бу тармоққа киритилаётган инвестицияларнинг катта қисми лизинг механизми орқали амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Албатда лизингдан фойдаланиш учун имтиёзли солиқ тизими бўлиши шарт эмас, бугунги жаҳон амалиёти солиқ тизимининг ўзи унинг ривожланиши учун етарли эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатда лизингнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи омиллар:

- Норматив қонун базаси;
- Макроиқтисодий шароит, инвестицион бозор ҳолати (инвестицион имтиёзлар, банк фоиз ставкаси, солиққа тортиш механизми, инфляция ва бошқалар);
- Бугалтерия ҳисоб тизимидан фойдаланиш;

Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари (Буюк Британия, Германия, Дания) лизингни тартибга солишнинг махсус қонунларини қабул қилишмаган, у оддий “тижорат ҳуқуқи” (“коммерческое права”) асосида тартибга солиб турилади. Франция, Португалия, Швеция давлатларида лизинг муносабатлари махсус қонунчилик билан тартибга солинади.

Франция, Бельгия ва Италия давлатлари иқтисодий нуқтаи назардан мулкдор (опцион лизингнинг шарт бўлган белгиси) консепсиясига таянишади. Бошқа давлатларда (Буюк Британия, Ирландия, Голландия, шунингдек АҚШ) эса лизинг муносабатлари юридик нуқтаи назардан

мулкдор концепсиясига таяниб иш кўришади. Яна бир гуруҳ давлатлар ўзининг қонунчилигида ушбу иккала концепсияни мужассам қилган.

Бельгия, Италия ва Франция давлатларида лизинг шартномаси муддатининг тугаши билан лизинг объекти лизинг шартномасида келишилган нархда сотилиши шарт ҳисобланади (опцион), Буюк Британия ва АҚШда опцион операцияси лизингнинг шартли белгиси ҳисобланмайди, шартномада келишилган ҳолда лизинг муддати тугаши билан лизинг объектини қайтариш ёки сотиб олиш мумкин.

Германия, Швейцария давлатларининг қонунчилиги опцион операцияларини олди-сотди механизми асосида лизинг объекти тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга ошириш имконини беради. Яъни тўғридан тўғри томонлар ўртасида лизинг муносабатлари ўрнатилган ҳолатда лизинг объекти лизинг берувчига қайтарилса, олди-сотди механизми асосида тўловларни “махсус бўлиб тўлаш” йўли билан амалга оширилса лизинг объектининг эгалик ҳуқуқи келишув имзоланган пайтдан бошлаб лизинг олувчига ўтади.

Франсия ва Буюк Британияда кўплаб келишувларга лизинг сифатида қаралади, Германияда эса бу келишувлар ижара механизми сифатида қаралиши мумкин. Франсияда лизинг шартномасида унинг муддати тугагач опцион (лизинг объектини қолдиқ нархида сотиб олиш ҳуқуқи) операциясини амалга ошириш шартлиги уни ижара-кредит келишувлари қаторига қўшади. Шуниси эътиборлики ижара-кредит муносабатлари лизингдан фарқли равишда давлат томонидан ўзига хос қонунчилик асосида тартибга солинади. Давлатлар ўртасидаги бундай фарқ улар ўртасида “дабл дин” операцияларини амалга ошириш имконини беради.

Бугунги кунда Франсия қонунчилиги ишлаб чиқарувчига махсулотини лизингга бериш имкониятини қолдирмаган.

Лизинг муносабатларини давлат томонидан тартибга солишда ҳар бир давлат ўзига хос бўлган хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Лизингга банк фаолиятининг ананавий хизмат турларидан бири сифатида

караладиган давлатларда (Италия, Франция), давлат органлари нафақат банк тизимини балки улардаги лизинг механизминини ҳам назорат қилишади.

Кўплаб бошқа давлатларда лизинг фаолиятини бошқариш бирмунча соддаштирилган кўринишга эга. Хусусан Германия, Дания ва Нидерландия давлатларида лизинг фаолияти ортиқча чекловларсиз кечмоқда.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки лизинг фаолиятининг ривожланишига қонунчиликдан кўра кўпроқ давлатнинг макроиктисодий муҳити кўп таъсир этади. Бу жараёнда давлатнинг инвестициялар оқимини кўллаб қуватлаши ва лизингга унинг муҳим кўриниши сифатида қараши асосий омил бўлиб хизмат қилади. Лизинг фаолияти учун энг мақбул шароитлар Германия, Буюк Британия, Ирландия, Норвегия ва АҚШ давлатларида яратилган. Масалан Ирландияда лизингни рағбатлантириш мақсадида лизинг ташкилотларига давлат субсидиялари, тезлаштирилган амортизациялардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқа кўплаб қулайликлар тақдим этилган. Шулар натижасида Ирландия бугунги кунда самолётлар лизинггининг етакчисига айланган. Мамлакатда Халқаро молиявий хизматларни тақдим этиш маркази ва кўплаб бошқа йирик ташкилотлар жойлашган.

Яна бошқа бир давлатларда лизинг фаолиятининг ривожланишига кўплаб чекловларнинг мавжудлиги тўсиқ бўлмоқда. Масалан Грецияда кўчмас мулк, юк ташиш афтомобиллари ва афтобуслар лизингга тақиқланган. Давлат томонидан амортизация нормаларининг кучли назоратга олинганлиги қўшимча муоммо яратган.

Бугалтерия ҳисобини стандартлаштириш халқаро комитети (JASC) томонидан лизинг ҳисоби юзасидан стандартлар ишлаб чиқилган. Бу стандартлар Греция, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Ирландия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар томонидан қабул қилинган. Лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқини белгилашда иқтисодий таъйинларни

стандартлар асоси қилиб олишган. Лекин Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари шунингдек Европа Иттифоқи камиссияси ва “Leaseurope” федерацияси эгалик ҳуқуқининг юридик принсларига таянишади. Иқтисодий тамойилларга кўра лизинг объекти лизинг олувчининг балансида акс этиши лозим бўлса, юридик принсларга кўра бу ҳуқуқ лизинг берувчида қолади. Айнан эгалик ҳуқуқида мавжуд бўлган фарқлар туфайли давлатлар ўртасида бугалтерия ҳисобида, амортизациялар ва солиқларни ҳисоблаш тартибида фарқли томонлар кўзга ташланади.

Лойиҳаларни кўриб чиқишда мутахассислар маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш, уларни тайёр рақобатбардош маҳсулотга айлантириш, фаолияти импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган рентабелли юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши, замонавий коммуникация тизимлари ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ривожланиши, истеъмол бозорини бирламчи зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш билан боғлиқ лойиҳаларни афзал кўрадилар.

Қишлоқ хўжалигини замонавий, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлган қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш учун, жумладан, етакчи хорижий компаниялар иштирокида зарур шароитларни яратиш, етказиб берилаётган трактор ва ҳосилни йиғувчи машиналар учун ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 486-сонли қарорига асосан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси тузилди.

Давлатимизда қулай лизинг муҳитини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш ва такомиллаштириш лозим:

- Лизинг ташкилотлари учун давлат субсидияларини кўпайтириш;
- Тезлаштирилган амортизацияларни кенг тақдим этиш механизмини яратиш;

– Солиқ имтиёзларини кўпайтириш орқали лизинг иштирокчиларини рағбатлантириш лозим.

Давлатимиз лизинг соҳасини халқаро лизинг амалиётининг ютуқларига таянган ҳолда шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим (9-жадвал):

– Мамлакатимиз лизинг инфраструктурасига жорий қилиш мумкин бўлган яна бир халқаро амалиётда қўлланилувчи лизинг тури бу “лизинг линиялари” (lease-line) бўлиб бунда лизинг кўп жиҳатдан “кредит линиялари”га ўхшаш бўлади ва лизинг олувчига такрор лизинг олиш имкониятини ҳеч қандай қайта расмийлаштириш қийинчиликларсиз амалга ошириш имкониятларини беради. Бунинг учун лизинг ташкилотлари ва лизинг объектларини етказиб берувчи ўртасида яқин алоқалар ўрнатилиши талаб этилади.

– Халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган “дабл дин” лизинг механизmidан, мамлакатимиз лизинг ташкилотларини халқаро лизинг бозорларига олиб чиқишда кенг қўллаш лозим. Бу борада “дабл дин” операциялари лизинг ташкилотларимизга янги лизинг бозорларига чиқиш, янги ҳамкорларни топиш, лизинг таркибини янада бойитиш имконини беради.

– Халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган лизингнинг яна бир ноёб тури бу “савдога кўмак” (sales-aid) бўлиб Республикамизда афтолизингни “sales-aid” лизингги асосида янги босқичга олиб чиқиш мумкин.

– Марказий осиё ва унга қўшни давлатлар ҳудудларида лизинг операцияларининг тармоқ таркибини, давлатимиз афтомобил саноатига таянган ҳолда шакллантириш ва олиб чиқиш лозим.

Юқорида келтирилган жаҳон амалиётининг бой тажрибасини мамлакатимиз лизинг бозорларини ривожлантиришда жорий қилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун халқаро амалиётларда кенг қўлланилаётган лизинг турлари хусусан

“савдога кўмак” (sales-aid) лизинг операцияларини мамлакатимизда амалга ашириш учун уларнинг қонуний асоларини белгилаш лозим.

9-жадвал.

Халқаро лизинг амалиётида кенг тарқалган лизинг механизмлари⁴³.

Лизинг тури	Лизинг турининг моҳияти
“лизинг линиялари” (lease-line)	Такрор лизинг олиш имкониятини ҳечқандай қайта расмийлаштириш қийинчиликларсиз амалга ошириш имкониятларини беради.
“дабл дин”	“дабл дин”нинг афзаллиги икки ва ундан ортиқ давлатларнинг солиқ имтиёзларидан яхлит фойдалана олиш имконияти билан изоҳланади.
“савдога кўмак” (sales-aid)	Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотиш билан бирга лизингга тақдим этади. Бунинг учун ишлаб чиқарувчи ва лизинг ташкилоти ўртасида махсус шартнома тузилади.
худудларда “лизинг операцияларининг тармоқ таркиби”ни шакллантириш	Белгиланган худудда малум бир доирадаги ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлаш, рақобатни енгиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни лизингга бериш назарда тутилади.

Ўзбекистан Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунида лизинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Хусусан 13-моддада сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиб шунга кўра сотувчи ўз мижозларига маҳсулотини лизингга бериши мумкинлиги ўз ифодасини топмаган. Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида ўз мижозларига лизинг тақдим этиши ўз навбатида унинг савдо доирасини янада кенгайтишига сабаб бўлса, лизинг ташкилоти бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг савдо тармоқлари орқали лизингни йўлга қўйиш орқали ўз даромадини оширади. Бу амалиётни АҚШ, Германия ва Европанинг қатор мамлакатларида кенг учратиш мумкин. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси, иккинчи қисмини учинчи қисм деб белгилаш ва “Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида лизинг тақдим этиши мумкин” деган жумлани икинчи қисм ўрнига қўйиш лозим.

⁴³ Муаллиф чизмаси.

3.2 Ўзбекистонда халқаро лизинг операцияларини ривожлантиришнинг устивор ёналишлари.

Бугунги кунда иқтисодиёт равнақини лизинг тизимисиз тасаввур этиш қийин. Зотан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда мазкур замонавий тармоқнинг аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2003 йил 30 августда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига:

- яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;
- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноатида ўртача йиллик ходимлари сони 1000 кишидан ошмаган кичик корхоналар;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида ўртача йиллик ходимлари сони 50 кишидан ошмаган кичик корхоналар;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси, (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда ўртача йиллик ходимлари сони 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар қиради.

Мазкур фармонга биноан 2004 йил 1 январдан барча кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига киритилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялар тадбиқ этилади. Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

Кўрсатиб ўтилган фармонга асосан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қирувчи корхоналар ва тадбиркорлар доираси сезиларли равишда кенгайди. Диққат ва эътиборни жалб этадиган асосий масалалардан бири ушбу корхона ва тадбиркорларни янги замонавий технологиялар билан таъминлашда мумкин қадар улар учун қулай бўлган молиялаштириш усулларини қўллашдан иборат бўлди.

Шундай молиялаштириш усулларида бўлмиш молиявий лизинг банк кредити эвазига молиялаштириш усулига нисбатан қатор афзалликларга эгадир, кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига қирувчилар учун қулай ва очикдир.

Лизинг хизматларини махсус равишда ривожланишига 2002 йилда қабул қилинган ва Ўзбекистан қонунчилигига киритилган тартибга солишлар асос солади. 2002 йил 28 августда “Лизинг фаолиятларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3122 сонли Ўзбекистан Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди. Унга кўра мамлакатимиз лизинг секторини ривожланишига тўсиқ бўлиб келган ва лизинг операцияларини солиққа тортишдаги муоммоларни бартараф этилиши бўлди. Фармонга биноан 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

- лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидаи озод қилинди;
- лизингга бериш учун Ўзбекистан республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари вакил банкнинг тегишли тасдиғи

мавжуд бўлган такдирда, божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилди;

- лизин оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга бериладиган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилиндилар;

- лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида, у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

Қабул қилинган фармон лизинг операцияларини солиққа солиш ва солиққа тортиш шартларини молиялаштиришни амалдаги бошқа усуллари бўйича солиққа тортиш шартларига мослаштиришга қаратилган эди.

Фармон қабул қилинишига қадар, солиққа тортиш мақсадларида лизинг операциялари капитал қўйилмаларни ўрта ва узоқ муддатли молиялаштириш усули сифатида эмас, балки оддий олди-сотди сифатида қаралар эди. Бундай ҳолат лизингни молиявий восита сифатида кенг тарқалишига тўсиқ бўлиб турар эди. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 3122-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан банк кредити эвазига молиялаштиришда ҳамда лизинг операцияларини жорий этишда тенг солиқ шартларини шакллантиришга асос солди ва молиявий хизматлари бозорида қўшимча рақобат мухитини яратишга олиб келди. Молиявий хизматлар бозорида рақобат мухитини ривожланиши молиялаштириш қийматини пасайишига ва молиявий хизматлар доирасини кенгайтиришга олиб келади. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак кичик ва ўрта корхоналар ва тадбиркорлар ўз ишлаб чиқаришларини йўлга қўйишда ва янгилашда кенгроқ доирадаги молиялаштириш усуллари қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Мазкур фармонни тайёрлашда Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш ишчи гуруҳининг ишланмалари инобатга олинди. Республика ишчи гуруҳи “Инвестиция фаолиятини жадаллаштиришда лизинг ва халқаро лизинг

имкониятлари ва истикболлари” мавзусида 2001 йил 13 мартда ўтказилган республика семинари натижалари бўйича ташкил этилган эди. Ишчи гуруҳ таркибида Ўзбекистондаги барча лизинг компаниялари, тижорат банклари, турли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистан банклар уюшмаси, Ўзбекистан Республикаси Банк-Молия академияси вакиллари ҳамда Марказий Осиё лизингни ривожлантириш бўйича Халқаро молия корпорацияси лойихаси экспертлари томонидан иш олиб борилди бу ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимизда лизингни ривожлантириш уни халқаро лизинг бозорларига олиб чиқишга қаратилган.

Лизинг қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ўта муҳим қадам сифатида Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 13 декабрда Фуқоролик кодекси, Солиқ кодекси, “Лизинг тўғрисида”ги ва “Божхона тарифлари” тўғрисидаги қонунларга киритилган 38 та ўзгартиришлар бўлди. Ушбу ўзгартиришларнинг киритилиши амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш имкониятини берди. Масалан, Фуқоролик кодексидан лизинг берувчи молиялаштиришни фақат ўз маблағлари эвазига амалга ошириш мажбурияти меъёри чиқариб ташланди ва эндиликда лизинг берувчи лизинг шартномалари бўйича нафақат ўз маблағлари эвазига, балки банк кредитлари ва бошқа жалб этилган маблағлар ҳисобидан ҳам лизинг операцияларни жорий этиш имкониятларига эга бўлди. “Лизинг тўғрисида”ги қонундан эса тезкор лизинг тушунчаси олиб ташланди ва қуйидаги асосий масалаларни мувофиқлаштиришга эришилди:

- Солиқ кодекси ва “Божхона тарифи тўғриси”даги қонунга 2002 йил 28 августда “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси Президенти Фармонидаги ўзгартиришлар киритилди;

- Фуқоролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг мулки сотувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқроқ қилиб белгиланди. Бундан ташқари, улар

ўрталаридаги мажбуриятларни ўзаро бўлишини лизинг операцияларининг амалга оширилишини мустаҳкам қонунчилик асосини вужудга келтирди.

Кирилган ўзгартиришлар банк кредити ва асосий воситаларга сафарбар этиладиган инвестицияларни бошқа турлари билан бир каторда халқаро лизингни ривожланишини англатади. Бу ўзгартиришлар Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни мустаҳкам заминини яратиб берди. Булар асосида эса, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун, лизинг қулай ҳамда нисбатан жалб этувчан молиявий восита сифатида хизмат қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди.

10-жадвал.

Миллий лизингнинг ЯИМдаги улуши⁴⁴.

Йиллар	Лизингга берилган мулк ҳажми, млрд.сум	Асосий капиталга киритилган инвестицияларда лизингнинг улуши. %	ЯИМда лизинг улуши, %
2001	18,7	2,21	0,37
2002	31,3	2,73	0,42
2003	36,6	2,67	0,37
2005	90,6	3,72	0,6
2006	131,1	4,22	0,63
2007	214,5	3,91	0,76
2008	351,6	4,15	0,95
2009	401,6	3,19	0,84
2010	430,3	2,8	0,7
2011	484,5	2,7	0,6
2012	590,6	2,7	0,6

Қуйида келтирилган 10-жадвалда мамлакатимиз лизинг бозорининг 12 йиллик ривожланиш динамикасини кўриб чиқиш ва ўрганиш мумкин. 2001 йилда республикаимизда жами лизингга берилган мулкнинг қиймати 18,7 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилда 590,6

⁴⁴ www.ula.uz “Ўзбекистон лизинг берувчилар ассоциацияси”нинг расмий сайти. 2011 йил ва 2012 йил яқунлари асосида муаллиф ишланмаси.

млрд.сўмга етган. Ўн икки йил ичида бу кўрсаткич сал кам 32 баробарга ортганлиги мамлакатимизда лизинг соҳаси жадаллик билан ривожланиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестицияларда лизингнинг улуши 2012 йил якунларига кўра 2.7%ни ташкил қилган бўлса, ЯИМдаги лизингнинг улуши 0.6%ни ташкил қилган.

Ўзбекистонда лизинг бозорини янада тараққий этиши бир қатор омилларга боғлиқ, улар орасида қулай қонунчилик муҳитини ва лизинг компанияларига фойдали инвестициялар киритиш имкониятини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон лизинг секторини янада ривожлантириш, унинг халқаро майдонларга интеграциясини таминлаш мақсадиди 2012 йил 4-8 апрель куни IV – Тошкент Халқаро Лизинг Форуми (ТХЛФ-2012) ўтказилди. У лизинг жамоатчилиги вакиллари мулоқоти учун интерактив майдон бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат ишлаб чиқариш меҳнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан лизингни катта қисми қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига тўғри келиши кузатилади.

2012-йил якунларига кўра мамлакатимизда қишлоқ хўжалик соҳасига киритилган лизингнинг ҳажми жами лизинг таркибида 33.1%га тенг бўлган бўлса афтоотранспорт соҳасига 29.4%, кўчмасмулк, мулкый комплексларнинг улуши 13.1%ни, технолагик қурилмалар 24.4%ни ташкил этган. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва афтоотранспорт соҳасига лизингнинг катта қисми йўналтирилаётганлиги бу соҳаларда олиб борилаётган ишлар уларнинг равнақи учун хизмат қилаётганлигидан далолат бермоқда десак хато бўлмайди (4-диограмма).

Республикаимизда енгил ва озиқ-овқат саноати ускуналари лизингига бўлган талаб ҳам юқори даражада. Савдо ускуналари лизинги ўзлаштирилмаган бўлиб, унинг келажаги жуда ҳам самарали бўлиши шубҳасиздир.

Эътиборни жалб қиладиган масалалардан яна бири шахсий автотранспорт, узоқ муддатли истеъмол буюмлари лизингини ривожлантириш масалаларидир.

Ҳозирги вақтда халқаро лизинг операцияларининг турлари бўйича тўловларнинг ҳамма унсурларини ҳисоб-китоб қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаган. “Молиявий”, “тезкор”, “бўлинма лизинг”, “сублизинг”, “дабл дин” ва “савдога кўмак” кабилар юзасидан тузиладиган шартномаларнинг намуналарини яратиш ва такомиллаштириш лозим. Лизингнинг халқаро, экспорт ва импорт турларига битим-шартномалар тузиш шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ғоят зарур бўлиб турибди. Лизинг компанияларига тўланадиган воситачилик йиғимлари, мукофотларни белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш бозорнинг мазкур сегментидаги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади.

Чет эл тажрибаси лизингдан фойдаланишда айрим минтақаларга ва бозор секторларига имтиёзлар бериш зарурлигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг техника ва технология соҳасида орқада қолган секторларига, масалан, қишлоқ хўжалигига, унинг маҳсулотини қайта ишлашга, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга, маиший ва саноат электроникаси, тиббиёт техникасига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналарини ишлаб чиқаришга ва бошқа соҳаларга лизингдан фойдаланиш бўйича барча имтиёзларни бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Иқтисодиёти суस्त ривожланган минтақаларга солиқ соҳасида имкони борида имтиёзлар берилиши ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Чет ел инвестициялари хусусан халқаро лизинг фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳозирги боскичида асосий капитални лизинг асосида сотиб олиш ва янгилаш йўли билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарур. Шу мақсадда халқаро лизингни ривожлантириш, алоҳида лизинг тармоғини шакллантириш учун қулай шароит яратиш лозим. Халқаро ва миллий лизинг компаниялари ва Ўзбекистоннинг барча минтақаларида уларнинг филиалларини тузиш, уларни солиқ ва

йиғимлардан озод қилиш, уларнинг мустақамланишига имкон бериш, шу йўл билан лизинг операцияларини кенгайтириш керак. Қишлоқ жойларда бу ишнинг йўлга қўйилиши қишлоқ маҳсулотларини қайта ишлашга, янги иш жойларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Лизинг компанияларини таъсис этиш, уларни тузиш ва фаолиятини ташкил этиш бозор муносабатларига ўтиш босқичининг энг зарур вазифаларидан биридир. Юртимизда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун унга бир маротабалик ва имтиёзли солиқ солинишига эришиш энг муҳим вазифадир. Лизинг операциялари нуктаи назаридан солиққа тортиш базасига аниқликлар киритиш лизингни кенг оммалаштириш арафасидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда лизинг операцияларини бемалол ривожлантириш мақсадида бу ишни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни қўлаб-қувватлаш фондини тузиш мақсадга мувофиқ.

3.3. Халқаро лизинг лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш йўллари.

Ҳар бир иқтисодий фаолият сингари лизинг фаолиятининг мақсадлилиги ҳамда зарурлиги охир-оқибатда уни амалга оширишнинг самарадорлиги каби жуда муҳим категория билан белгиланади. Шу билан бирга, иқтисодиётимизга киритилаётган чет эл инвестицияларини халқаро лизинг операциялари орқали амалга оширганда, ушбу жараённинг мақсадлилиги ва самарадорлигини оқилона баҳолаш лизинг бизнесининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу нуктаи назардан, инвестициялашни баҳолаш асосларининг ўзи ҳам фавқулодда жуда муҳимдир. Бунинг учун эса аввало самарали халқаро лизинг мехонизминини танлаш, мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча муқобил вариантларни аниқ белгилаб олишдан бошланишини унутмаслик керак. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълум бўлдики, капитал

қўйилмаларнинг йўналишлари ва муқобил усулларининг йўқлиги, мавжуд бўлган ягона вариантни танлашга мажбур қилиб қўяди. Натижада унинг самарадорлиги қоида бўйича ё етарли бўлмайди, ёки жуда ҳам шубҳали бўлади.

Ушбу билдирилган фикр ҳар қандай лизинг фаолиятига ҳам тегишлидир, чунки унда ҳам маълум даражада кўп вариантлилик мавжуд (ёки бўлиши керак)дир. Биз буни лизингга олувчи танланиши керак бўлган қуйидагича вариантларда ифодалашимиз мумкин:

- ўзини техник қуроллантириш варианты;
- қайта қуроллаштириш жараёнини амалга ошириш учун уни молиялаштириш варианты молиялаштириш манбаларини танлаш варианты;
- лизинг мулки учун ҳисоб-китоблар (тўловлар)ни амалга ошириш варианты;
- лизингга берувчида инвестициялаш объектини, мол етказиб берувчи ва лизинг олувчини, қарз мажбуриятини ҳамда лизинг тўловларини амалга ошириш муддатларини танлаш каби вариантлар бўлади.

Лизинг муносабатларини амалга оширганда вариантларни баҳолашни қўллаш учун юқорида келтирилган аспектлар шуни кўрсатаётдики узок муддатли лойиҳаларни (лизинг лойиҳалари айнан ана шулар сарасига киради) баҳолаш жуда ҳам қийин бўлади, ёки узок муддатга мўлжалланган истикболни башоратлаш бир мунча қийин, башоратларни амалга ошириш эҳтимоли эса кам бўлади. Зеро вақт давомийлиги қанчалик узок бўлса, иқтисодий башоратнинг эҳтимоллик даражаси шунчалик кичик бўлади. Нобель мукофотининг лауреати. Ғарбдаги иқтисодий ўсиш назарияси асосчиси классик олим Й. Шумпетер “узок муддатли капитал қўйилмалар санъатини югурувчан мақсадга ўқ узиш санъати”га таққослаши бежиз эмас.

“Фаолиятнинг самарадорлиги” тушунчаси гарчи турлича баён қилинсада, у бир хил бўлган вазифа, яъни берилган фаолият тури (ёки қандайдир лойиҳа)га қилинган ҳаражат ҳамда уни амалга ошириш

натижасида эришилган натижа (самара, фойда)ни ўзаро таққослаш вазифасини бажаради. Бунда одатда исталган капитал лойиҳанинг натижаси ва унга қилинган ҳаражатлар бир талай бўлиб, уларни ҳисоблаш ҳар доим осон бўлмайди. Оқибатда халқаро лизинг лойиҳасининг самарадорлигини аниқлаш унинг барча босқичларида узоқ давом этувчи мураккаб жараёнга айланади. Ана шундай мураккаб таҳлил жараёни бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда инвестицион лойиҳалар (шу жумладан барча турдаги лизинг лойиҳалари)ни баҳолашнинг асосий концепцияси сифатида эътироф этила бошланди.

Албатта, бундай ўта муҳим баҳолаш жараёни асосланган ва изчил бўлган услубият орқали амалга оширилиши керак. Бунинг учун молиялаштириш ва инвестицион таҳлил каби махсус фанларда маълум бир асосий тамойиллар келтирилган бўлиб, ушбу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- молиялаштиришнинг энг юқори самарадорлиги тамойили (ҳар бир навбатдаги капитал қўйилмадан келадиган қўшимча ва оширилган самаранинг аста-секин пасайиб бориши);
- “ниқоблаш” тамойили (кейинги қарорнинг тўғрилиги ва навбатдаги ҳамда кўнгли вазифалар муваффақиятининг ўзаро мустаҳкам боғлиқлигини ифодаловчи шартлар сифатида);
- инвестицияни баҳолашнинг комплекслик тамойили (пул, моддий ва табиий баҳолашларнинг биргаликдаги олиб борилиши сингари),
- мослашиш тамойили (янги инвестицион муҳитга мослашиш учун ҳаражатларни баҳолашда ҳисоб-китобнинг мажбурий талаб этилиши сингари);
- мультипликатор тамойили (инвестициялаш жараёни натижаларини баҳолашда иқтисодиётдаги бир-бирига мувофиқ бўлган соҳа ва тармоқларнинг ўзаро алоқадорлик даражасини ифодалашнинг зарарлиги);

– Q - тамойил (умумий ҳолда бизнеснинг шунингдек, мулк, активлар ва корхонанинг биржадаги қиймати билан ҳақиқий тиклаш қийматини ҳисоблаш тамойили).

Шуни эътиборга олиш керакки, аввало баҳолашга нисбатан бир қатор соддалаштирилган ёндашувлар мавжуд. Хусусан, эришиладиган натижалар олдиндан маълум бўлиб, бироқ уни пулга баҳолаш усулидан фойдаланиш мумкин. Мисол учун йирик фирма раҳбарияти томонидан қуйидаги мақсад қўйилди, яъни корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янги тармоқ билан бирлаштириб модернизациялаш натижасида корхонанинг рақобатдошлигини ошириш.

. Қўйилган мақсадга етиш ҳамда натижага (ушбу ҳолатда пул билан ифодалаш қийин бўлган натижага) эришиш учун бир қанча муқобил лойиҳаларни ишлаб чиқиш керак бўлади. Хусусан бизнинг мисолимиздаги фирма:

а) ўз фаолиятида етишмаётган қурилмани харид қилиб, мустақил равишда янги тармоқни яратиши мумкин,

б) бошқа корхона билан шартнома тузиб, у билан бирга янги тармоқни яратиш.

Тасаввур қиламизки, янги тармоқнинг сифати ва бунга мос равишда модернизацияланган маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражаси ҳамда юқоридаги иккала вариантнинг реализациясини амалга ошириш харажатлари турлича бўлиб, уларнинг қийматини таққослаш имконияти мавжуд.

Натижада фақатгина бир мунча қиммат бўлган лойиҳани, яъни қўйилган мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган харажатларнинг энг самарали усулини танлаш масаласи қолади.

Лизингнинг ривожланишига тааллуқли халқаро тажрибага таянган ҳолда, лизинг бизнеси билан боғлиқ бўлган бир қатор риск турларини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбекистон республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунида қуйидаги рисклар фаркланади:

- лизинг объектини тасодифан йўқотиш (ҳалокат ёки тасодифий бузилиш) rischi;
- лизинг мулкининг ўғирланиш rischi;
- муддатдан олдин яроқсиз ҳолга келиш rischi;
- лизинг мулкининг шикастланиш rischi.

Кайд этилган рисклардан ташқари жаҳон амалиёти тасдиқлашича яна бир қатор рисклар билан ҳисоблашиш зарур. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Маркетинг rischi - асосан тезкор лизингга хос бўлиб, таклиф этилган лизинг мулкига лизинг берувчининг 100 фоизли талабининг бўлмаслиги rischi. Лизинг тўловида риск мукофотининг оширилиши; битим учун ускуна ва техниканинг энг оммабоп турларидан фойдаланиш; лизинг шартномаси тугагач бозор конъюктурасини ҳисобга олиб битим объектини сотиш маркетинг riskининг олдини олиш усуллари ҳисобланади.

Лизинг битими объектининг жадал маънавий эскириш rischi. Лизинг битими объекти, одатда, кўп илм талаб соҳанинг маҳсулоти бўлади. Шунга кўра улар кўпинча анча самарали технология ва ускуналар яратилиши натижасида “илмий-техника тараққиёти таъсирига тушади”. Бу riskни минималлаштиришнинг асосий усули бўлиб, шартномада қатъий муддатини белгилаш, яъни шартнома бекор қилиниши мумкин бўлмаган даврни белгилаш ҳисобланади.

Нарх rischi - лизинг битими амал қиладиган муддат мобайнида лизинг битими объектининг нархи ўзгариши билан боғлиқ даромадни аниқ йўқотиш rischi. Бунда лизинг берувчи эски нархларда тузилган лизинг битими объекти нархи ошган ҳолларда қўлга киритиши мумкин булган даромадни йўқотади. Эски нархлар бўйича лизингга олинган лизинг мулкининг тушишидан лизинг олувчи зарар кўради. Бу riskни биргаликда

минималлаштиришга лизингнинг бутун муддати мобайнига ҳар бир лизинг тўловининг миқдорини қайд этиш йўли билан эришилади.

Ҳалокат ёки фойдаланиш мумкин бўлмай қолиш rischi - лизинг объекти билан боғлиқ бундай риск, одатда, лизинг битими объектини суғурталаш йўли билан минималлаштирилади.

Балансланмаган ликвидлилик rischi - суда капитали бозоридан маблағ жалб этиш ҳисобига тўлов муддати ҳали етиб келмаган ўз активлари операциясини қайта молиялашга лизинг берувчи қодир бўлмаганда юзага келадиган молиявий йўқотишлар эҳтимоли. Вақт ва ҳажм бўйича пул воситалари оқимини бир-бирига боғлаш тегишли захира жамғармаси барпо этиш, лизинг берувчининг пассивлар билан операциясини диверсификациялаш йўли билан минималлаштирилади.

Тўланмаслик rischi - лизинг тўловлари бўйича лизинг оловчи ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги эҳтимоли rischi. Бу riskни минималлаштиришга лизинг оловчининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш; битта лизинг шартномаси қийматини лимитлаш; учинчи шахс қафолатини олиш ва тўланмаслик riskини суғурталаш йўли билан эришилади.

Фоиз rischi - лизинг шартномасида қўзда тутилган ставкадан ташқари банк кредитлари бўйича лизинг компанияси тўлаган фоиз ставкалари ошиши натижасида юзага келадиган йўқотиш хавфи. Мазкур риск молиявий фьючерслар олди-сотдиси ёки “фоиз своп” битими тузиш йўли билан пасайтирилади (“Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки Урганч бўлими”да банк кредитлари фойзини ҳисоблаш тартиби 4-иловада келтирилган).

Валюта rischi - валюта лизинги битими тузилишида юзага келади ва валюта курси тебраниб туриши натижасида лизинг берувчи йўқотиши мумкинлигини билдиради. Бу риск ҳам фоиз rischi каби минималлаштирилади.

Сиёсий риск - мамлакатдаги сиёсий вазият ўзгариши, иш ташлашлар, давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши ва бошқалар билан боғлиқ молиявий йўқотишлар хавфидир.

Юридик риск - муайян мамлакатдаги лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши натижасида лизинг берувчида юзага келадиган йўқотишлар билан боғлиқ.

Сиёсий ва юридик рисклар - бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ. Улар халқаро лизинг операцияларини амалга оширишда ёки мабодо улар чет эл банклари томонидан кредитланса, яққол намоён бўлади.

Бу рискларни қуйидагилар асосида бошқариш мумкин: лизинг олувчи истиқомат қиладиган мамлакатдаги сиёсий вазиятни ва солиқ қонунчилигини мунтазам таҳлил қилиш; риск муқофотини тахмин этилаётган рисклар микдорида мутаносиб тарзда ошириш; инвестициялар қафолати бўйича ҳукуматлараро шартнома тузиш.

Халқаро лизингни амалга ошириш жараёнини баҳолашнинг яна бир соддалаштирилган усули бўлиб қўйилмаларнинг қопланиш муддатини аниқлаш ҳисобланади.

Қопланиш муддати - бу мавжуд лойиҳадан келадиган фойда ҳисобига дастлабки капитал қўйилмаларнинг ўрнини тўлдириш учун керак бўладиган давр. Бунда фойда деганда солиқ ҳисоблаб чиқарилиб унга молиявий харажатлар, фоизлар ва амортизация суммаси қўшиб ҳисобланган соф фойда тушунилади. Қопланиш даврига қурилиш ишларини амалга ошириш учун кетадиган даврни қўшиб ҳисоблашимиз ҳам, қўшмаслигимиз ҳам мумкин. Иккинчи ҳолатда эса бу шубҳасиз қисқароқ бўлади. Мисол учун лизинг объектига 10.000.000 сўм маблағ йўналтирилди, ушбу қўйилмадан эса нақд пул оқими йилига 4.000.000 сўмни ташкил этсин. Натижада биринчи кўрсаткични иккинчисига бўлсак, берилган капитал қўйилмалар 2,5 йилдан сўнг қопланиши келиб чиқади. Ушбу ҳолатда барча баҳолашлар инвестор қутаётган натижа билан

қўйилмаларнинг ҳақиқатда қайтарилиш даврига мувофиқ келишига олиб келади.

Гарчи қопланиш усулини ҳисоблаш осон бўлсада, унинг бир қатор камчиликлари мавжуд, яъни лойиҳа ўзини қоплаганидан кейинги воқеаларнинг динамикаси ҳисобга олинмайди ҳамда тез молиявий даромадларга эга бўлиш қайта баҳоланади. Иқтисодий ҳамда сиёсий рисклар инвестициялашнинг қопланиш даврини минимал даражада бўлишига олиб келади, йирик илмий лойиҳалардан кутиладиган фойдани бир мунча камайтиради.

Шудай усуллардан яна бири - “фойданинг оддий меъёри”ни аниқлаш усулидир. Бу усул эксплуатация ҳисоб-китобларига асосланади. Бунда “фойданинг оддий меъёри” дастлабки лизинг харажатларига нисбатан жами одатий эксплуатация йилига тегишли бўлган фойда сифатида ҳисобланади.

Бунинг натижасида “Фойданинг оддий меъёри”нинг катталиги “фойда” ҳамда “капитал” тушунчаларининг қандай изоҳланганлигига боғлиқ. Ҳисоб-китоблар қуйидаги вариантларга эга:

- ялпи фойда ёки жами лизинг харажатлар таркибига киритиладиган солиққа тортиладиган фойда.
- соф фойда плус жами лизинг харажатлар таркибига киритиладиган амортизация суммаси.

Халқаро лизингни баҳолашда “фойданинг оддий меъёрий” кўрсаткичидан фойдаланиш пайтида баҳолашда базис сифатида олиниши мумкин бўлган репрезентатив (хусусий) йилни аниқлаш имконининг йўқлиги бу усулнинг камчиликларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Халқаро лизинг самарадорликини баҳолашда қўлланиладиган усулларнинг камчиликларини бартараф этишда, бир мунча мураккаб бўлган усуллардан фойдаланилади. Булар қуйидагилардан иборат:

- дисконтлаш;
- компаундинг;

- дарамадлиликининг ички меъёрини аниқлаш;

Мамлакатимизда лизингнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда дисконтлаш усулидан кенг фойдаланилади.

Маълумки, иқтисодий самарадорлик тушунчаси қуйидаги мантиқий боғлиқлик орқали аниқланади:

- Самарадорлик = натижалар (фойда, даромад) / харажатлар.

Лизингнинг иқтисодий самарадорлиги деганда, лизинг битими субъектларининг усқунани бошқа усуллар (банк кредитлари) орқали олиш билан таққослаганда, лизинг ёрдамида қўлга киритишида келадиган нафи (тежамлар, фойдалар) тушунилади.

Лизинг баҳоси маълум бир солиқ имтиёзлари мавжуд бўлганда суда баҳосига тенг ёки паст бўлади. Бунда биз ҳар бир кредитлаш усули бўйича харажатларни таққослашимиз зарур бўлади. Бу таққослашдан келиб чиқадиган тамойил дисконтлаш йўли билан бир хил вақтга келтирилган тўловларнинг молиявий эквивалентлигидир.

Жаҳон амалиётида тўловларнинг соф жорий баҳосини топишда дисконтлаш усулидан фойдаланилади.


Дисконтлаш - турли вақтдаги харажат ва натижаларни жорий вақтга келтиришдир. Шундай қилиб, дисконтлашда келгусида олинадиган ҳар бир пул маблағининг бугунги баҳоси ҳисобланади, ишлаб чиқариш воситасига халқаро лизингни жалб қилиш ёки киритишнинг самарадорлигини топиш учун узоқ муддатдаги харажатларни натижалар билан таққослашни тақозо этади.

Аммо бу суммалар турли вақтдаги суммалар бўлганлиги учун таққослаб бўлмайди. Чунки, бугунги кунда бизда мавжуд бўлган бир сўм, r тийин фойда келтирсин. У ҳолда бир йилдан сўнг $1+r$ гача ўсади. Натижада, агар 1 сум бир йилга инвестиция қилинган бўлса $(1+r)$ сўм бугунги кундаги 1 сўмнинг баҳоси ҳисобланали. Икки йилдан сўнг $(1+r)$ гача ўсган инвестиция қилинган бир сўм яна фоиз ставкагача ўсади ва $(1+r)(1+r) > 1+r^2$ ни ташкил этади. 1 йилдан сўнг $(1+r)$ гача ўсган инвестиция

қилинган пул баҳоси банк омонатидек мураккаб фоиз формуласи бўйича ўсиб боради.

Агар C суммада лизинг хизмати кўрсатилса, бир йилдан кейин у $C(1-r)$ гача ўсади. Худди шу мураккаб фоиз модели билан банкка қўйилган омонат суммасининг ўсишини топиш мумкин.

Дисконтлаш эса тескари масалани: келгусидаги пул маблағларини бугунги (жорий) вақтга келтиришни ҳал этади. Қуйидаги лизинг хизматлари пул оқими диаграммаси берилган бўлсин (5-расм).



5-расм. Лизинг хизматлари пул оқими

Келажакда турли вақтда тўланадиган лизинг тўловларини жорий вақт моментига келтириш учун уларнинг ҳар бирини мос равишда $(1+r)$, $(1+r)^2$, $(1+r)^3$ ва ҳоказо $(1-r)^n$ ларга бўлиш лозим. Натижада, тўловларнинг соф жорий баҳолари $C_1/(1+r)$; $C_2/(1+r)^2$; $C_3/(1+r)^3$... $C_n/(1-r)^n$ ҳосил бўлади. t_i - йилдаги ихтиёрий суммадаги лизинг тўловини жорий вақтга келтириш дисконтлаш коэффиценти k орқали амалга оширилади.


$$k_{it} = \frac{1}{(1+r)^t} \quad (13)$$

бу ерда r - дисконт меъёри ($r > 0$).

Ўз-ўзидан дисконт меъёри нима? деган савол туғилади. Бунга икки нуқтаи назардан қараш лозим (6-расмга қаранг).

Дисконт меъёри - капиталнинг индивидуал баҳоси бўлиб, қарз берувчи, инвестор ва қарз олувчилар ўз ички имкониятлари ва капитални жойлаштириш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда бозор фоиз ставкасидан келиб чиқиб ўрнатади. Бошқача ифодаладиган бўлсак, дисконт меъёри

капиталнинг индивидуал баҳоси бўлиб, фоиз ставкаси атрофида унинг берилган бозордаги ўртача баҳоси сифатида ўзгариб туради. Демак, капитал баҳоси фоиз ставкаси билан аниқланади. Умуман олганда, фоиз ставкаси эса учта омил: фойда меъёри, инфляция фоизи ва таваккалчилик учун суғурта мукофоти фоизидан ташкил топади, яъни



6-расм. Дисконт меъёри.

Фоиз ставкаси = таваккалчилик ва инфляциядан ҳоли бўлган мукобил лойиҳалардаги капиталнинг фойда меъёри + инфляция фоизи + таваккалчиликни қоплаш учун захираланаётган фойда фоизи

Одатда, фоиз ставкаси миллий валюта сўм инфляциясини ҳисобга олганда қуйидаги формула билан аниқланади:

$$r = \frac{1 + r_m}{1 + i_R} - 1 \quad (14)$$

бу ерда:

r_m - банк фоиз ставкаси ёки миллий валюта инфляциясини ҳисобга олмаганда қарз маблағларининг фоиз ставкаси;

i_R - миллий валюта сўмнинг инфляция даражаси, фоиз.

Миллий валюта сўмнинг инфляция даражаси эса қуйидаги формула билан аниқланади:

$$r = \frac{(\text{ИПЦ})_t}{(\text{ИПЦ})_{t-1}} \quad (15)$$

бу ерда:

$(ИПЦ)_t$ - истеъмол баҳо индекси;

$(ИПЦ)_{t-1}$ - $(t-1)$ йилдаги истеъмол баҳоси индекси.

Лизинг берувчи лизинг хизматлари самарадорлигини дисконтлаш усули билан келтирилган баҳо мезони бўйича баҳолаб бориш туфайли миллий валютанинг юқори суръатдаги девальвация шароитида лизинг капиталини сақлашни кафолатлайди. Бу эса ўз навбатида инфляция таваккалчилигини камайтиради, лизингнинг қонуний-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш бўйича давлат томонидан киритилаётган қатор имтиёزلарни асослайди ва тўғрилигини исботлайди. Молиявий хизматларда келтирилган баҳо мезони бўйича қишлоқ хўжалиги техникалари самарадорлигини баҳолаш лизинг берувчини инфляция таваккалчилигини кредитор зиммасига юклаб, бошқа манбалардан арзон ресурсларни излашдан ва ўз ресурсларининг қадрсизланишидан сақлайди. Баҳолаш натижасида лизинг берувчи инфляция таваккалчилигини ҳисобга олган ҳолда қўйилган лизинг капиталининг фоиз ставкасини белгилайди ва лизинг бозорида лизингнинг молиявий функцияси самарадорлигини аниқлайди.

Хар қандай фаолиятнинг авзаллиги унинг самарадорлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда иқтисодий самарадорликка эга бўлган лизинг тизими шаклланиб улгирган, эндиликда ининг халқаро даражага олиб чиқиш бугуннинг давр талаби бўлиб қолмоқда.

III.Боб бўйича хулоса.

Лизинг муносабатларини янада ривожлантириш йўлида тадбиркорлар учун қулай бўлган лизинг хизматларини яратиш ҳамда уларга шу йўл орқали янги замон талабларига жавоб берадиган техника ва технологияларни етказиб бериш лозим.

1. Ҳозирги вақтда халқаро лизинг операцияларида “тўғридан-тўғри халқаро лизинг”, “транзит (билвосита) лизинг”, “қайта янгиладиган

лизинг”, “сублизинг”, “дабл дин” ва “савдога кўмак” (sales-aid) каби лизинг турлари кенг қўлланилмоқда.

2. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш меҳнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан лизингни катта қисми қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига тўғри келмоқда.
3. Бугинги кунда жаҳон амалиётида тобора кенг тарқалиб бораётган “савдога кўмак” (sales-aid) лизинг операцияларини мамлакатимиз лизинг тизимига кенг жорий қилиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистан Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси, иккинчи қисмини учинчи қисм деб белгилаш ва “Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида лизинг тағдим этиши мумкин” деган жумлани икинчи қисм сифатида қўшиш лозим.

Фикримизча, юқоридаги келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда халқаро лизинг операцияларини янги босқичга олиб чиқади. Миллий иқтисодиёт тарақиётига мос бўлган бой хориж тажрибасидан ўз ўрнида фойдаланиш мамлакатимиз олдида турган асосли вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Давлатимизнинг инвестиция сиёсати ва уни амалга ошириш механизми, давлатнинг бу соҳада рўй бераётган жараёнларга таъсир кўрсатиш шаклларига янгича ёндашувлар излаб топиш заруратини талаб қилади. Лизинг бозори инфраструктурасини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бозор дастурида кўзда тутилган.

Халқаро лизинг операциялари ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш йўллари назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Халқаро лизинг тараққиёти олдидаги тўсиқларни йўқ қилиш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида турли мамлакат ва халқаро ташкилотлар мутахассислари томонидан Халқаро молиявий лизинг бўйича (УНИДРУА) Оттава Конвенцияси ишлаб чиқилган ва 1988 йилнинг май ойида қабул қилинган. Бу турдаги қонуннинг қабул қилиниши халқаро лизинг ривожланишининг асоси бўлиб қолмасдан унинг келажagini белгилаб берди.

2. Бугунги кунда халқаро лизинг бозорида Европа, хусусан “Leaseurope”, АҚШ ва Хитой кабий давлатлар етакчилик қилишмоқда. Хусусан Европа лизинг бозорининг 93%ини “Leaseurope” эгаллаган.

3. Лизинг фаолияти учун энг мақбул шароитлар Германия, Буюк Британия, Ирландия, Норвегия ва АҚШ давлатларида яратилган. Ирландияда лизингни рағбатлантириш мақсадида лизинг ташкилотларига давлат субсидиялари, тезлаштирилган амортизациялардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқа кўплаб қулайликлар тақдим этилган. Шулар натижасида Ирландия бугунги кунда самолётлар лизинг бозорининг етакчисига айланган.

4. Бугунги кунда йирик лизинг марказларидан бири бўлмиш Европа лизинг бозорининг 78%и Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Нидерландия, Полша ва Шветсия мамлакат улишига тўғри

келади. бундан ташқари бу мамлакатлар Европа иттифоқи худудида ишлаб чиқариш соҳасининг 78% лик улишига эга ҳисобланадилар.

5. Ҳозирги вақтда халқаро лизинг операцияларида “тўғридан-тўғри халқаро лизинг”, “транзит (билвосита) лизинг”, “қайта янгиладиган лизинг”, “сублизинг”, “дабл дин” ва “савдога кўмак” (sales-aid) каби лизинг турлари кенг қўлланилмоқда.

6. Европанинг шарқий қисмида худудий лизинг операцияларининг тармоқ таркиби афтомобил саноати атрофида шаклланган, бунинг сабаби афтомобил ишлаб чиқарувчи фирмалар ўз маҳсулотини сотиш учун янгидан-янги стратегияларни қўллашга мажбур бўлишмоқда ва айти бу муоммони ечишда лизинг оптимал вариант вазифасини бажариб келмоқда.

7. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки лизинг фаолиятининг ривожланишига қонунчиликдан кўра кўпроқ давлатнинг макроиктисодий муҳити кўп таъсир этади. Бу жараёнда давлатнинг инвестициялар оқимини қўллаб қуватлаши ва лизингга унинг муҳим кўриниши сифатида қараши асосий омил бўлиб хизмат қилади.

8. Ўзбекистон лизинг секторини янада ривожлантириш, унинг халқаро майдонларга интеграциясини тامينлаш мақсадиди республикаимизда мунтазам равишда Тошкент Халқаро Лизинг Форуми ўтказилиб келинмоқда. У лизинг жамоатчилиги вакиллари мулоқоти учун интерактив майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

9. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш меҳнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан лизингни катта қисми қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига тўғри келмоқда.

Тадқиқот ишида халқаро лизинг операциялари ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболларига қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида лизинг субъектлари тўғрисида тушунтиришлар белгилаб

қўйилган. Хусусан, мазкур моддада лизинг шартномаси субъектларнинг мақоми тўлиқ очиб берилмаган. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида лизинг шартномаси субъектларининг “резидентлик” ва “норезидентлик” категориясига аниқлик киритилиши лозим. Резидент ва норезидент тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ сиёсати алоҳида тартибда олиб борилиши Солиқ кодексида белгилаб қўйилган. Лекин лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонучиликда бу ҳолат ўз аксини топмаган.

2. Бугинги кунда жаҳон амалиётида тобора кенг тарқалиб бораётган “савдога кўмак” (sales-aid) лизинг операцияларини мамлакатимиз лизинг тизимига кенг жорий қилиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистан Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси, иккинчи қисмини учинчи қисм деб белгилаш ва “Сотувчи лизинг берувчи билан алоҳида тузилган шартнома асосида лизинг тағдим этиши мумкин” деган жумлани икинчи қисм сифатида қўшиш лозим.

Фикримизча, юқоридаги келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда халқаро лизинг операцияларини янги босқичга олиб чиқади. Миллий иқтисодиёт тарақиётига мос бўлган бой хориж тажрибасидан ўз ўрнида фойдаланиш мамлакатимиз олдида турган асосли вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,-Т.:«Ўзбекистон», 2002й.

1.2. Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисидаги» Қонуни 14 апрель 1999й.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси Т: Ҳуқуқий адабиёт 2002й.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси//Халқ сўзи, 2002йил 9январ, 6 сон.

1.5. Ўзбекистон Республикаси 548-І-сон Қонуни билан тасдиқланган Божхона кодекси 26 декабрь 1997й.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 30-46-б.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. І-3. - Тошкент, 2004. - 23-47-б.

II.Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

2.1. «Лизинг хизматларни ривожлантириш бўйича тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини Қарори №199, 2004 й.

2.2. «Ўзбеклизингинтернейшнл АЖ» компаниясини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини Қарори №6, 1995 й. 5 январь

2.3. «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 8-сон, 131-132-бетлар.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2000 йилдаги №ПФ-2613 сонли “Экспорт махсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 290-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2000 йилдаги №242 сонли “Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари.

3.1. И.А.Каримов “Жахон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Ўзбекистон-2009 йил.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзусидаги маърузаси. Тошкент - 2013 йил.

3.3. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2012 йил 19 январь. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

3.4. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз

тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. //“Халқ сўзи” 22.01.2011 йил

2.3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //“Халқ сўзи”, 13.11.2010 йил.

3.5. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –тараққиётимизнинг муҳим омилидир”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига баишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //“Халқ сўзи”, 07.12.2010 йил.

3.6. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. “Халқ сўзи”,30.01.2010 йил.

3.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини 17 йиллигига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузаси. “Халқ сўзи”, 05.12.2009 йил.

3.8. Каримов И.А. ”Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом эттириш-давр талаби”. “Халқ сўзи”.14.02.2009 йил.

3.9. И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. – Т.: “Ўзбекистон” 18.01.2013 йил.

IV.Асосий адабиётлар.

4.1. Газманов В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии - М.: Фонд “Правовая культура”, 1997г.

4.2. Газманов В.Д. «Рынок лизинговых услуг». - М.: Фонд «Правовая культура», 1999г.

4.3. Набиев Э.Ғ., Марпатов М.Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳукукий асослари ва амалиёти. Т.: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004й.

4.4. Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. - М.: Инфра - М, 1998г.

4.5. Газибеков Д.Ғ., Сабиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане - Т.: Молия, 2001й.

4.6. Ғозибеков Д. Ғ., Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Т.: «Fan va texnologiya» 2004й.

4.7. Горемыкин В.А. Лизинг: Учебник. - М.: Дашков и К, 2008г. -944с.

4.8. Джуха В.М. Лизинг. - Ростов н/Д.: Феникс, 1999г. - 320 с.

4.9. Чекмарева Е. Лизинговый бизнес - М.: Экономика, 1994г. - 127с.

V. Қўшимча адабиётлар.

5.1 Джуха В.М. Лизинг. Серия «Учебники, учебные пособия».- Ростов н/Д: «Феникс», 1999.

5.2. Кабатова Е.В. «Лизинг: понятие, правовое регулирование, междунациональная унификация. - М.: ИНФРА-М, 1991

5.3. Лещенко М.И. Основы лизинга: Учеб пособие 2-е изд. перераб и доп. - М.: Финансы и статистика, 2004

5.4. Биржевое дело / Под ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 304 с.

5.5. Вахобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. - Тошкент: Шарқ, 2003. - 400 б.

5.6. Максимо В. Энг, Фрэнсис А. Лис, Лоурэнс Дж. Мауер. Мировые финансы. Пер. с англ. - М.: ДеКА, 1998. - 768 с.

5.7. Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиеватининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири: 08.00.07: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. - Т., 2008. - 20 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўплamlар ва ҳисоботлар.

6.1. Абдуллаев Ф. Миллий иқтисодиётни модернизациялашда лизинг хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. // Хоразм Маъмун академиясининг ахборотномаси. - Хива, 2010. № 1.-Б.6-13.

6.2. Зойиров Л.С. Тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини лизинг асосида кредитлаш амалиётини такомиллаштириш // Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ва инқироздан кейинги барқарор ривожланишни таъминлашда банк-молия тизимининг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Тошкент:Молия,2010й.113-115 Б.

6.3. Лизинг Инфо. Обзор лизингового рынка Узбекистана // Бизнес-вестник Востока 2004г, №21-22 (643-644), с.6.

6.4. Мустафаев З “Ўзбеклизингинтернейшнл АО”: Ринок лизинга расширяется. //Новости Узбекистана 2002, № 43 (118), с.1-2.

6.5. Зойиров Л.С. Дунё мамлакатларида лизинг асосида молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2010. - № 3. - Б. 56-58.

VII.Интернет сайтлари.

- 4.1. www.Leaseurope.org Leaseurope федерацияси расмийнинг сайти.
- 4.2. www.leasingverband.de (BDL) немис лизинг ассоциацияси сайти.
- 4.3. www.fla.org (FLA) Буюк Британия лизинг ассоциацияси расмий сайти.
- 4.4. www.All-leasing.ru Россия лизинг бозори таҳлилини ўтказувчи сайти.
- 4.5. www.ctl.co.jp (ТС-Lease) Япония лизинг корпорациясининг сайти.
- 4.6. www.ula.uz Ўзбекистон лизинг берувчилар ассоциацияси сайти.
- 4.7. www.nbu.uz “Ўзмиллийбанк” расмий сайти.
- 4.8. www.ifla.com Халқаро молия ва лизинг ассоциациясининг сайти.
- 4.9. www.elfaonline.org (ELFA) АҚШ лизинг ассоциациясининг сайти.
- 4.10. www.Lex.uz Ўзбекистон Республикаси расмий қонунчилик сайти.

1. European leasing market - first semester 2012

	New Production (Mio €)				% Change adjusted for exchange rat impact			
	Equipment	Vehicles	RE	Total	Equipment	Vehicles	RE	Total
AT Verband Österreichischer Leasing-Gesellschaften - VÖL	566.0	1,781.0	226.0	2,573.0	-14.89%	-0.61%	-68.91%	-19.19%
BE Association Belge des Entreprises de Leasing	2,172.1		152.8	2,324.9	na	na	-24.79%	4.30%
BG Bulgarian Association for Leasing - BAL	85.8	144.6	48.3	278.6	-14.16%	-3.54%	57.50%	-0.65%
CH Association Suisse des sociétés de Leasing	454.9	3,704.5	43.2	4,202.5	-5.52%	0.16%	-61.76%	-2.11%
CZ Czech Leasing and Finance Association - CLFA	207.8	492.5	35.7	736.0	-44.67%	-1.22%	-33.33%	-20.67%
DE Bundesverband Deutscher Leasing-Unternehmen e.V.	5,670.0	16,570.0	460.0	22,700.0	-3.24%	6.22%	-36.99%	2.30%
DK Finans og Leasing	530.3	2,066.9	15.5	2,612.7	0.05%	9.03%	-86.93%	2.70%
EE Estonian Leasing Association	216.0	288.0	0.0	504.0	54.29%	40.49%		46.09%
ES Asociación Española de Leasing y Renting - AELR	1,295.3	978.7	478.5	2,752.5	-22.35%	-19.69%	-17.69%	-20.63%
ES Asociación Española de Renting de Vehículos - AER		1,075.8		1,075.8		-8.70%		-8.70%
FI Federation of Finnish Financial Services - FKL	884.0	945.0	0.0	1,829.0	6.63%	25.33%		15.54%
FR Association Française des Sociétés Financières - ASF	5,468.4	6,987.4	2,627.9	15,083.8	3.69%	-2.43%	-5.68%	-0.91%
FR Fédération Nationale des Loueurs de Véhicules - FNLV		4,024.0		4,024.0		2.47%		2.47%
GR Association of Greek Leasing Companies	63.7	13.9	50.1	127.7	-35.55%	-66.63%	-68.13%	-57.11%
IT Associazione Italiana Leasing - ASSILEA	3,061.0	2,724.0	269.0	8,475.0	-21.07%	-25.53%	-51.26%	-35.08%
LV Latvian Lessors Association	80.1	184.3	1.8	266.2	-14.05%	24.35%	12572.35%	10.27%
NL Nederlandse Vereniging van Leasemaatschappijen - NVL	na	na	na	2,053.0	na	na	na	8.57%
NO Finansieringsselskaperens Forening	1,023.4	1,481.7	1.1	2,506.2	4.49%	9.55%	-50.00%	7.37%
PL Polish Leasing Association	1,261.6	1,994.0	97.3	3,352.9	5.74%	5.55%	-35.77%	3.69%
PT Associação Portuguesa de Leasing, Factoring e Renting - ALF	261.5	413.9	230.1	905.5	-39.63%	-48.79%	-37.95%	-43.84%
RO Leasing and Non-Banking Financial Services Association	148.6	427.6	20.7	597.0	-12.44%	16.57%	-72.08%	-2.27%
RU United Leasing Association of Russia	8,023.4	1,568.5	90.0	9,681.9	25.64%	10.25%	-63.88%	20.16%
SE AFINA - Associations of Swedish Finance Houses	2,072.8	3,780.0	1.6	5,854.5	17.53%	10.93%	-49.32%	13.14%
SI Leasing Committee of the Banking Association of Slovenia	33.0	368.0	33.0	434.0	-35.29%	9.85%	-72.27%	-14.06%
SK Association of Leasing Companies of the Slovak Republic	245.0	629.4	22.0	896.3	2.41%	3.53%	-78.65%	-5.66%
TR Auto Leasing and Rental Companies Association - Tokkder		984.7		984.7		17.95%		17.95%
UA Ukrainian Union of Lessors	89.4	146.9	2.8	239.1	-24.30%	14.67%	232.18%	-3.22%
UK Finance and Leasing Association - FLA	5,387.8	16,514.8	125.3	22,027.9	11.87%	11.91%	-8.85%	11.75%
	37,129.8	70,290.1	7,453.6	119,098.7	2.62%	3.53%	-39.06%	-0.98%

Иловалар.

Рэнкинг лизинговых компаний по итогам первого полугодия 2012 года (в соответствии с европейской методикой)		
Место	Компания	Объем нового бизнеса (new production), млн руб.
1	«ВЭБ-лизинг»	116 250,00
2	"ВТБ Лизинг" (включая ГК «ТрансКредитЛизинг»)	28 940,00
3	«Сбербанк Лизинг» (ГК)	18 927,80
4	"Газпромбанк Лизинг" (ГК)	17 087,00
5	Государственная транспортная лизинговая компания	15 489,00
6	«БИЗНЕС АЛЬЯНС»	13 856,80
7	Лизинговая компания "УРАЛСИБ"	12 213,00
8	«Газтехлизинг»	9 281,30
9	"Альфа-Лизинг" (ГК)	9 202,10
10	«ТрансФин-М»	8 624,30
11	«Балтийский лизинг» (ГК)	6 954,90
12	"CARCADE Лизинг"	5 635,00
13	«Транслизинг-сервис»	3 939,00
14	"Райффайзен-Лизинг"	3 593,10
15	«РЕСО-Лизинг»	3 582,00
16	«Лизинком»	3 260,50
17	"СТОУН-XXI" (ГК)	3 200,70
18	«Элемент Лизинг»	3 181,90
19	«Интерлизинг» (ГК)	2 736,50
20	«МСП Лизинг»	2 717,70
21	"Система Лизинг 24"	2 483,90
22	"БАЛТИНВЕСТ"	2 456,50
23	«ЮниКредит Лизинг» и «Локат Лизинг Россия»	2 448,20
24	Сибирская лизинговая компания (Москва)	2 287,80
25	Универсальная лизинговая компания	2 136,00
26	«ФБ-ЛИЗИНГ»	1 867,00
27	«Дойче Лизинг Восток»	1 641,40
28	«ЗЕСТ» (ГК)	1 597,50
29	«МТЕ Финанс»	1 579,50
30	«Фольксваген Груп Финанц»	1 553,20
31	«ЮГРА-ЛИЗИНГ»	1 451,00
32	«ВЕКТОР-ЛИЗИНГ»	1 368,60
33	«Альянс-Лизинг»	1 291,20
34	Русская лизинговая компания	1 256,00
35	«СОЛЛЕРС-ФИНАНС»	1 178,80

2012-йилда Ўзбекистон лизинг бозори иштирокчиларининг лизинг операциялари хажми.

№	Наименование компании	Объем лизинговых операций (в млрд. сум)
1	O'zselxozmash Leasing	167,7
2	Asaka Bank	104,6
3	O'zavtosanoat Leasing	55,3
4	O'zmeliomash Leasing	39,1
5	Ipoteka Bank	27,4
6	Mikro Kredit Bank	21,2
7	Uzbek Leasing International	19,1
8	Qurilish Lizing	12,7
9	Infin Leasing	12,6
10	Turon Bank	8,1
11	Delta Leasing	7,7
12	Trast Bank	7,5
13	Hamkor Bank	7,2
14	SIFCO International	7,1
15	China Leasing Group	5,8
16	Uz Psb Bank	5,5
17	Hamkorand Leasing	5,4
18	Nano Leasing	5,3
19	Xalq Bank	5,3
20	Asaka Trans Leasing	5,3
21	Hamkormaz Leasing	4,9
22	Barqaror Leasing	4,1

Кредит бўйича фоиз ставкасини ҳисоблашга МИСОЛ:

Банк мижознинг кейинчалик ўз савдо тармоғи орқали сотиш учун товар-моддий бойликлар сотиб олишга 10.000.000 сўм ҳажмида кредит бериш тўғрисидаги буюртмасини кўриб чиқаяпти. Кредит муддати 12 ой. Мижоз таъминот сифатида оборотдаги 5.000.000 сўмлик товарларни ҳамда 7.500.000 сўмлик кўчмас мулкни тақдим этмоқчи. Банк бўйича базавий ставка – йиллик 24%.

Банк маржаси ҳисоб-китоби:

1. Кредит тарихи

Мазкур Қарз олувчи илгари (охирги 3 йилда) фойдаланилган кредитлар бўйича тўлов 30 кунгача кечикишига йўл қўйган. Шундай қилиб, кредит тарихи I.2-бандга мувофиқ баҳоланади ва маржа Ўзмилийбанк базавий ставкасининг 2% ҳажмида белгиланади.

2. Қарз олувчининг молиявий рейтинги

Қарз олувчининг кредит қобиляти 3-тоифа, деб баҳоланади. Бу ҳолатда устама 4%ни ташкил этади.

3. Кредитлаш муддати

Кредит бериладиган муддат – 12 ой, демак маржага устама, III.2-бандга мувофиқ 1%ни ташкил қилади.

6. Таъминот сифати

Қарз олувчи банкка аралаш таъминотни таклиф қилаяпти: 60% - кўчмас мулк гарови ва 40% - оборотдаги товарлар гарови. Тегишлича, маржага устама ўртача чамалаш усулида қуйидагича бўлади:

$$(60\% \times 6\% + 40\% \times 4\%) / 100 = 5,2\%$$

Шу тариқа банк маржаси ҳаммаси бўлиб

$$2\% + 4\% + 1\% + 5,2\% = \text{базавий ставканинг } 12,2\% \text{ ёки}$$

$$24\% (\text{базавий ставка}) \times 12,2\% = \mathbf{2,9\%} \text{ни ташкил этади.}$$

Банк бўйича базавий ставкани ҳисобга олганда фоиз ставкасининг жами: **24% + 2,9% = 26,9%.**